

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

27-сон
(943)
2020 йил
13 июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

305. «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 8 июлдаги ЎРҚ–627-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

306. «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ–6019-сон Фармони

307. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июлдаги ПФ–6021-сон Фармони

308. «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғри-

сида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон Фармони

309. «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПК-4779-сон қарори

Бешинчи бўлим

310. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 2020-17-сон «Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3251*)
311. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/8-сон «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3254*)
312. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/9-сон «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомни, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 943-6*)
313. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 30 июндаги 157-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-7*)
314. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 12 июндаги 26-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3255*)
315. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 1 июндаги 2020-22-сон «Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш

хақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3256*)

316. Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи Республика комиссиясининг 2020 йил 25 майдаги 24/1-1111-сон «Маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори [Кўчирма] (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3257*)
317. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 8 июндаги 122-сон «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3258*)
318. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 28 майдаги 24-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БХМС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3259*)
319. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 28 майдаги 23-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3278*)
320. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 32, 33, 21, 16, 50, 10-5/1517-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3147-1*)
321. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 12 июндаги 25-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларнинг 3-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги

буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-3*)

322. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 27, 23-2020 қ/қ-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқноманинг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1268-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

305 Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 19 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ов қилиш ва овчилик хўжалиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ов қилиш

Табиий эркинлик ҳолатида яшаётган ёввойи ҳайвонларни (уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларини) тутиш мақсадида уларни излаш, уларнинг изига тушиш ва уларни таъқиб қилиш, тутишга уриниш ёки тутиш (отиш, тутиб олиш) ов қилишдир. Қуйидагилар ов қилишга тенглаштирилади:

филофи ечиб қўйилган ҳолатдаги (йиғилган тарздаги) ов қуроли ва ов қуролларининг бошқа турлари ёки ов маҳсулоти билан ов қилиш жойлари ҳудудида бўлиш;

шахсларнинг филофи ечиб қўйилган ҳолатдаги (йиғилган тарздаги) ов қуроли билан, ов маҳсулотининг қўлга киритилганлиги қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз (овчилик гувоҳномасисиз, ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномасиз, овчилик йўлланмасисиз (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасисиз) умумий фойдаланишдаги йўлларда бўлиши.

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 9 июлда эълон қилинган.

Овчилик хўжаликлари қўриқлаш ходимларининг ўз лавозим мажбуриятларини бажараётганда хизмат қуроли билан овчилик хўжаликлари ҳудудида бўлиши ов қилиш ҳисобланмайди.

4-модда. Овчилик хўжалиги

Овчилик хўжалиги ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга доир биотехник тадбирларни ўтказиш, ёввойи ҳайвонлар сонининг ҳисобини ҳамда тутиладиган ёввойи ҳайвонларнинг ҳисобини юритиш, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга овчилик хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун ов қилиш жойлари ҳудудида ташкил этилади.

5-модда. Овчи

Ҳақиқий овчилик гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган ва ов қилиш соҳасида хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган чет эллик фуқаро овчидир.

Овчилик хўжалигининг қўриқлаш ходими ўз лавозим мажбуриятларини бажараётганда овчи ҳисобланмайди.

6-модда. Ов қилиш ва овчилик хўжалиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Ов қилиш ва овчилик хўжалиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

овчилик ресурсларининг ва ов қилиш жойларининг муҳофаза қилинишини, улардан оқилона фойдаланилишини, уларнинг сақланишини таъминлаш;

давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат томонидан нормалар белгилаш;

овчилик туризмини ривожлантириш;

ов қилишни ҳамда овчилик хўжаликларини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш;

давлат назоратини амалга ошириш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

7-модда. Давлат овчилик фонди

Табиий эркинлик ҳолатида яшаётган, шунингдек ов қилиш жойларига, шу жумладан улар етиштирилган овчилик хўжалигидан ташқарига қўйиб юборилган ёввойи ҳайвонлар давлат мулкидир ва Давлат овчилик фондини ташкил этади.

Фермаларда, питомникларда, инкубаторларда, балиқчилик питомникларида ва ҳовуз хўжаликларида сақланаётган ва (ёки) етиштириладиган ёввойи ҳайвонлар Давлат овчилик фондига кирмайди ҳамда фермалар, питомниклар, инкубаторлар, балиқчилик питомниклари ва ҳовуз хўжаликлари қайси шахсларга тегишли бўлса, ўша шахсларнинг мулки бўлади.

Ёввойи ҳайвонлардан фойдаланиш ҳуқуқи барча тоифадаги ерлар ва сув объектларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни тасарруф этиш ҳуқуқидан ажратилгандир.

2-боб. Овчилик ресурслари ва ов қилиш жойлари

8-модда. Овчилик ресурслари

Ов қилиш мақсадида фойдаланиладиган ёки фойдаланилиши мумкин бўлган ёввойи ҳайвонлар, шунингдек ёввойи ҳайвонларнинг яшаш фаолияти маҳсулотлари овчилик ресурслари жумласига киради.

9-модда. Ов қилиш жойлари

Ов қилиш жойлари ов қилиш учун фойдаланиладиган ёки фойдаланилиши мумкин бўлган, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити, бўлиш ва урчиш жойлари, уларнинг кўчиб ўтиш йўллари бўлган ерлар, сув объектлари ва ўрмонлардан иборат бўлади.

Ов қилиш жойлари ҳудудида қуйидагилар тақиқланади:

қишлоқ хўжалиги, мелиоратив, ўрмон хўжалиги ишларини ва бошқа ишларни ёввойи ҳайвонларнинг нобуд бўлишига олиб келадиган усулларда амалга ошириш;

ўзбошимчалик билан ёввойи қушларнинг тухумларини йиғиш, уяларини вайрон қилиш, ёввойи ҳайвонларнинг уйчаларини, инларини ва бошқа уяларини бузиш, бундан ёввойи ҳайвонлар сонини тартибга солиш билан боғлиқ ҳоллар мустасно;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ҳамда бошқа тоифадаги ерларда қуриган дов-дарахтларни ва уларнинг қолдиқларини илдизи билан ёқиш;

ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити, бўлиш ва урчиш жойларида, шунингдек уларнинг кўчиб ўтиш йўллари бўлган жойларда дов-дарахтларни йўқ қилиб юбориш, қиёқ, қамиш ва ёввойи ҳолда ўсувчи бошқа ўсимликларнинг чакалакзорларини ёқиш.

Қуйидагилар ов қилиш жойларига кирмайди:

аҳоли пунктларининг ерлари;

соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий мақсадга мўлжалланган ерлар;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, агар уларнинг режимида ов қилиш назарда тутилмаган бўлса;

шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар;

корхоналарнинг санитария-ҳимоя зоналари;

сув олиш иншоотларининг ҳимоя зоналари;

аэродромлар;

темир йўлларнинг ҳимоя зоналари;

чегара олди минтақаси;

ҳосил йиғиштириб олингунига қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;

тўғонлар, сув айиргичлар, кўприклар ёнидаги, балиқчилик питомниклари, ҳовуз хўжаликлари ва бошқа маданий балиқчилик хўжаликлари чегараларидаги участкалар, агар ушбу объектларни муҳофаза қилиш режимида ов қилишга доир тақиқ назарда тутилган бўлса.

10-модда. Овчилик ресурсларининг ва улар яшаш муҳитининг мониторинги

Овчилик ресурсларининг ва улар яшаш муҳитининг давлат мониторинги овчилик ресурсларининг сони ҳамда популяцияси, уларнинг ёввойи ҳайвонлар турлари бўйича ўзгариши динамикаси ва уларнинг яшаш муҳити ҳолати устидан мунтазам кузатувлар тизимини ифодалайди.

Овчилик ресурсларининг ва улар яшаш муҳитининг давлат мониторинги Атроф-муҳит давлат мониторингининг бир қисмидир.

Овчилик ресурсларининг ва улар яшаш муҳитининг давлат мониторинги маълумотлари овчилик ресурсларидан ҳамда уларнинг яшаш муҳитидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, уларни сақлаб қолиш учун қўлланилади.

11-модда. Овчилик ресурсларини ва ов қилиш жойларини муҳофаза қилиш

Овчилик ресурсларини ва ов қилиш жойларини муҳофаза қилиш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

биологик хилма-хилликни сақлаш ҳамда ёввойи ҳайвонларнинг барқарор яшашини таъминлаш;

ёввойи ҳайвонлардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ғайриқонуний ов қилишга (браконьерликка) қарши курашиш;

ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити, бўлиш ва урчиш жойларини, уларнинг кўчиб ўтиш йўллари муҳофаза қилиш;

ов қилиш муддатларига риоя этилиши ва тутиладиган ёввойи ҳайвонларнинг сони устидан назорат қилиш;

ов қилиш жойлари ҳудудида ёнғинга қарши чоралар кўриш;

ов қилиш жойлари ҳудудида ерларни ҳайдаш ва дов-дарахтларни кундаков қилишнинг олдини олиш;

сув объектларини сув ҳавзаларининг гидрологик ва гидрогеологик режими бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган номақбул ҳодисалардан муҳофаза қилиш.

12-модда. Ёввойи ҳайвонларнинг сонини ва тутиладиган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олиш

Ёввойи ҳайвонларнинг сонини ҳисобга олиш майдон бирлигига нисбатан ёввойи ҳайвонлар сонини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Ёввойи ҳайвонларнинг сонини ҳисобга олиш ягона услубиётлар бўйича ўтказилди ҳамда ов қилишни режалаштириш ва овчилик хўжалигини юритиш учун асос бўлади.

Овчилик хўжаликлари ҳудудида ёввойи ҳайвонларнинг сонини ҳисобга олишни овчилик хўжаликлари, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўзларига бириктирилган ов қилиш жойлари ҳудудларида, табиий сув ҳавзаларида, балиқчилик питомникларида ва ҳовуз хўжаликларида амалга оширади.

Тутиладиган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олиш тутилган ёввойи ҳайвонларнинг турлари бўйича сонини аниқлаш учун амалга оширилади ҳамда ов қилиш жойларининг маҳсулдорлигини ва ёввойи ҳайвонлар турларининг захираларини аниқлаш, келгусида ёввойи ҳайвонларни ўзининг яшаш муҳитидан ажратиб олишни режалаштириш учун асос бўлади.

Тутиладиган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олишни овчилик хўжаликлари, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўзларига бириктирилган ов қилиш жойларининг ҳудудларида, табиий сув ҳавзаларида, балиқчилик питомникларида ва ҳовуз хўжаликларида тутилган ёввойи ҳайвонларни овчилик хўжаликларининг махсус дафтарларида, шунингдек овчилик йўлланмаларидаги (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаларидаги) белгилар бўйича рўйхатдан ўтказиш орқали амалга оширади.

13-модда. Ёввойи ҳайвонларни такрор кўпайтириш

Ёввойи ҳайвонларни такрор кўпайтириш ёввойи ҳайвонларни сунъий равишда маҳсулдорроқ ҳолатда сақлаб туриш, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити, бўлиш ва урчиш жойларини, уларнинг кўчиб ўтиш йўлларини муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш, шунингдек ҳайвонлар сув ичадиган жойларни барпо этиш ёки илгари мавжуд бўлганларини тиклаш, ихота ва озуқа экинларини экиш, ёввойи ҳайвонларни озиклантириш орқали амалга оширилади.

14-модда. Ёввойи ҳайвонларнинг сонини тартибга солиш

Ёввойи ҳайвонларнинг сонини тартибга солиш ёввойи ҳайвонларнинг сони даражасини ва популяцияси тузилмасини мақбул ҳолатда сақлаб туриш мақсадида амалга оширилади.

Ёввойи ҳайвонларнинг сонини тартибга солиш ёввойи ҳайвонларни тутиш (отиш, тутиб олиш), шунингдек ёввойи ҳайвонларнинг сонини кўпайтиришга, ёввойи ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар тарқалишига қарши курашга қаратилган тадбирларни ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ёввойи ҳайвонларнинг сонини тартибга солиш ёввойи ҳайвонларнинг бошқа турларига зарар етказилишини истисно этадиган, шунингдек ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити, бўлиш ва урчиш жойлари, уларнинг кўчиб ўтиш йўллари муҳофаза қилинишини таъминлайдиган усуллар билан амалга оширилиши керак.

Сони тартибга солиниши лозим бўлган ёввойи ҳайвонларнинг турлари ҳамда ёввойи ҳайвонларнинг сонини тартибга солиш бўйича тадбирларни ўтказиш усуллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан, ёввойи ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар белгилари аниқланган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ри-

вожлантириш давлат қўмитаси билан келишувга биноан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

15-модда. Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота

Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир ҳар йилги квота ёввойи ҳайвонларнинг кўп миқдорда тутиладиган турларига, шунингдек ёввойи ҳайвонларнинг камёб ва оз сонли турларига нисбатан белгиланади. Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота ёввойи ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш ҳамда тутиладиган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олиш маълумотлари асосида белгиланади. Ёввойи ҳайвонларнинг кўп бўлмаган миқдорда тутиладиган оммавий турларига нисбатан квоталар белгиланмайди.

Келгуси йил учун ёввойи ҳайвонларни тутишга доир талабномалар жисмоний ва юридик шахслар томонидан жорий йилнинг 1 ноябридан 15 ноябрга қадар (қўшимча квота учун 1 апрелдан 15 апрелга қадар) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота лойиҳасини талабномалар асосида тайёрлайди ва 25 ноябрга қадар (қўшимча квота учун 25 апрелга қадар) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота лойиҳаси бўйича хулосани 5 декабрга қадар (қўшимча квота учун 5 майга қадар) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 10 декабрга қадар (қўшимча квота учун 10 майга қадар) бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси асосида ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталарни тасдиқлайди, квотани тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда уни Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларига (бундан буён матнда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органлари деб юритилади) юборади.

Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир тасдиқланган квоталарга мувофиқ экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органлари 20 декабрга қадар (қўшимча квота учун 20 майга қадар) квоталарни берилган талабномаларга мувофиқ тақсимлайди ҳамда ҳайвонот дунёсидан фойдаланишга доир рухсатномаларни беради.

Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир ҳар йилги квота ҳамда қўшимча квота Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

16-модда. Ёввойи ҳайвонларни тутиш учун ҳақ тўлаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёввойи ҳайвонларни ов қилиш ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

Тўловлар ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномада кўрсатилган ҳар бир ёввойи ҳайвон учун киритилади. Тўловлар мазкур рухсатномалар берилаётганда киритилади.

Ёввойи ҳайвонларнинг тутиш нормалари белгиланмаган турлари, овда бўлиш кунларининг сонидан қатъи назар, тўловга мувофиқ миқдорда тутилади.

Ёввойи ҳайвонларни тутиш учун тўловлар миқдорлари ушбу Қонунга 1-иловага* мувофиқ белгиланади.

3-боб. Овчининг ҳамда овчилик хўжаликларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**17-модда. Овчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Овчи:

ёввойи ҳайвонларнинг рухсат этилган турларини ов қилишни белгиланган жойларда ва белгиланган муддатларда амалга ошириш;

қўлга киритилган ов маҳсулотини ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш;

ов қилиш, атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахсларидан ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Овчи:

ов қилишни амалга ошириш чоғида шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, овчилик гувоҳномасини, ов қуролини сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномани, ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномани, овчилик йўлланмасини (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасини) ёнида олиб юриши;

овчилик хўжалигининг ва ов қилишга рухсат этиладиган ҳудуднинг чегараларини аниқ билиши;

ов қилишга рухсат этиладиган ҳудуддан ташқарида ов қилишни амалга оширмаслиги;

ёввойи ҳайвонларни тутиш нормаларига ва ов қилиш муддатларига риоя этиши, ов қилишни ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномада кўрсатилган жойларда амалга ошириши;

ов қилишни бошлаш олдидан овчилик йўлланмасида (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасида) ов қилиш бошланган сана тўғрисидаги устунни тўлдириши;

ов қилиш тугагач, овчилик хўжалигидан ёки ов қилиш жойларидан чиқиб кетишдан олдин ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномада тутилган ёввойи ҳайвонлар ҳақида белгилар қўйиши;

ов қилиш тугагач, овчилик йўлланмасини (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасини) ов натижалари тўғрисида белги қўйилган ҳолда, ўн кундан кечиктирмай қайтариши;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этиши;

маиший чиқиндиларни тўхташ жойидан йиғиштириб олиши ва маиший чиқиндиларни тўплаш жойларига олиб чиқиши;

ов қилиш, атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар мансабдор шахсларининг талабига биноан тушунтиришлар бериши, ашёларни, ов қуролини ва транспорт воситаларини, қўлга киритилган ов маҳсулотини, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни, овчилик гувоҳномасини, ов қуролини сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномани, ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномани, овчилик йўлланмасини (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасини) кўздан кечириш учун тақдим этиши;

ҳалқалари, микрочиплари, ёрликчалари, тамғалари бўлган ёввойи ҳайвонлар тутилганда ҳудудда ов қилиш амалга оширилган овчилик ҳўжалигига ёки экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органига улар тўғрисида ахборот тақдим этиши;

лавҳалар, эълонлар, охурлар, ёйиб қўйилган қўшимча озуқалар, сунъий уяларга ва бошқа биотехник қурилмаларга шикаст етказмаслиги, шунингдек ушбу Қонун 9-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни содир этмаслиги;

ов қилишнинг хавфсизлик қоидаларини билиши ва уларга риоя этиши шарт.

18-модда. Овчилик ҳўжаликларининг ҳуқуқлари

Овчилик ҳўжаликлари:

жисмоний шахсларга ёввойи ҳайвонларни тутишга доир олинган квоталар доирасида овчилик йўлланмаларини (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаларини) бериш;

юрidik ва жисмоний шахслар билан ёввойи ҳайвонларни тутишга доир олинган квоталар доирасида ёввойи ҳайвонларни тутиш учун шартномалар тузиш;

ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномага мувофиқ ов қилишни амалга оширишда қўлга киритилган ов маҳсулотини қайта ишлаш;

ов маҳсулотини тутишнинг ёки қўлга киритишнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, маҳсулотга доир сифат сертификати мавжуд бўлган тақдирда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан махсус ажратилган жойларда ов маҳсулотини реализация қилиш;

ёввойи ҳайвонларни табиатга мослаштириш ёки улардан бошқа мақсадда фойдаланиш учун кўпайтириш;

фермаларда, питомникларда, инкубаторларда, ховуз ҳўжаликларида ва бошқа ҳўжаликларда сақланаётган ҳамда етиштирилган ёввойи ҳайвонлардан фойдаланиш;

гайриқонуний ов қилишга (браконьерликка) қарши курашиш бўйича тадбирларда иштирок этиш, шу жумладан ов қилиш, атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар билан биргаликда иштирок этиш;

ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчиларга нисбатан далолатномалар тузиш, уларни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органларига топшириш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органларига ов қилишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек овчилик хўжаликларини юритиш масалалари юзасидан таклифлар тақдим этиш ҳуқуқига эга.

19-модда. Овчилик хўжаликларининг мажбуриятлари

Овчилик хўжаликлари:

ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

ёввойи ҳайвонларни ва ов қилиш жойларини муҳофаза қилиши;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича биотехник тадбирлар ўтказиши;

ёввойи ҳайвонлар сонининг ҳисобини юритиши;

тутиладиган ёввойи ҳайвонларнинг ҳисобини юритиши;

ёввойи ҳайвонларнинг такрор кўпайтирилишини таъминлаши;

ёввойи ҳайвонлар сонини тартибга солиш бўйича ёввойи ҳайвонлар айрим турларининг сонини уларнинг яшаш жойлари доирасида сақлаб туришга, кўпайтиришга ёки камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиши;

овчилик хўжалиги ҳудудида чегара устунлари, эълонлар ва кўрсаткичлар, овчилик хўжалиги тўғрисидаги тўлиқ ахборотни ўз ичига олган хари-та-схема ўрнатилишини таъминлаши;

ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этиши;

ёввойи ҳайвонларнинг эгасиз таналарини, уларнинг қисмларини ва ички аъзолари кўмилишини ташкил этиши, овчиларни бундай чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг белгиланган тартиби тўғрисида хабардор қилиши;

ов қилиш устидан назоратни амалга ошириши — овчиларда зарур ҳужжатлар мавжудлигини ва улар томонидан ушбу Қонуннинг 5-бобида назарда тутилган талабларга риоя этилишини текшириши;

овчилик йўлланмалари бланкаларини (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаларини) ҳисобга олиш, сақлаш, тўлдириш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этиши;

ҳар йили экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органларига овчилик хўжалигини юритиш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиши;

овчилик хўжалигини юритиш жараёнида атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши;

ўз зиммасига олинган шартнома мажбуриятларини бажариши;

ёввойи ҳайвонларни ўзбошимчалик билан чатиштиришга, кўчиришга ёки иқлимга мослаштиришга йўл қўймаслиги;

овчилик хўжаликларида итларнинг тумшуқбоғларсиз, боғловсиз ёки ўралган майдончадан ташқарида сақланишига йўл қўймаслиги, бундан итлар билан ов қилиш ёки итларни овга ўргатиш мустасно;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор

шахсларини ов қилиш жойларининг, ёввойи ҳайвонлар ҳамда қайта ишланган ов маҳсулоти сақладиган, реализация қилинадиган объектларнинг ҳолатини ўрганиш учун монеликсиз киритиши шарт.

4-боб. Ов қилишни амалга ошириш

20-модда. Ов қилиш турлари

Ов қилиш турлари жумласига қуйидагилар киради:

спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш;

саноат мақсадида ов қилиш;

ўлжа олиш мақсадида ов қилиш;

ёввойи ҳайвонларни ярим эркин шароитларда ёки сунъий яратилган яшаш муҳитида сақлаш ва кўпайтириш мақсадида ов қилиш;

илмий, тиббий ва назорат ишларини амалга ошириш учун ов қилиш;

ёввойи ҳайвонларнинг сонини тартибга солиш мақсадида ов қилиш.

Спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш жисмоний шахслар томонидан ов маҳсулотини шахсий истеъмол қилиш мақсадида амалга оширилади.

Саноат мақсадида ов қилиш ов маҳсулотини тижорат мақсадида реализация қилиш учун амалга оширилади.

Ўлжа олиш мақсадида ов қилиш муайян белгиларига кўра баҳоландиган ов ўлжаларини (мўйналар, шохлар, патлар, терилар, бош суякларини, қозиктишларни, бошқа ҳаётий органларни) олиш мақсадида амалга оширилади.

Ёввойи ҳайвонларни ярим эркин шароитларда ёки сунъий яратилган яшаш муҳитида сақлаш ва кўпайтириш мақсадида ов қилишга, башарти ёввойи ҳайвонларга ёпиқ маконда яшайдиган шароитлар яратилса, йўл қўйилади.

Илмий, тиббий ва назорат ишларини амалга ошириш учун ов қилиш ёввойи ҳайвонларни ўрганиш ҳамда сақлаб қолиш, шунингдек улар касалланганда, нобуд бўлиш, ўлат хавфи бўлган ҳолларда ва бошқа сабаблар туфайли ёввойи ҳайвонларга ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

Ёввойи ҳайвонларнинг сонини тартибга солиш мақсадида ов қилиш ёввойи ҳайвонларнинг сони даражасини ва популяцияси тузилмасини мақбул ҳолатда сақлаб туриш, шунингдек ўта хавфли инфекциялар тарқатувчилари бўлган ҳайвонларга қарши курашиш учун амалга оширилади.

21-модда. Ов қилиш қуроллари ва усуллари

Ов қилиш:

ов қуролидан;

овчи зотига мансуб итлардан, бошқа овга ўргатилган ҳайвонлар ва қушлардан (овчилик гувоҳномасида тегишли қайд мавжуд бўлган тақдирда);

ёввойи ҳайвонларни тирик ҳолда тутиб олиш учун тўрлар ва тузоқлар-

дан (ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномада тегишли белги мавжуд бўлган тақдирда);

миноралардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ов қилиш амалга ошириладиган ов қуролларидан фойдаланилган ҳолдаги усуллар ва ҳаракатлар мажмуи ов қилиш усулларидир.

Ёввойи ҳайвонларни тутишда ов қуролларининг қуйидаги турларидан фойдаланиш тақиқланади:

ўзиотар қуроллардан;

камонлар, арбалетлар ва найзалардан, бундан ов қуролларидан ёввойи ҳайвонларни иммобилизация қилиш (қимирламайдиган қилиб қўйиш) ҳамда тамға қўйиш билан боғлиқ илмий, тиббий ва назорат ишларини амалга ошириш учун фойдаланиш мустасно;

сиртмоқлардан;

илгаклардан;

туёқли ёввойи ҳайвонлар учун қопқонлардан;

тўрлардан.

Ёввойи ҳайвонларни тутишда ов қилишнинг қуйидаги усулларидан фойдаланиш тақиқланади:

ов учун чуқурлар казиб қўйиш;

портловчи, кимёвий моддаларни ва биологик препаратларни қўллаш;

электр токини қўллаш;

дов-дарахтларни ёқиш;

товушсиз отиш мосламаларини қўллаш;

ёввойи ҳайвонларни жалб этиш учун овоз чиқарувчи аппаратларни қўллаш;

сувдан кечиб ўтиш жойларида, ёнғинлардан, тошқинлардан ва бошқа табиий офатлардан қочаётган ёввойи ҳайвонларни овлаш;

ёввойи ҳайвонларни музга, қалин қорга, сувга ёки улар учун хос бўлмаган ўзга яшаш муҳитига ҳайдаб киритиш;

сутканинг қоронғи вақтида ёритиш анжомлари билан (бундан тўнғиз, бўрсик, жайра овлаш мустасно) транспорт воситаларини, шу жумладан ер устида ҳаракатланадиган, ҳавода парвоз қиладиган воситаларни ва кичик ўлчамли кемаларни қўллаш.

22-модда. Ов қилишнинг хавфсизлик қоидалари

Овчи ўзига тегишли ов қуролининг тузилишини, ушбу қуролдан фойдаланишда қисмларининг бажарадиган вазифасини ва ўзаро таъсирини, ишлатиладиган ўқ-дориларнинг техник ҳамда баллистик кўрсаткичларини, шунингдек ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини сақлаш, олиб юриш, ташиш ва қўллаш қоидаларини билиши шарт.

Қуйидагилар тақиқланади:

техник жиҳатдан носоз бўлган ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини, шу жумладан металл қисмида кўзга кўринадиган занг аломатлари пайдо бўлган патронларини қўллаш;

«Қурол тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ

муомалада бўлиши чекланган қуролни ва унинг ўқ-дориларини қўллаш;

ўқланган ов қуроли билан транспорт воситасига чиқиш ва ундан тушиш;

йиғилган ов қуролини транспорт воситаларидан, шу жумладан ер устида ҳаракатланадиган, ҳавода парвоз қиладиган воситалардан, кичик ўлчамли кемалардан, аравалардан, чаналардан ёки бошқа транспорт воситасидан стволнинг оғзини ўзига қаратган ҳолда олиш;

шовкинга, шитирлашга, аниқ кўринмаётган нишонга қарата, туман пайтида, кучли қор ёғаётганида, сутканинг қоронғи вақтида, қуёшга қарата ва яхши кўринмайдиган бошқа шароитларда, шунингдек кўриниш чекланган шароитларда 2,5 метрдан (ер ёки сув юзасидан) пастликда учаётган қушга қарата ўқ узиш;

аҳоли пунктларига бир километрдан яқин масофада, автобус қатнай-диган автомобиль йўлларига уч юз метрдан яқин масофада ўқланган ов қуроли билан бўлиш;

ов қуролини, шу жумладан ўқланмаган ов қуролини одамга ўқталиш, одамларга, уй ҳайвонларига, транспорт воситаларига қарата ўқ узиш;

аҳоли пунктларига бир километрдан кам масофадан силлиқ стволли ов қуролидан ва икки километрдан кам масофадан сойли стволли ов қуролидан ўқ узиш;

заруратсиз ўқ узиш, ташқи тепкили қуролнинг тепкисини кўтариш ёки ички тепкили қуролни сақлагичдан чиқариш;

кичик ўлчамли кемадан ундаги эшкакчилар ёки бошқа овчилар узра ўқ узиш;

яраланган ёввойи ҳайвонни ов қуролининг қўндоғи билан уриб ўлдириш;

ҳосил йиғим-терими жараёнида қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларида ов қилишни амалга ошириш;

алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик моддаси таъсиридаги ёки ўзгача тарздаги мастлик ҳолатида ов қилишни амалга ошириш.

23-модда. Ов қилиш мавсуми ва муддатлари

Ов қилиш мавсуми йилнинг ёввойи ҳайвонларни ов қилиш рухсат этилган давридир.

Ов қилиш муддати йилнинг маълум даври бўлиб, бу давр мобайнида муайян турдаги ёввойи ҳайвонларни овлаш амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ов қилиш муддатлари ушбу Қонунга 2-иловага* мувофиқ белгиланади.

Ов қилиш мавсумида ҳафтанинг икки куни — сешанба, чоршанба — Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қушларни ов қилиш учун ёпиқдир. Бундан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳуласини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсат-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

номалар асосида илмий, тиббий ва назорат ишларини амалга ошириш учун қушларни тутиш ҳоллари мустасно.

Синовдан ўтказиладиган ҳар битта итга тўғри келадиган уч бош қушни отган ҳолда овчи итларнинг балиқчи қушларга доир дала синовларини — 15 мартдан 1 майга қадар ва беданага доир дала синовларини — 1 апрелдан 15 майга қадар ўтказишга рухсат берилади. Синовларни ўтказиш жойлари ҳамда тартиби экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органлари билан келишувга кўра овчилик хўжаликлари томонидан аниқланади.

24-модда. Ов маҳсулоти

Қуйидагилар ов маҳсулотидир:

ёввойи ҳайвонлар — қуруқликда, сувда, атмосферада ва тупроқда яшовчи, хонакилаштирилмаган умуртқасизлар, балиқлар, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, судралиб юрувчилар, қушлар, сут эмизувчилар;

ёввойи ҳайвонларнинг яшаш фаолияти маҳсулотлари — ёввойи ҳайвонларнинг яшаш фаолияти натижасида ҳосил бўлган асал, ёғ, гўшт, сут, тухум, мум, увилдирик, захар, сафро, мўйна, шохлар, патлар, терилар ва бошқа маҳсулотлар.

Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномага мувофиқ қўлга киритилган ов маҳсулоти берилган рухсатноманинг ҳақи тўланганидан кейин овчининг мулки бўлади.

Ов маҳсулотини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатнома асосида амалга оширилади. Ов маҳсулотининг тутилганлиги ёки қўлга киритилганлиги қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз мазкур маҳсулотни олиб кириш, олиб чиқиш, ташиш ва жўнатиш тақиқланади.

25-модда. Овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи ёввойи ҳайвонларни отиш (тутиб олиш)

Овчилик хўжалиги ҳудудига муайян вақт оралиғида уяларни бузадиган, ёш ёввойи ҳайвонларни қириб ташлайдиган, бошқа ёввойи ҳайвонларга мўлжалланган озуқани еб қўядиган, қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказадиган, шунингдек ҳайвонлар ва инсон учун хавфли касалликларни тарқатувчилар бўлган сут эмизувчилар, қушлар ёки ёввойи ҳайвонларнинг бошқа турлари овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи ёввойи ҳайвонлар деб эътироф этилиши мумкин.

Овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи деб эътироф этилиши мумкин бўлган ёввойи ҳайвонларнинг турлари овчилик хўжаликларининг талабномаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Овчилик ҳўжалигига ва инсоннинг ҳўжалик фаолиятига зарар етказувчи ёввойи ҳайвонларни отиш (тутиб олиш) овчилик ҳўжалигининг ёввойи ҳайвонларни ҳамда ов қилиш жойларини муҳофаза қилиш, ёввойи ҳайвонлар сонини тартибга солиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажарадиган ходимлари томонидан амалга оширилади.

Овчилик ҳўжалигига ва инсоннинг ҳўжалик фаолиятига зарар етказувчи ёввойи ҳайвонларни отиш (тутиб олиш) учун зарарли ҳамда қутурган ҳайвонларни йўқ қилиш бўйича бригадалардан овчилар жалб этилиши мумкин.

Овчилик ҳўжалигига ва инсоннинг ҳўжалик фаолиятига зарар етказувчи деб эътироф этилган тутиб олинган ёввойи ҳайвонлар ҳисобга олиними лозим. Тутиб олинган ҳайвонлар тўғрисидаги (турлари, сони, тутиб олинган жойи ва муддати бўйича) ахборот экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органларига календарь йил тугаганидан кейин ўн беш кун ичида тақдим этилади.

26-модда. Чет эллик фуқаролар учун овни ташкил этиш

Ушбу Қонунга мувофиқ ов қилиш ҳуқуқига эга бўлган чет эллик фуқаролар учун овни ташкил этиш чет эллик фуқаролар ва туристик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган юридик шахс ҳамда овчилик ҳўжалиги ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Шартномада ов қилишни амалга ошириш шартлари, кўрсатилган хизматлар ва тutilган ов маҳсулоти учун ҳақ тўлаш миқдори белгиланади.

27-модда. Ғайриқонуний ов қилиш (браконьерлик)

Қуйидаги ҳаракатлар ғайриқонуний ов қилиш (браконьерлик) деб эътироф этилади:

ов қилиш жойлари бўлмаган жойларда, шунингдек муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда ов қилиш, бундан муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режимига мувофиқ ҳудудида чекланган тарзда ов қилишга рухсат этилган жойларда ов қилишни амалга ошириш ҳоллари мустасно;

ов қуролининг тақиқланган турларидан ва ов қилишнинг тақиқланган усулларида фойдаланган ҳолда ов қилиш;

тақиқланган жойларда, ов қилиш тақиқланган мавсумларда ва муддатларда ов қилиш ҳамда ёввойи ҳайвонларнинг тақиқланган турларини овлаш;

овчилик гувоҳномасисиз, ов қуролини сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномасиз, ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномасиз ҳамда овчилик йўлланмасисиз (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасисиз) ов қилиш (бундан табиий сув оқимларида, шунингдек каналларда ва коллектор-дренаж тармоқларида умумий фойдаланиш тартибида жисмоний шахслар томонидан балиқ тутиш мустасно);

ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномада кўрсатилган ёввойи ҳайвонларни тутиб олиш ёки отиш нормаларини ошириб юбориш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органларининг махсус рухсатномасиз ёввойи ҳайвонларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларини йиғиш, қушларнинг маконларига бориш, ёввойи қушларнинг уяларини, ёввойи ҳайвонларнинг уйчаларини, инларини ҳамда бошқа уяларини ўзга жойга кўчириш ва вайрон қилиш, шунингдек ёввойи ҳайвонларнинг урчишига тўсқинлик қиладиган бошқа ҳаракатлар.

Ғайриқонуний ов қилиш (браконьерлик) натижасида қўлга киритилган ов маҳсулоти олиб қўйилиши лозим. Бунда овчилик ресурсларига етказилган зарар ундирилади.

5-боб. Ов қилиш соҳасидаги рухсат берувчи ҳужжатлар

28-модда. Овчилик гувоҳномаси

Овчилик гувоҳномаси муомалага лаёқатли, ўн саккиз ёшга тўлган, овчилик минимуми бўйича синов имтиҳонини топширган жисмоний шахсларга овчилар жамоат бирлашмалари томонидан берилади.

Овчилик гувоҳномасида тўланган аъзолик бадаллари ва давлат божи ҳақидаги маълумотлар, шунингдек ов қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Овчилик гувоҳномаси тегишли давр учун аъзолик бадаллари тўланганлиги ҳақидаги белги мавжуд бўлган тақдирда ҳақиқий деб топилади.

29-модда. Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома

Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органлари томонидан ёввойи ҳайвонларни тутишга доир тасдиқланган квоталарга мувофиқ, рухсатнома берилганлиги учун тўлов киритилганидан кейин берилади.

Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномада қуйидагилар кўрсатилади:

жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёки юридик шахснинг номи;

ов қуролини сақлаш ва олиб юришга доир рухсатноманинг рақами (жисмоний шахслар учун);

овчилик гувоҳномасининг рақами (жисмоний шахслар учун);

ов қилиш тури;

ов қилишга рухсат этиладиган ҳудуд;

ёввойи ҳайвон турининг номи;

тутиш учун рухсат этилган ёввойи ҳайвонларнинг сони;

ов қилиш муддати;

ёввойи ҳайвонларни тутиш жойи (жисмоний шахслар учун);

рухсатнома бериш асоси.

Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома унинг амал қилиш муддати тугагач (ўн кун ичида), рухсатномани берган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органига тутилган ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги ҳисобот билан бирга қайтарилади.

30-модда. Камёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонлар турларини табиий яшаш муҳитидан ажратиб олишнинг алоҳида тартиби

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонлар турларини табиий яшаш муҳитидан ажратиб олишга ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ алоҳида тартибда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси инобатга олинган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатнома бўйича йўл қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб олишга доир рухсатномада қуйидагилар кўрсатилади:

жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёки юридик шахснинг номи;

ёввойи ҳайвонларни тутиш мақсади;

овчилик гувоҳномасининг рақами (жисмоний шахслар учун);

ов қилишга рухсат этиладиган ҳудуд;

ёввойи ҳайвон турининг номи;

табиий муҳитдан ажратиб олиш рухсат этиладиган ёввойи ҳайвонларнинг сони;

ов қилиш муддати;

рухсатнома бериш асоси.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб олишга доир рухсатнома унга экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органининг белгиси қўйилганидан кейин ҳақиқий бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб олишга доир рухсатнома унинг амал қилиш муддати тугагач (ўн кун ичида) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ажратиб олинган ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги ҳисобот билан бирга қайтарилади.

31-модда. Овчилик йўлланмаси (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси)

Овчилик йўлланмаси (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси) ёввойи ҳайвонларни тутишга доир олинган квоталар асосида берилади ва унинг эгасига мавсумий ёки бир марталик овни амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этади.

Овчилик йўлланмаси (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси):

овчилик хўжаликларининг ерларида — овчилик хўжаликларининг эгалари бўлган юридик шахслар томонидан;

давлат ўрмон фонди участкаларида — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ўрмон-овчилик хўжаликлари томонидан;

ўзларига бириктирилган овчилик хўжаликларининг ерларида — хусусий овчилик хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан;

ўзларига бириктирилган овчилик хўжаликларининг ерларида, шунингдек бошқа ов қилиш жойларининг ҳудудида, ўзлари ушбу ҳудудларда ёввойи ҳайвонлар сонини ҳисобга олишни амалга ошириши шарти билан, — овчилар жамоат бирлашмалари томонидан берилади.

Овчилик йўлланмаси (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси) уни олганлик учун тўлов киритилганидан кейин берилади.

Овчилик йўлланмасида (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасида) қуйидагилар кўрсатилади:

жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

ов қуролини сақлаш ва олиб юришга доир рухсатноманинг рақами;

овчилик гувоҳномасининг рақами;

рақами ва берилган санаси;

овчилик хўжалигининг номи;

ов қилишга рухсат этиладиган ҳудуд;

ёввойи ҳайвон турининг номи;

тутиш учун рухсат этилган ёввойи ҳайвонларнинг сони;

ов қилиш муддати;

ов қилиш тури;

овчилик йўлланмасининг (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасининг) нархи.

Ов қилишни амалга ошириш вақтида овчи овчилик йўлланмасида (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасида) тутилган ёввойи ҳайвонлар тўғрисида белгилар қўяди. Овчилик йўлланмаси (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси) ов қилиш тугаганидан кейин ўн кун ичида овчилик хўжалигига қайтарилади.

Овчилик йўлланмалари (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкалари) берилганлиги учун тўлов миқдори овчилик хўжаликлари томонидан белгиланади.

6-боб. Овчилик хўжалигини юритиш

32-модда. Овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи

Ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза ҳамда такрор кўпайтириш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ хўжалик фаолиятини илмий-асослантирилган тарзда режалаштириш ва амалга ошириш овчилик хўжалигини юритишдир.

Овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома, агар ов қилиш жойлари ўрмон фонди ерларида жойлашган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан ёки агар ов қилиш жойлари ўрмон фонди таркибига кирмайдиган ерларда жойлашган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан имзоланган кундан эътиборан юзага келади.

Овчилик хўжалигини овчилар жамоат бирлашмалари томонидан юритиш техник-иктисодий асоснома ҳамда, агар ов қилиш жойлари давлат ўрмон фонди участкаларида жойлашган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан ёки, агар ов қилиш жойлари давлат ўрмон фонди таркибига кирмайдиган участкаларда жойлашган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан тузилган ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Техник-иктисодий асоснома материаллари ва ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома овчилик хўжаликларини юритишнинг комплекс тадбирларини амалга ошириш, шунингдек овчилик ресурсларидан оқилона, барқарор фойдаланишга, уларни муҳофаза қилишга, такрор қўпайтиришга ҳамда бириктирилган ов қилиш жойларининг ҳудудини овчилик хўжалигини юритиш учун яроқли ҳолатда сақлаб туришга қаратилган жорий ва истикболдаги режалаштиришни ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда юритиш учун асосий норматив-техник ҳужжатлардир.

Овчиларнинг жамоат бирлашмаларига овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи:

ов қилиш жойларининг ҳолати тўғрисидаги ахборот ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари ва унинг минтақавий бўлимлари, шунингдек олий таълим муассасаларининг биолог-мутахассислари томонидан ўтказилган ёввойи ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш материаллари;

ҳудудда овчилик хўжалигини тузиш режалаштирилаётган ер эгаларининг ёки ердан фойдаланувчиларнинг розилиги асосида берилади.

Техник-иктисодий асоснома материалларининг формати ҳамда намунавий шартноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқини бериш ер эгаларидан ёки ердан фойдаланувчилардан ерларни олиб қўймаган ҳолда амалга оширилади.

33-модда. Овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқини тугатиш

Овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тугатилади: овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;

овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома муддатидан илгари бекор қилинганда.

34-модда. Овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома

Овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома уч йилдан ўн йилгача бўлган муддатга тузилади. Шарт-

нома ушбу Қонун 32-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар ҳамда тасарруфида ов қилиш жойлари бўлган давлат органлари ўртасида тузилади.

Овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартноманинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

овчилик хўжалигининг номи;

юридик шахснинг номи ва реквизитлари;

жисмоний шахснинг паспорт маълумотлари;

шартноманинг амал қилиш муддати;

овчилик хўжалигининг жойлашган ери, чегаралари ва майдони, шу жумладан биотоплар бўйича — тоғлар, чўл, ўрмон ёки сув билан қопланганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ов қилиш жойлари ҳудудида яшаётган ёввойи ҳайвонлар турларининг шартномани тузиш санасидаги сони ҳақидаги маълумотлар;

ов қилиш учун ёпиқ бўлган такрор кўпайтириш участкасининг тавсифи (овчилик хўжалиги умумий майдонининг камида 10 фоизи);

шартномани тузган шахснинг ушбу Қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган мажбуриятлари;

давлат органининг шартномани тузган шахсга ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномани бериш мажбурияти;

тарафларнинг шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлиги;

чегаралари, бориш йўллари, такрор кўпайтириш участкасининг, кордонлар ҳамда бошқа иншоотлар ва объектларнинг жойлашуви кўрсатилган ҳолда овчилик хўжалиги ҳудудининг харита-схемаси;

овчилик хўжалигини юритиш чоғида ов қилиш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш миқдори;

шартномани муддатидан илгари бекор қилиш асослари.

Овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартноманинг намунавий шакли, шунингдек овчилик хўжалигини юритиш чоғида ов қилиш жойларидан фойдаланганлик учун ундирилаётган ҳақ миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

35-модда. Овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартномани муддатидан илгари бекор қилиш

Овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартномани муддатидан илгари бекор қилиш асослари қуйидагилардан иборат:

тарафларнинг келишуви;

овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисида ўзи билан шартнома тузилган юридик шахснинг тугатилганлиги;

овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисида ўзи билан шартнома тузилган жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик

субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганлиги;

овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисида ўзи билан шартнома тузилган жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг вафот этганлиги, белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланганлиги, муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги;

овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома тузилган кундан эътиборан овчилик хўжалигининг бир йилдан ортиқ вақт юритилмаганлиги;

овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартномада белгиланган тўлов муддати ўтгач тўловнинг (кетма-кет икки мартадан зиёд) киритилмаганлиги;

овчилик хўжалигини юритишни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туришга сабаб бўлган қоидабузарликларнинг белгиланган муддатда овчилик хўжалиги томонидан бартараф этилмаганлиги;

овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган шартларнинг мунтазам равишда (бир йил давомида икки мартадан ортиқ) бузилганлиги;

хайвонот дунёсидан белгиланмаган мақсадда фойдаланилганлиги;

овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи ўзбошимчалик билан бошқа шахсга берилганлиги.

36-модда. Ов қилиш ва овчилик хўжаликлари тўғрисидаги ахборот базаси

Ов қилиш ва овчилик хўжаликлари тўғрисидаги ахборот базаси янгилаб туриладиган қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

овчилик хўжаликлари тўғрисидаги;

ов қилиш тақиқланган жойлар ҳақидаги;

ёввойи ҳайвонларни тутишга доир ажратилган квота тўғрисидаги;

овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи деб эътироф этилган ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги;

муайян ов қилиш жойларида ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги тўғрисидаги;

ёввойи ҳайвонларнинг айрим турларига нисбатан ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги ҳақидаги;

муайян жинсдаги ва ёшдаги ёввойи ҳайвонларга нисбатан ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги тўғрисидаги.

Ов қилиш ва овчилик хўжаликлари тўғрисидаги ахборот базаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

37-модда. Зарарнинг ўрнини қоплаш

Юридик ҳамда жисмоний шахслар ов қилиш ва овчилик хўжалиги

тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплаши шарт.

Зарарнинг ўрни қопланиши айбдор шахсларни қонунга мувофиқ жавобгарликдан озод этмайди.

38-модда. Низоларни ҳал этиш

Ов қилиш ва овчилик хўжалиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

39-модда. Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

40-модда. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиш киритиш

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги 545–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–408-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси, 2016 йил, № 9, 273-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда) **2-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ов қилишни амалга оширишнинг ҳамда овчилик хўжалигини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади»;

иккинчи қисм учинчи қисм деб ҳисоблансин.

41-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

42-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

43-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 8 июль,
ЎРҚ-627-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

306 Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Товар ва молия бозорларида монополияни босқичма-босқич камайтириш орқали самарали рақобат муҳитини яратиш мақсадида мамлакатимизда иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, нархни ортиқча тартибга солишдан воз кечиш ва давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, олдимизда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар монополиясининг иқтисодиёт рақобатбардошлигига салбий таъсирини янада камайтириш, имтиёз ва преференциялар бериш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек тадбиркорлик субъектларига нисбатан тартибга солиш юкини пасайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди.

Товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитларни яратиш, ошкораликни таъминлаш ва давлат хариди тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдордир;

б) Қўмита қуйидаги вазифаларни амалга оширишда бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот киритиб боради:

имтиёзлар, преференциялар ва фаолиятни амалга ошириш учун эксклюзив ҳуқуқлар шаклида кўрсатилаётган давлат қўмагининг самарадорлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳамда улар рақобат муҳитига салбий таъсир этган тақдирда, уларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш;

Молия вазирлиги билан биргаликда давлат харидлари тўғрисидаги

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 июлда эълон қилинган.

қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда алоҳида тартиб ўрнатилган стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харидлари устидан давлат назоратини олиб бориш;

давлат органларининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузувчи қарорларини бекор қилиш ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан чора қўллаш бўйича таклифлар киритиш;

«картель» келишувлари ва тил бириктиришларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкил этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

в) Қўмита:

рақобат ва монополияга қарши курашиш соҳасида чора-тадбирлар ва сиёсат уйғунлигини, эркин ва рақобатбардош бозорни шакллантириш билан боғлиқ таркибий ислохотларни амалга оширишда ҳамда давлат харидлари, давлат активларини сотиш жараёнида рақобат шароитларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти билан ҳамкорлик қилади;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда мамлакат иқтисодиётида ва ҳудудларда рақобат муҳитини яхшилаш, рақобат соҳасидаги стратегик устувор йўналишлар ва вазифаларни белгилашда, шу жумладан институционал ислохотларни амалга оширишда ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 октябрдан бошлаб:

а) тармоқ ва соҳаларда ваколатли этиб белгиланган давлат бошқаруви органларининг асосий вазифаларидан бири рақобат муҳитини яхшилаш ва уни ривожлантириш ҳисобланади ҳамда мазкур вазифаларни амалга ошириш раҳбар ва унинг биринчи ўринбосари зиммаларига юклатилади;

б) давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига (ташкил этишга ташаббус кўрсатишга) қуйидаги ҳолатларда йўл қўйилмайди:

битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда;

давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган соҳаларда;

в) ягона етказиб берувчи бўлган ёки бундай ҳуқуқ берилган ёхуд устун (монополь) мавқега эга давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларига фаолияти муассисининг товарлари (ресурслари) ёки тармоқ инфратузилмасидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари билан рақобатлашадиган фаолият билан шуғулла-

надиган ўзларининг аффилланган шахсларини ташкил этиш тақиқланади, ушбу аффилланган шахсларни рақобатчилари билан тенг шартлар асосида фаолият юритиш шароити таъминланган ҳолда бўлиб юбориш натижасида ташкил этиш бундан мустасно;

г) давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколати берилган давлат муассасаларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш), мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида ташкил этиш бундан мустасно, монополияга қарши органнинг дастлабки розилиги олингандан сўнг амалга оширилади;

д) давлат буюртмачиси, стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамияти ва корхонаси билан манфаатлар тўқнашувига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект давлат харидларини ёки энг яхши таклифларни танлаб олишнинг ёхуд тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчиси бўлиши мумкин эмас, бундан давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун амалга ошириладиган давлат харидлари, шунингдек давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидлари мустасно;

е) давлат буюртмачиси, стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамияти ва корхонаси тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олиш тартиб-таомиллари ҳамда тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилишидан аввал у билан аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларни давлат харидлари махсус ахборот порталида жойлаштиришга мажбурдир.

3. Белгилаб қўйилсинки, қуйидагиларни назарда тутувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда Қўмитанинг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаши натижалари асосидаги хулосалари мавжуд бўлсагина, белгиланган тартибда қабул қилинади:

хўжалик юритувчи субъектларга янги чекловлар ва янги турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензиялар жорий қилиш ёки мавжуд чеклов, рухсат бериш тартиб-таомиллари ва лицензияланадиган фаолият турларини бозор иштирокчиларининг янада кенгроқ доирасига татбиқ қилишни;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ва шартларни жорий этишни;

юридик шахслар устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан талабларни оширишни;

хўжалик юритувчи субъектларнинг белгиланган ҳуқуқларини қисқартириш (камайтириш) ёки уларга қўшимча мажбуриятлар ёхуд қўшимча харажатлар жорий қилишни;

хўжалик юритувчи субъектларга ҳар қандай турдаги имтиёз, кафолат, преференцияларни белгилаш, шунингдек, янги ҳуқуқлар, шу жумладан, эксклюзив ҳуқуқларни беришни.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қўмита билан биргаликда бир ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Қуйидагилар:

2020 — 2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси 1-иловага* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

тадбиркорлик фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ялпи хатловдан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага* мувофиқ;

2024 йилгача бўлган даврда ўзларига тартибга солиш бўйича бириктирилган тармоқларда рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

2021 йил 1 январдан бошлаб тажриба (синов) тариқасида монополияга қарши комплаенс тизими жорий этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) давлат харидлари ҳамда стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харидлари ижрочилари:

тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олиш якунлари бўйича ғолиб деб расман эълон қилинган кундан ёки тўғридан-тўғри музокаралар якунлари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида давлат харидлари махсус ахборот порталида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита 25 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатда назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилишлари;

ўзларининг веб-сайтларида ва махсус ахборот порталида доимий асосда тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олиш тартиб-таомиллари ҳамда тўғридан-тўғри музокаралар якунлари бўйича имзоланган шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боришга мажбур;

б) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, табиий монополия субъектлари, товар ёки молия бозорида устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, охириги уч йилда товар сотишдан олинган жами тушумининг ўртача йиллик миқдори 30 миллиард сўмдан ошадиган корпоратив буюртмачиларда фаолиятнинг рақобат

* 1 — 5-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиши хавфларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича ички ташкилий тартиб-таомиллар тизими (монополияга қарши комплаенс) жорий этилади, бунда ушбу тизим:

2021 йил 1 январдан бошлаб тажриба (синов) тариқасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида ҳамда 5-иловага мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналарда;

2022 йил 1 январдан бошлаб ушбу кичик бандда белгиланган мезонларга жавоб берадиган барча субъектларда жорий этилади.

6. Қўмита Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрга қадар:

халқаро тажрибани ўрганиш асосида ва рақобат муҳитини шакллантириш механизмини тубдан такомиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги ва «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонунларини бирлаштирган ҳолда ягона қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин;

эркин рақобат муҳитини олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва уни ривожлантиришни назарда тутган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларига ўрнатилган тартибда ўзгартириш ва қўшимчаларни киритсин.

7. Давлат солиқ хизмати органларининг 28 та штат бирликларини қисқартириш ҳисобига:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги марказий аппарати тузилмасидаги Бизнес муҳитини яхшилаш ва замонавий иқтисодиётни шакллантириш департаментининг штатлар сони 8 та штат бирлигига оширилсин ва унга қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш вазифаси юклатилсин;

Қўмита тузилмасида Давлат кўмагини беришни назорат қилиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш бошқармаси ташкил қилинсин, унга ва Савдоларни назорат қилиш бошқармасига қўшимча 20 та штат бирлиги киритилсин.

8. Ушбу Фармоннинг 4-илувасида келтирилган вазирлик ва идоралар Қўмита ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар ўзларига тартибга солиш бўйича бириктирилган тармоқларда рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқсин ва уларни тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қўмита:

а) бир ой муддатда рақобатни таъминлаш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини тубдан такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2020 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги ва «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунларига давлат буюртмачилари, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар билан манфаатлар тўқнашувига эга бўлган шахсларга, шунингдек, ўзининг

якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмаган ёки улар тўғрисида нотўғри маълумот тақдим этган давлат харидлари ҳамда стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар харидлари ижрочиларига тендер ва танлов савдоларида, энг яхши таклифларни танлаб олиш тартиб-таомилларида ва тўғридан-тўғри музокара-ларда иштирокини тақиқлашни ва бундай қонун бузилиши ҳолатлари учун жавобгарликни белгилаш тўғрисида таклиф киритсин;

в) Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2020 йил 1 октябрга қадар давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш)да дастлабки розилик олиш тартиби тўғрисидаги низомни;

2020 йил 15 октябрга қадар харидлар жараёнида давлат буюртмачилари, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар ўзларининг аффилланган шахслари ҳақидаги, шунингдек харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари томонидан ўзларининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) ҳақидаги маълумотларни мажбурий ошкор этиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин;

г) Молия вазирлиги ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрга қадар тақдим этилган имтиёз миқдорларини кутилаётган натижалар ва олинган мажбуриятларга, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва рақобат муҳитига таъсири даражасини тизимли равишда мониторингини юритиш ва самарадорлигини баҳолаш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли орқали харидларни амалга оширишни тўлиқ электрон шаклда, Интернет тармоғи орқали онлайн тарзда амалга оширишга ўтказишни таъминласин;

е) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда халқаро молиявий ташкилотларнинг, шу жумладан Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг техник кўмагини жалб қилиш орқали:

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилотининг (ОЭСР) Товар бозорларини тартибга солиш Индекси (Product Market Regulation-PMR) асосида республикада иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобат муҳити диагностикасини амалга ошириш методологиясини ишлаб чиқсин ҳамда хорижий амалиёт асосида монополияга қарши курашишнинг янги самарали инструментларини жорий қилсин;

янги таҳрирдаги «Рақобат тўғрисидаги» қонуни лойиҳасини ва бошқа

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқишда етакчи халқаро экспертларни жалб қилсин;

ривожланган давлатларнинг монополияга қарши курашиш органлари, шу жумладан Халқаро рақобат тармоғи (International Competition Network) билан рақобатни ҳимоя қилишдаги долзарб масалаларнинг муҳокамасини амалга ошириш учун тизимли мулоқотни ўрнатсин;

монополлашган соҳаларни таҳлил қилиш ва уларда рақобатни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек Қўмитанинг институционал салоҳиятини оширишга қўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин;

ж) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар амалдаги маълумотлар базалари билан интеграциялашган ҳолда фойдаланиш имконини берувчи, онлайн режимда товар ва молия бозорларида хусусий тадбиркорлик субъектларининг мавжудлигини, шунингдек, давлат харидларини амалга оширишда иштирок этаётган аффилланган шахсларни аниқлашга хизмат қилувчи электрон тизимни жорий қилсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритишга оид чиқишлар ва тематик дастурларни ташкил этиш тавсия этилсин.

11. Қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 июль,
ПФ–6019-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**307 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек,
баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»-
ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига
1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-илова-
га мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-
ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Марка-
зий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 8 июль,
ПФ-6021-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 8 июлдаги
ПФ-6021-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги
«Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чора-
тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-837-сон Фармонида:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахсларининг экс-
порт-импорт ҳамда бошқа валюта операциялари бўйича хорижий валюта-
даги маблағлари ҳаракати устидан назорат қилиш Марказий банк, Ҳисоб
палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона
қўмитасига юклатилсин»;

илованинг 10 ва 11-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Валютани сотиб олиш, сотиш ва ундан фойдаланиш тартибла-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 9 июлда
эълон қилинган.

рини бузганлик учун қонунчиликда белгиланган жазо чоралари қўлланади.

11. Чет эл валютасидаги тушумни хорижий банкларда очилган ҳисобварақларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари талабларига зид равишда ўтказиш чет эл валютасидаги тушумни яшириб қолиш ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 августдаги «Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1831-сон Фармонининг 1-бандида:

учинчи хатбошидаги «вакил банкларнинг» сўзлари «тижорат банкларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 сентябрдаги «Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонатларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-2079-сон Фармонида:

2-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

3-банднинг биринчи хатбошисидаги «ваколатли банкларига» сўзлари «тижорат банкларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5032-сон Фармони 3-бандининг учинчи хатбошисидаги «солиқ, божхона ва валюта» сўзлари «солиқ ва божхона» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шартшароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5099-сон Фармони 6-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи-тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи-учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сон Фармони 2-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахслар чет эл валютасини тижорат банклари орқали эркин сотиши ва сотиб олиши ҳамда сотиб олинган маблағларни ҳеч қандай чекловларсиз тасарруф этиши мумкин».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 сентябрдаги «Ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишга хорижий инвестицияларни жалб этиш тўғрисида»ги ПҚ-2237-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тузилган шартномалар доирасида иш ҳақини чет элда очилган ҳисобварақларига хорижий валютани ўтказган ҳолда олиш ҳуқуқига эгадирлар».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузурида Ўзбекистон — Япония ёшлар инновация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2602-сон қарори 5-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«илмий-технологик лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш учун Марказнинг чет эллик ходимларига иш ҳақи ҳамда бошқа тўловлар миқдори Марказнинг Васийлик кенгаши томонидан Япония илмий ва олий таълим муассасалари ставкалари даражасида тасдиқланади ҳамда уларнинг хоҳишига кўра миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўланади».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2750-сон қарорига 3-илованинг 34-позицияси чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузурида Корея Республикаси Ҳукуматининг беғараз кўмагини жалб этган ҳолда ўқув-амалий тўқимачилик технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2759-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«технопаркнинг фаолият кўрсатиши учун чет элдан жалб этиладиган педагог ва илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорлари Васийлик кенгаши томонидан Корея университетлари ставкалари даражасида тасдиқланади ҳамда уларнинг хоҳишига кўра миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўланади».

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2909-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган таклифлари асосида хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш уларнинг хоҳишига кўра миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида амалга оширилади».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2939-сон қарорида:

а) 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

б) 6-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2972-сон қарори 6-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«янги гидроэлектростанциялар қуриш ва фаолият кўрсатаётганларини модернизация қилишда қатнашишга хориж мутахассисларини доимий ва вақтинчалик асосда жалб этиш, уларнинг фаолиятига тўланадиган ҳақни миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлашга рухсат берилсин».

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3067-сон қарорига 1-илованинг 33-позицияси «Давлат мулки объектининг номи» устунисидаги «УК» қисқартмаси «АЖ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги «Эзгу мақсад» халқаро хайрия жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3135-сон қарорининг 5-бандида:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги «Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3175-сон қарори 12-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ЭИЗ иштирокчилари учун қонунчиликда белгиланган солиқ ва божхона имтиёз ҳамда преференцияларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг ҳўжалик фаолиятига аралашувга йўл қўймасликни».

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги «Пахтакор» футбол клуби моддий-техник базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3227-сон қарори рус тилидаги матнининг 7-банди учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«принимать на работу высококвалифицированных иностранных специалистов и осуществлять выплату им заработной платы в национальной валюте или иностранной валюте путем перевода средств на их зарубежные счета.».

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «2018 йилда балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3505-сон қарори рус тилидаги 8-бандидаги «АКИБ «Ипотека-банк»» сўзлари «Ассоциации «Ўзбекбаликсаноат»» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3549-сон қарори 5-бандининг олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ишга белгиланган тартибда юқори малакали хорижий мутахассисларни қабул қилиш, шунингдек, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа

манбалар маблағлари ҳисобидан уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3657-сон қарорида:

3-банднинг учинчи хатбошисидаги «солиқ, божхона ва валюта» сўзлари «солиқ ва божхона» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан ошмайдиган» сўзлари «бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3666-сон қарори 3-бандининг ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3927-сон қарори 7-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори малакали чет эл мутахассисларини ишга қабул қилиш ва уларга Агентлик билан келишилган миқдорда иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлашга».

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4005-сон қарори 4-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4059-сон қарори 14-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар техник қўмиталарининг мутахассисларини, илғор лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасаларининг мутахассисларини жалб этиш, шунингдек, юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ҳамда уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш».

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини

ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4105-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4112-сон қарорига 3-илованинг 24-позицияси чиқариб ташлансин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4135-сон қарори 3-бандининг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4142-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори малакали хорижий мутахассисларни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш, шунингдек, уларга Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4143-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4254-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-4292-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш асосида миллий валютада ёки

хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳукуқи берилсин».

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4380-сон қарори 6-бандининг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда малакали хорижий мутахассисларни уларга, истисно тариқасида, Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказиш орқали чет эл валютасида тўлаган ҳолда, ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиш».

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «O‘zbekiston tarixi» телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4390-сон қарори 10-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори малакали хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш ва ишга қабул қилиш ҳамда ажратилган бюджет маблағлари доирасида уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳукуқи берилсин».

Изоҳ: мазкур илованинг 1 — 11, 13, 15 — 17, 19-бандлари, 20-банднинг иккинчи хатбошиси, 21-22, 24-25, 27 — 33-бандлари 2020 йил 1 августдан бошлаб қўлга кириди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 8 июлдаги
ПФ-6021-сон Фармони
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1193-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1749-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2084-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 мартдаги

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш ва ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–2241-сон Фармони 1-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–2772-сон Фармониغا илованинг 2-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–3818-сон Фармониغا илованинг 1-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПФ–4055-сон Фармониغا илованинг 1-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 27 июндаги ПФ–1193-сон Фармони-га ўзгартиш киритиш ҳақида»ги ПФ–4891-сон Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5197-сон Фармониغا илованинг 7-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 декабрдаги «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5276-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5447-сон Фармониغا 1-илованинг 17 ва 20-бандлари.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–56-сон қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 24 июлдаги «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти автомобилларининг янги моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–675-сон қарори 4-банди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1166-сон қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестиция-

вий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1317-сон қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги ПҚ-1461-сон қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сон қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2751-сон қарори 2-банди, шунингдек, қарорга илованинг 2-банди.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3351-сон қарори 1-бандининг «а» кичик банди.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3383-сон қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4348-сон қарори 4-бандининг «в» кичик банди.

Изоҳ: мазкур илова 2020 йил 1 августдан бошлаб кучга киради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**308 Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида***

Сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайин ошиб бориши туфайли сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Фойдаланилган ўртача йиллик сув миқдори 51 — 53 млрд куб метрни, жумладан, 97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи эса ер остидан фойдаланиб, ажратилган сув олиш лимитига нисбатан 20 фоизга қисқарган.

Республикада 2020 — 2030 йилларда аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигига бозор тамойиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув хўжалиги объектларининг ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифаларни 2020 — 2022 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харита»си 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидагилар Концепциянинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

сув ресурсларини прогнозлаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда шаффофлигини таъминлаш;

сув хўжалиги объектларини (ичимлик ва оқова сув тизимидан ташқари) модернизация қилиш ва ривожлантириш, йирик сув хўжалиги объект-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 июлда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларини бошқаришни рақамли технологиялар асосида автоматлаштириш, электр энергияси ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш;

сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳисобини юритишда «Smart Water» («Ақлли сув») ва шу каби рақамли технологияларни жорий қилиш;

кишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларининг жорий қилинишини янада кенгайтириш ва давлат томонидан рағбатлантириб бориш, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш, ерларнинг унумдорлигини оширишга қўмаклашиш, тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтириш ва унинг олдини олиш бўйича самарали технологияларни қўллаш;

сув хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойилларини, жумладан, сувни етказиш харажатларининг бир қисмини босқичма-босқич сув истеъмолчилари томонидан қоплаш тизимини жорий қилиш, тушган маблағларни сув хўжалиги объектларини ўз вақтида сифатли таъмирлаш-тиклаш, рақамли технологияларни жорий қилиш ҳамда самарали бошқаришга йўналтириш;

сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни жорий этиш, алоҳида сув хўжалиги объектларини фермер, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш ҳамда тежалган маблағларни сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга йўналтириш;

сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш тамойилларини жорий қилиш, аҳолини сув билан кафолатли таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларига сувни барқарор етказиб бериш, сувнинг сифатини яхшилаш ва атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш;

трансегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмларини ва сувдан самарали фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда илгари суриш;

сув хўжалиги соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлаш, ходимларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда илм-фан ютуқлари ва ноу-хауларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Концепцияни унинг устувор йўналишлари ва тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлари ва кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ҳар уч йилда тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривож-

лантириш стратегиялари орқали босқичма-босқич амалга ошириш белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Концепцияда белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш орқали 2030 йилга қадар қуйидаги кўрсаткичларга эришишни таъминласин:

суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициенти 0,63 дан 0,73 гача ошириш;

сув таъминоти паст даражада бўлган суғориладиган ер майдонларини 560 минг гектардан 190 минг гектаргача камайтириш;

шўрланган суғориладиган ер майдонларини 226 минг гектарга камайтириш;

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмолини 25 фоизга камайтириш;

барча ирригация тизими объектларига «Smart Water» («Ақлли сув») сув ўлчаш ва назорат қилиш қурилмалари ўрнатилиб, сув ҳисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этиш;

100 та йирик сув хўжалиги объектларида сувни бошқариш жараёнларини автоматлаштириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн гектаргача, шу жумладан, томчилаб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш;

сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида 50 та лойиҳани амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

а) бир ой муддатда мазкур Фармонда назарда тутилган вазифаларнинг тўлиқ ва ўз муддатида бажарилишини таъминлаш мақсадида Сув хўжалиги тизимидаги республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга ажратилган умумий чекланган ходимлар сони доирасида 4 та штат бирлигидан иборат масъул бошқарма ташкил этсин ҳамда хорижий экспертлар жалб этилишини таъминласин.

Хорижий экспертларни жалб этиш вазирликнинг бюджетдан ташқари ҳамда халқаро молия институтларининг грант ва техник кўмак маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин;

б) сув хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларини шакллантиришда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан маблағ жалб этишда давлат ташқи қарзи учун ўрнатиладиган йиллик меъёрлар доирасида белгиланган тартибда таклифларни киритиб борсин;

в) халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар самарадорлиги бўйича ҳар йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

5. Қишлоқ хўжалиги экин ерларини ўз балансига олган кластерларга ушбу ерларда жойлашган сув хўжалиги объектларини бошқариш йўналишидаги Сув хўжалиги вазирлигининг функцияларини қишлоқ хўжалиги ер

эгаларига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўтказиш тўғридан-тўғри музокаралар асосида амалга оширилишига рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда Сув хўжалиги вазирлиги балансида бўлган сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий секторга бериш бўйича объектлар рўйхатини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг электр энергияси истеъмолини босқичма-босқич камайтириш ҳамда сув хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойилларини, аутсорсинг ва давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш ҳисобидан тежаладиган маблағлар сув иншоотларини модернизация қилиш, сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш ва ходимларнинг ойлик иш ҳақини босқичма-босқич оширишга йўналтирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ва мутахассис ходимларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин, бунда:

узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш шакллари, тартиби ва босқичларини, шунингдек, молиялаштириш манбаини аниқ белгилаш;

сув хўжалиги раҳбар ходимларини узлуксиз равишда малакасини ошириб бориш ва аттестациядан ўтказиш, уларга мунтазам равишда касбий ўзини ўзи ривожлантириб бориш имкониятини берувчи узлуксиз малака ошириш тизимини амалиётга жорий этиш мезонлари инobatга олинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Концепциянинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирликлар ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг ахборотларини ҳар чоракда Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг мажлисларида эшитиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармон мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 июль,
ПФ-6024-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**309 Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш
ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисо-
диёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига
қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида***

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат иқтисодиётига кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига электр энергияси ва нефть-газ маҳсулотларининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 1 августдан ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан электр энергиясини янги ишга тушириладиган қуёш, шамол, биогаз электр станциялари, қуввати 1 МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектр-станциялардан, шу жумладан, ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган ор-тиқча электр энергиясини кафолатланган тарзда сотиб олиш бўйича тариф сотиш, тарқатиш ва етказиб бериш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда II тариф гуруҳи истеъмолчилари даражасида белгиланади;

саноат кўламидаги (1 МВт ёки ундан ортиқ) қайта тикланувчи энергия манбалари (гидроэлектрстанциялардан ташқари) соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун потенциал инвесторларни аниқлаш шаффоф аукцион (танлов) савдолари орқали амалга оширилади;

2020 йил 15 июлдан 31 декабргача 750 кВАгача бўлган қувватда улан-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 июлда эълон қилинган.

ган ҳамда қўшимча учинчи сменани ташкил этган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи истеъмолчилар (Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича) учун тунги давр — сутканинг қоронғи даврида (ягона электр энергетика тизимининг соат 22.00 дан 24.00 гача ва соат 00.00 дан 06.00 гача бўлган минимал юкламалар соатларида) фойдаланилган электр энергияси бўйича ҳисоб-китобларда белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда камайтириш коэффициенти қўлланилади;

юридик шахслар томонидан табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов киритиш тўғрисидаги мажбурий талабни 30 фоизгача камайтириш имконияти давлат корхоналари ва устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга татбиқ этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ва маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда потенциал инвесторларни жалб қилиш масаласини ўрганиш учун ахборотни ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш ҳамда фойдаланиш мумкин бўлган бошқа расмий усуллар ёрдамида тарқатиш, шу жумладан, бизнес-тадбирларда иштирок этиш ва хорижда «road-show»лар ўтказиш орқали тизимли асосда, бироқ йилига камида бир маротаба белгиланган қуввати 1 МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектростанциялар портфелини шакллантиради.

2. Қуйидагилар:

3,3 млрд кВт соат электр энергияси, 2,6 млрд м³ табиий газ ва 16,5 минг тонна нефть маҳсулотларини тежашни назарда тутувчи 2020 — 2022 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

Иқтисодиёт тармоқларининг йирик энергия сарфловчи корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

Ёқилғи-энергетика ресурслари жами йиллик истеъмоли икки минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ёки бир минг тоннадан ортиқ мотор ёқилғиси бўлган корхоналарни мажбурий энергетик текширувдан (энергия аудитидан) ўтказишнинг 2021-2022 йиллар даврига мўлжалланган жадвали 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик ташкилотларининг биринчи раҳбарларига ушбу қарор билан тасдиқланган ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли кўрсаткичлари ва мажбурий энергетик текширувлар ўтказиш жадвалини бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

3. «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазир-

* 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лигининг тузилмасига киради ва давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади.

4. Қуйидагилар:

Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасининг тузилмаси 4-иловага* мувофиқ;

Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси Кузатув кенгашининг таркиби 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобига нефть-газ ва электр энергетикаси тармоқлари корхоналарининг соф фойдасидан 5 фоиз миқдоридagi ўтказмалар;

энергияни меъёрдан ортиқча истеъмол қилганлик учун корхоналарга қўлланиладиган оширилган тарифлардан тушумлар;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича ундирилган иқтисодий санкциялар суммасининг 20 фоизи;

кредитлар бериш ва Жамғарманинг бошқа молиявий-хўжалик фаолиятдан олинган фойда;

халқаро молия институтларининг грантлари ва кредитлари ҳамда донор ташкилотлари маблағлари;

жамғарма активларини бошқариш, шу жумладан, бўш маблағларни банк муассасаларида депозит сифатида жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

тузилган шартномага мувофиқ молиявий қўллаб-қувватлашдан олинган фойданинг бир қисми, бунда унинг суммаси кўрсатилган хизматлар суммасининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги лозим;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

бинолар ва кўп квартирали уйларда энергия самарадор технологиялар ва тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жорий этган ҳолда уларнинг энергия самарадорлигини ошириш, шу жумладан, иссиқлик ҳимоясини яхшилаш бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлашни молиялаштириш, шунингдек, энергия аудитини ўтказиш;

энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш йўналишида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув марказлари ташкил этиш (бино ва иншоотларни қуришдан ташқари) ва семинарлар ўтказиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари, иссиқлик насослари, рекуператорлар, реактив қувватни тикловчи қурилмалар (конденсатор батареялари), реле ҳимояси учун микропроцессор блоклари, частотали ўзгартиргичлар ва бир текис ишга тушириш қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича стартап-лойиҳаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг устав жамғармалари (капиталлари) ҳамда корхоналарнинг лойиҳаларини шакллантиришда иштирок этиш;

* 4-5-иловалар «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясини таъминлаш, унинг ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, уларни моддий рағбатлантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4422-сон қарорининг 6-бандида кўрсатилган тадбирларни ўтказиш;

хўжалик юритувчи субъектларда энергия аудити ўтказиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

шаҳар транспортининг ёқилғи-энергетика самарадорлигини яхшилаш, шунингдек, энергия харажатларини камайтириш учун транспорт оқимларини ахборот ва имитацион моделлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича инновацион тадбирларни ўтказишга йўналтирилади.

Энергетика вазирлиги бир ой муддатда бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Энергетика вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга:

а) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетик текширувлардан ўтказиш қоидаларини қабул қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин:

энергетика текширувларини (энергия аудитини) ўтказишни рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

энергия аудиторини танлашнинг бозор механизминини жорий этиш;

тарифларни тартибга солиш, шу жумладан, энергия аудити якунларига кўра тавсияларни бажармаган корхоналар учун энергияни меъёрдан ортиқча истеъмол қилганлик учун оширилган ставкаларни қўллашнинг самарали механизминини яратиш;

б) икки ой муддатда 285 та йирик саноат корхонасида энергия аудитини ўтказиш учун етакчи компаниялар (маҳаллий ва халқаро) жалб қилинишини таъминласин ва ушбу корхоналар рўйхатини кенгайтириш масаласини кўриб чиқсин.

8. Энергия самарадорлигини ошириш бўйича ишларни ташкиллаштиришни жадаллаштириш, энергия тежайдиган технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш мақсадида икки ой муддатда:

а) Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларининг сарфланишини нормалаштириш тўғрисидаги низомни;

Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида аукцион савдоларини ўтказиш регламентини;

б) Энергетика вазирлиги:

Қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган энергияни ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ҳисобга олиш регламентини;

Қайта тикланувчи энергия манбаларнинг кичик объектларидан электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги шартноманинг намунавий шаклини;

Қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган энергия ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини сертификатлаштириш регламентини;

Саноат қўламидаги фотоэлектрик қуёш электр станцияларини жойлаштириш регламентини тасдиқласин.

9. Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) уч ой муддатда Энергетика вазирлигининг қўйидагиларни назарда тутувчи автоматлаштирилган Ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ягона ахборот тизими) яратиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқсин:

йирик саноат корхоналари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш;

энергия ишлаб чиқарувчиларнинг (йирик истеъмолчиларнинг) идентификация рақамини онлайн-режимда бериш ва ишлаб чиқарилган (истеъмол қилинган) энергия бўйича тегишли ҳисоботларни электрон шаклда юборишнинг соддалаштирилган механизми;

ишлаб чиқарилган (истеъмол қилинган) энергияни ҳисобга олиш маълумотларини автоматик тарзда йиғиш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, йирик саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини аниқлаш;

қайта тикланувчи энергетика соҳасида реверс аукцион онлайн-савдоларини ўтказиш учун химояланган савдо майдончасини яратиш;

б) 2021 йил якунигача ишлаб чиқариш ҳажми ва молиявий кўрсаткичларни ўз ичига олган зарур ахборотларнинг тармоқлараро электрон алмашувини назарда тутган ҳолда Ягона ахборот тизимининг ишга туширилиши ва Электрон ҳукумат билан интеграциялашувини таъминласин;

в) Ягона ахборот тизимидан олинган таҳлилий маълумотлар асосида юқори энергия истеъмолига эга корхоналарни мажбурий энергия аудитидан ўтказиш механизминини жорий этсин;

Ягона ахборот тизимини яратиш ва ишга тушириш доирасида қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги буюртмачи этиб;

Жамғарма маблағлари, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

10. Энергетика вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда:

уч ой муддатда намунавий уйлар ва ижтимоий объектларда иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича қуёш тизимларини ўрнатиш, шунингдек, жамоат биноларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли дастурни ишлаб чиқсин;

жорий йилнинг 1 августидан кўп қаватли уйларни қуриш ва лойиҳалаштириш доирасида замонавий энергия тежайдиган материаллар, энергия самарадор технологияларни қўллаш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича назорат қилиш тизимини жорий этсин. Шаҳарларда кўп қаватли тижорат уйларини қуришда мазкур талаблар мажбурий равишда қўллансин.

11. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қурилиш вазирлиги маҳаллий ҳокимият органлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагилар бўйича мақсадли дастурни тасдиқлашни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

2020 — 2022 йилларда республиканинг барча ҳудудларида биноларнинг иссиқлик ҳимоясини ошириш, энергия тежайдиган технологиялар, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини жорий этиш ҳисобига кўп қаватли турар-жойларда иситиш ва совутиш эҳтиёжлари учун энергия истеъмолини пасайтириш;

табiiй газ истеъмолини пасайтириш мақсадида республикадаги қозонхоналарда сув иситиш учун энергия самарадор қуёш тизимларини ўрнатиш.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги мақсадли дастурларни амалга ошириш учун зарур маблағларнинг ҳисоб-китоблари тақдим этилишига қараб халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг имтиёзли кредит ресурслари, хорижий донорларнинг техник кўмак воситалари (грантларини) жалб қилинишини белгиланган тартибда таъминласин.

12. Бош вазир ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Энергетика вазирлиги (Султанов):

а) Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда жаҳон бозорида нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда нефть-газ ва электр энергетикаси соҳаси корхоналари ўртасидаги ўзаро харид нархлари ва даромад тақсимои схемасини қайта кўриб чиқсин;

б) Қурилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, илғор жаҳон тажрибаси асосида энергияни тежаш ва энергия самарадорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказсин ва 2020 йил 1 ноябргача:

қайта тикланувчи энергия манбаларининг энергия самарадорлиги соҳасини жадал ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратувчи механизмлар;

иқтисодиёт тармоқлари, бино ва иншоотлар, шунингдек, ижтимоий

соҳада энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлигини таъминлаш нормаларини белгиловчи «Энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Белгилансинки, иқтисодиёт тармоқларининг энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, шунингдек, иқлим ўзгаришининг оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни муҳофаза қилиш бўйича барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, давлат ривожлантириш дастурлари ва инвестиция дастурлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан мажбурий равишда келишилиши лозим.

14. Иқтисодиёт тармоқларининг ёкилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини қисқартириш бўйича вазифаларни самарали мувофиқлаштириш ва бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти тузилмасига энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиснинг битта қўшимча штат бирлиги киритилсин.

15. Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 июль,
ПҚ-4779-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ****310 Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3251*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 140-моддасига мувофиқ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 май,
2020-17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил
18 майдаги 2020-17-сон қарорига
ИЛОВА

**Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) мувофиқ солиқ аудитини ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Солиқ аудити солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг муайян

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

давр учун солиқлар ва йиғимларнинг ҳисобланиши ҳамда тўланишининг тўғрилигини текшириш мақсадида, унинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш йўли билан ўтказилади.

2. Жиноят иши доирасида солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва Солиқ кодекси талаблари асосида ўтказилади.

3. Солиқ аудити қўйидаги солиқ тўловчиларда ўтказилади:

солиқ органида хавфни таҳлил этиш автоматлаштирилган ахборот тизими («Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулоти) орқали аниқланган, юқори даражадаги таваккалчилик (солиқ хавфи) тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчиларда;

камерал солиқ текшируви натижаси бўйича солиқ органининг талабномасига жавобан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган (шу жумладан, аниқлаштирилган талабномадан кейин), аниқланган тафовутлар бўйича асос келтирмаган ёки тақдим қилинган асосномалар етарли эмас деб топилган юқори даражадаги таваккалчилик (солиқ хавфи) тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчиларда;

ихтиёрий тугатилаётган солиқ тўловчиларда;

жиноий иш қўзғатилган солиқ тўловчиларда;

аввал ўтказилган солиқ аудити чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатлар аниқланган солиқ тўловчиларда.

4. Солиқ аудити доирасида солиқ органлари томонидан солиқ тўловчига ҳужжатлар электрон ҳужжат тарзида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади. Юборилган ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан ўқиб чиқилганидан кейин, лекин ушбу ҳужжат жўнатилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай олинган деб ҳисобланади.

Агар солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, ҳужжатлар буюртма хат қилиб почта орқали юборилади ва улар жўнатилганидан сўнг беш кундан кейин олинган деб ҳисобланади.

Ҳужжатлар солиқ тўловчига ёки унинг вакилига шахсан мазкур ҳужжатлар олинган сана кўрсатилган ҳолда имзо қўйдириб топширилиши мумкин.

2-боб. Солиқ аудитини тайинлаш

5. Солиқ аудити солиқ тўловчиларга олдиндан хабарнома юбориш орқали амалга оширилади, бундан мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолат мустасно.

Агар солиқларни тўлашдан бўйин товлаш белгилари мавжуд бўлса, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда солиқ тўловчини олдиндан хабардор қилмасдан солиқ аудитини бошлайди.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш белгилари Солиқ кодексининг 223-моддасига асосан аниқланади.

6. Солиқ аудитини ўтказиш учун солиқ органи раҳбарининг (раҳбар

ўринбосарининг) буйруғи солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларини ва (ёки) солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида солиқ аудити дастури тайёрлангандан кейин чиқарилади.

Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан уни ўтказиш дастури ҳам тасдиқланади.

Жиноят иши юзасидан ўтказиладиган солиқ аудити учун буйруқ тафтиш ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қарор ёки ажрим солиқ органига келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида чиқарилади.

7. Тугатилаётган солиқ тўловчиларда рўйхатдан ўтказилган тегишли органдан солиқ органи хабардор қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида солиқ аудитини амалга оширишга киришади.

Фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти тугатилаётганда, солиқ аудити унинг солиқ органида ҳисобга қўйилишига асос бўлган ҳужжатларда кўрсатилган муддат тугаган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида бошланиши лозим.

Тугатилаётган солиқ тўловчида солиқ аудитини ўтказиш тўғрисида буйруқ солиқ аудитини ўтказиш дастури тайёрланган кундан сўнг уч иш кунидан кечиктирмасдан чиқарилади.

8. Солиқ аудити:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан ўз ҳудудида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган солиқ тўловчиларда;

йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан йирик солиқ тўловчиларда;

Давлат солиқ қўмитаси томонидан юқори даражадаги таваккалчилик (солиқ хавфи) тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчиларда.

Солиқ аудитида иштирок этиш учун бошқа солиқ органларининг мансабдор шахслари жалб этилиши мумкин.

9. Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

солиқ аудити ўтказиш учун асослар;

солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами;

солиқ аудитини ўтказувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

солиқ аудитини ўтказиш муддати;

солиқ аудитининг мақсади (текшириладиган солиқ даврида барча солиқлар ва йиғимлар ёки айрим солиқ тури).

10. Солиқ аудити ўтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солиқ ҳисоботида солиқ тўловчи томонидан ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

Бунда солиқ тўловчи томонидан текширилаётган даврнинг айнан текширилаётган солиқ ҳисоботларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши юзасидан жўнатилган қайта ҳисоботлари қабул қилинмайди (қайтарилади) ва солиқ аудити жараёнида солиқлар ҳисобланишида ҳисобга олинмайди.

Солиқ аудитини ўтказиш муддати ўтказилган солиқ аудити тўғрисида далолатнома тузилган (имзоланган) кунда тугайди.

Солиқ аудитида икки ва ундан ортиқ солиқ аудитини ўтказувчи шахслар қатнашганда, текшириш жараёнини бошқариш ва натижаларини умумлаштириш мақсадида буйруқда биринчи кўрсатилган текширувчи гуруҳ раҳбари ҳисобланади.

11. Солиқ органи солиқ аудити бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин солиқ тўловчига солиқ аудити ўтказилиши тўғрисида ушбу Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда хабарнома юборади, бундан солиқларни тўлашдан бўйин товлаш белгилари мавжуд бўлган, ихтиёрий равишда тугатилаётган ҳамда жиноят иши доирасида тафтиш ўтказилади-ган солиқ тўловчилар мустасно.

Хабарномада солиқ аудитининг бошланиш санаси, текширилиши лозим бўлган масалаларнинг рўйхати, зарур ҳужжатларнинг дастлабки рўйхати, шунингдек солиқ аудитини ўтказиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Солиқ тўловчи солиқ аудити бошлангунга қадар хабарномада кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларни тайёрлаб қўйиши лозим.

12. Солиқ тўловчига солиқ аудити ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома солиқ тўловчининг шахсий кабинетини ёки буюртма хат қилиб почта орқали юборилади.

13. Солиқ аудити фақат Солиқ кодексининг 88-моддасида белгиланган даъво қилиш муддати ўтмаган охириги солиқ аудитидан кейинги даврни қамраб олиши мумкин.

14. Солиқ органлари солиқ тўловчининг айнан битта давр учун айнан бир хил солиқлар бўйича бир мартадан ортиқ солиқ аудитини ўтказишга ҳақли эмас, бундан солиқ аудитини ўтказиш чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатлар аниқланган ҳоллар мустасно. Янги ҳолатлар аниқланган тақдирда солиқ органи такрорий солиқ аудитини тайинлашга ҳақли.

Солиқ аудитини ўтказиш чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатларга солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳамда солиқ тўловчи томонидан солиқ аудити ўтказилган даврлар учун солиқлар ва йиғимлар суммасининг камайишини назарда тутувчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларининг тақдим қилиниши киради.

15. Солиқ аудитини ўтказиш муддати ўттиз иш кунини ташкил қилади, бундан мазкур Низомнинг 16-бандида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

16. Агар мазкур бандда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ аудитини ўтказиш муддати икки ойгача, алоҳида ҳолларда эса — уч ойгача узайтирилиши мумкин.

Солиқ аудитини ўтказиш муддати ўтказилиши қуйидагилар учун ҳам узайтирилиши мумкин:

талаб қилинган ҳужжатлар (ахборотлар) беш иш куни ичида тақдим

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қилинмаганда (узайтиришга ҳужжатлар талаб қилинаётган ҳар бир шахс бўйича кўпи билан бир марта йўл қўйилади);

чет эл давлат органларидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида ахборот олишда;

экспертизалар ўтказишда;

чет тилида тақдим этилган ҳужжатларни таржима қилишда (ҳужжатлар давлат тилига таржима қилинган асл нусхалари шаклида ёки нотариал тарзда тасдиқланган шаклда бўлиши мумкин);

солиқ аудити жараёнида ўрганилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳажмининг кўплиги сабабли солиқ аудитини ўтказиш учун буйруқда кўрсатилган муддатнинг етарли эмаслигида;

яроқсиз ҳолга келган ҳужжатларнинг ҳамда солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ электрон ахборот жисмларининг қайта тикланишида;

мутахассис фикри олинмишида;

эксперт жалб қилинганда.

17. Солиқ аудитини ўтказишнинг умумий муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас.

18. Солиқ аудитининг муддатини узайтириш солиқ аудитини ўтказувчи шахснинг асослантилган илтимосномасига асосан юқори турувчи солиқ органининг рухсати билан амалга оширилади. Бунда асослантилган илтимоснома солиқ аудитининг муддати тугашидан беш иш куни олдин берилиши керак.

19. Солиқ аудитининг муддати узайтирилганда олдинги буйруқнинг рўйхатга олиш рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан қўшимча буйруқ чиқарилади.

20. Текширилаётган календарь йилда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларда солиқ аудитини ўтказиш муддати ўттиз иш кунидан ортиқ давом этиши мумкин эмас, бундан жиноят иши доирасида ўтказиладиган солиқ аудити (тафтиш) мустасно.

3-боб. Солиқ аудитини ташкил этиш

21. Солиқ аудитини ўтказиш муддати солиқ тўловчига (солиқ агентига) солиқ аудитини тайинлаш тўғрисидаги буйруқ топширилган кунда бошланади.

22. Солиқ аудитини тайинлаш тўғрисидаги буйруқ нусхаси солиқ тўловчига ёки унинг вакилига буйруқнинг иккинчи нусхасига уни олганлиги тўғрисида имзо қўйдирган ҳолда топширилади.

Агарда солиқ тўловчи юридик манзилида жойлашмаганлиги ёки бошқа сабабларга кўра буйруқни тақдим қилишнинг имкони бўлмаганда, буйруқ унинг шахсий кабинетига юборилади.

Солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, буйруқ буюртма хат қилиб почта орқали юборилади.

23. Солиқ аудити бошланишидан олдин солиқ аудитини ўтказувчи шахс қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

шахсий хизмат гувоҳномасини ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномасини кўрсатиши;

солиқ тўловчини ёки унинг вакилини текширув мақсади билан таништириши;

«Текширувларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдириши, китоб ёки унинг электрон шаклини тўлдириш имкони мавжуд бўлмаган тақдирда, бу ҳақда солиқ аудити далолатномасида қайд этиши;

солиқ аудитини тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг бир нусхасини солиқ тўловчига тақдим этиши;

солиқ тўловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан, текширув устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки тадбиркорлик субъектларининг бошқа тегишли бирлашмаларини жалб қилишга ҳақли эканлигини тушунтириши.

24. Солиқ аудити «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» тўлдирилганидан сўнг ўтказилади.

Солиқ аудити далолатномасига «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»нинг тўлдирилган шакли (қоғоз шакли тўлдирилганда — электрон шакли тўлдирилмаганлиги сабаби) ёки китоб тақдим этилмаганда — унинг тақдим этилмаганлиги тўғрисида солиқ аудитини ўтказувчи шахс томонидан тегишли ёзув киритилади.

Солиқ аудитини ўтказувчи мансабдор шахс «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдиришдан бош тортган тақдирда, солиқ тўловчи солиқ аудитининг ўтказилишига йўл қўймасликка ҳақли.

25. Солиқ аудити 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни солиқ аудити тайинланганлиги тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиш орқали ўтказилади.

2022 йил 1 январдан бошлаб солиқ аудити Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими орқали Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомга (рўйхат рақами 3067, 2018 йил 7 сентябрь) асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» тўлдирилганидан сўнг ўтказилади.

Солиқ аудити натижалари солиқ органлари томонидан текширув тамомлангандан кейин уч кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилади.

26. Солиқ аудитини солиқ тўловчининг ҳудудида ўтказишнинг имкони бўлмаганида, солиқ аудити солиқ органи жойлашган жойда ўтказилади. Бунда солиқ аудитини ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар солиқ тўловчи (тугатувчи) томонидан солиқ органига тақдим этилади.

4-боб. Тугатилаётган солиқ тўловчиларда солиқ аудитини ўтказиш хусусиятлари

27. Ихтиёрий равишда тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари ва якка тартибдаги тадбиркорларда солиқ аудити Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низом қоидалари қўлланилмайдиган корхона ва ташкилотлар тугатилишида солиқ аудити уларни тегишлилиги бўйича рўйхатдан ўтказувчи органнинг хабарномаси ёки уларнинг аризасига биноан амалга оширилади.

Солиқ органида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилган Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасасида солиқ аудити унинг солиқ органида ҳисобга қўйилишига асос бўлган аризада ёки унга илова қилинган шартномада (мавжуд бўлган тақдирда) кўрсатилган муддат тугаганда ўтказилади.

28. Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган тижорат ташкилотларида солиқ аудити ўтказилмайди.

29. Ихтиёрий равишда тугатилаётган солиқ тўловчида солиқ аудити охириги солиқ аудитидан кейинги солиқ даврини, лекин солиқ аудити ўтказилаётган йилдан олдинги уч йилдан ошмаган даврни қамраб олиши мумкин.

5-боб. Худуд ва биноларни кўздан кечириш

30. Солиқ органларининг бевосита солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахслари кўрсатилган объектлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг текширилаётган шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосланган маълумотларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида текширилаётган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган худудларини ёки биносини ёхуд солиқ солиш объектларини кўздан кечиришни ўтказиши мумкин.

Худуд ва биноларни кўздан кечириш ҳолислар иштирокида амалга оширилади ҳамда зарур бўлган ҳолларда, кўздан кечириш чоғида фотосуратга олиш ва видеоёзувга тушириш амалга оширилади, ҳужжатлардан кўчирма нусхалар олинади ёки кўздан кечириш билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар бажарилади.

31. Бевосита солиқ аудитини ўтказувчи солиқ органлари мансабдор шахсларининг текширилаётган шахснинг худудига ёки биносига кириши ушбу мансабдор шахслар томонидан хизмат гувоҳномалари ва солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) ушбу шахснинг солиқ аудити-

ни ўтказиш тўғрисидаги буйруғи (қарори) тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

Солиқ органларининг солиқ аудитини ўтказувчи мансабдор шахслари-га мазкур ҳудудларга ёки биноларга (бундан турар-жой бинолари мустасно) киришига тўсқинлик қилинган тақдирда солиқ органининг мансабдор шахси ўзи ва текшириладиган шахс томонидан имзоланадиган далолатномани ушбу Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда тузади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи текшириладиган шахс тўғрисида ўзида мавжуд бўлган маълумотлар ёки худди шундай солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар асосида тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини мустақил тарзда аниқлашга ҳақли.

Текшириладиган шахс кўрсатилган далолатномани имзолашни рад этган тақдирда мазкур далолатномага тегишли қайд киритилади.

Солиқ аудитини ўтказувчи шахсга ҳудудларга ёки биноларга (бундан турар жой бинолари мустасно) киришига тўсқинлик қилинган ёки солиқ тўловчи рўйхатга олиш маълумотларида кўрсатилган манзилида жойлашмаган тақдирда, солиқ органлари Солиқ кодексининг 111-моддасига мувофиқ солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриши мумкин.

32. Ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш учун уларга киришга тўсқинлик қилинган ҳолат бўйича далолатнома тузилганидан кейин солиқ тўловчи томонидан ҳудуд ва биноларга киришга рухсат берилган тақдирда, солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор бекор қилинади ҳамда кўздан кечириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Ҳудуд ва бинолар кўздан кечириш натижасида ушбу Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклда баённома тузилади.

34. Агарда мазкур солиқ солиш билан боғлиқ объектлар бошқа вилоят ҳудудида жойлашган тақдирда, ушбу объектларни кўздан кечириш, солиқ тўловчининг мол-мулкани хатловдан ўтказиш ва савдо қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш солиқ аудитини ўтказувчи шахснинг мурожаати асосида объект жойлашган жойдаги солиқ органи раҳбарининг (ўринбасарининг) буйруғига биноан амалга оширилади.

6-боб. Ҳужжатларни талаб қилиб олиш

35. Солиқ аудитини ўтказувчи шахс солиқ тўловчидан солиқ аудити учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли. Бунда солиқ тўловчига ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги талабнома (бундан буён матнда талабнома деб юритилади) юборилади.

Талабнома солиқ тўловчига шахсан имзо қўйдирган ҳолда топширилади. Агар талабномани мазкур усулда топширишнинг имкони бўлмаса, у мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган тартибда юборилади.

Талаб қилиб олинadиган ҳужжатлар солиқ органига шахсан ёки вакил

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

орқали тақдим этилиши, почта орқали буюртма хат билан юборилиши ёхуд телекоммуникация алоқа тармоқлари ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда топширилиши мумкин.

36. Солиқ аудити давомида талаб қилиб олинган ҳужжатлар талабнома олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида тақдим этилади. Агар текшириладиган шахс талаб қилинадиган ҳужжатларни ушбу муддатда тақдим этиш имконига эга бўлмаса, у солиқ аудитини ўтказувчи шахсни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади.

Солиқ тўловчи талаб қилинган ҳужжатларни белгиланган муддатларда тақдим этишнинг имкони йўқлиги тўғрисида унинг сабабларини кўрсатилган ёзма шаклдаги хабарномани талабнома олинган кундан кейинги кун давомида юбориши керак. Ушбу хабарномада солиқ тўловчи талаб қилинган ҳужжатларни тақдим эта олиши мумкин бўлган муддатлар кўрсатилиши лозим.

37. Солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) солиқ тўловчидан хабарномани олган кундан эътиборан икки кун ичида ушбу хабарнома асосида ҳужжатларни тақдим этиш муддатларини узайтириш ёки муддатларни узайтиришни рад этишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда алоҳида қарор чиқаради.

38. Солиқ тўловчининг талаб қилинадиган ҳужжатларни тақдим этишнинг рад этганлиги солиқ аудитини ўтказувчи шахс томонидан ушбу Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда тузиладиган ҳамда солиқ тўловчи ва солиқ аудитини ўтказувчи шахс томонидан изоладиган далолатномада қайд этилади.

Солиқ тўловчи далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, бу ҳақда тегишли қайд киритилади. Ҳужжатларни тақдим этиш солиқ тўловчи томонидан рад этилганлиги ёки белгиланган муддатларда тақдим этилмаганлиги ушбу ҳужжатларни олиб қўйиш учун асос бўлади.

39. Солиқ аудити жараёнида солиқ органларига текшириладиган шахснинг камерал ёки сайёр солиқ текширувлари ўтказилганда илгари тақдим этилган ҳужжатларни, шунингдек, солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида тасдиқланган кўчирма нусхалар шаклида тақдим этилган ҳужжатларни текшириладиган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли эмас.

Агар ҳужжатлар илгари солиқ органига асл нусхалар тарзида тақдим этилиб, кейинчалик текшириладиган шахсга қайтарилган бўлса, шунингдек, солиқ органига тақдим этилиб, бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолатлари оқибатида йўқотилган тақдирда, ҳужжатлар текшириладиган шахсдан қайта талаб қилиб олиниши мумкин.

7-боб. Учинчи шахслардан ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш

40. Солиқ аудитини ўтказувчи шахс солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган контрагентдан ёки бошқа шахслардан ушбу ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олишга ҳақли.

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

41. Агар текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатлар (ахборот) бошқа ҳудудда ҳисобда турган солиқ тўловчидан (учинчи шахсдан) олиш талаб этилса, солиқ аудитини ўтказувчи солиқ органи тегишли ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш тўғрисида солиқ тўловчи (учинчи шахс) ҳисобда турган жойидаги солиқ органига топшириқнома юборади.

Топшириқномада солиқ аудити жараёнида талаб қилиб олинadиган ҳужжатлар (ахборот) кўрсатилади ҳамда солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси илова қилинади.

Топшириқнома олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида ҳужжатлар (ахборот) қайси шахсдан талаб қилинаётган бўлса, ўша шахснинг ҳисобда турган жойидаги солиқ органи томонидан учинчи шахсга талабнома юборилади.

Талабномага ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш тўғрисидаги топшириқноманинг кўчирма нусхаси илова қилинади.

42. Талабномани олган шахс талабнома олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида уни бажаради ёки талаб қилиб олинаётган ҳужжатларга (ахборотга) эга эмаслигини хабар қилади.

Агар талаб этиладиган ҳужжатларни (ахборотни) мазкур муддатда тақдим этиш имкони бўлмаса, солиқ органи учинчи шахснинг илтимосномасига кўра ушбу ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш муддатини узайтиришга ҳақли.

8-боб. Ҳужжатларни ва электрон ахборот жисмларини олиб қўйиш

43. Солиқ аудитини ўтказувчи шахс солиқларни ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ ҳужжатларни ва электрон ахборот жисмларини (солиққа оид ахборотларни сақловчи мосламалар, шу жумладан компьютернинг каттик диски, ноутбуклар ва бошқалар) Солиқ кодексининг 148-моддасида белгиланган тартибда олиб қўйишга ҳақли.

44. Ҳужжатлар ва электрон ахборот жисмлари қуйидаги ҳолларда олиб қўйилади:

солиқ аудитини ўтказиш жараёнида ҳужжатларни тақдим этиш солиқ тўловчи томонидан рад этилганлиги ёки белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда;

ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари етарли бўлмаса ҳамда солиқ органида ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқ қилиниши, яширилиши, ўзгартирилиши ёки алмаштириб қўйилиши мумкинлиги тўғрисида тахмин қилиш учун етарлича асослар мавжуд бўлганда.

45. Олиб қўйилган ҳужжатлар ва электрон ахборот жисмларини сақлаш зарурати тугагунга қадар сақлаб турилади.

Солиқ аудити учун аҳамияти бўлмаган ҳужжатлар ва электрон ахборот жисмлари солиқ аудитини ўтказувчи шахс томонидан кўздан кечириб бўлганидан кейин эгаларига дарҳол қайтариб берилади. Қайтарилган ҳуж-

жатлар ва электрон ахборот жисмлари бўйича солиқ тўловчидан қабул қилиб олганлигини тўғрисида тилхат олинади.

46. Ҳужжатларнинг асл нусхалари олиб қўйилганда, солиқ органлари уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

47. Ҳужжатлар ва электрон ахборот жисмларини олиб қўйиш ушбу Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклдаги солиқ аудитини ўтказувчи шахснинг асослантирилган қарори асосида амалга оширилади.

48. Ҳужжатлар ва электрон ахборот жисмларини тунги пайтда (соат 23-00 дан 06-00 га қадар бўлган вақт оралиғида) олиб қўйишга йўл қўйилмайди.

Солиқ текшируви предметида алоқаси бўлмаган ҳужжатлар ва буюмлар олиб қўйилмайди.

49. Ҳужжатлар ва электрон ахборот жисмларини олиб қўйиш ҳолислар ҳамда ҳужжатлари ва электрон ахборот жисмларини олиб қўйиш амалга ошириладиган шахслар иштирокида ўтказилади. Барча олиб қўйиладиган ҳужжатлар ва электрон ахборот жисмлари ҳолисларга ҳамда олиб қўйишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кўрсатилади ва зарур бўлган тақдирда олиб қўйилган жойда ўралади.

50. Ҳужжатлар ва электрон ахборот жисмларини олиб қўйиш тўғрисида ушбу Низомнинг 6-иловасига* мувофиқ шаклда баённома тузилади ва унинг кўчирма нусхаси солиқ тўловчига имзо қўйдирилган ҳолда тақдим этилади.

51. Солиқ тўловчи баённомани олишдан бош тортса, баённомага тегишли ёзув киритилади ва бир нусхаси солиқ тўловчининг шахсий кабинетига ёки почта орқали буюртма хат билан юборилади.

9-боб. Солиқ аудитининг иштирокчилари

52. Солиқ аудитини ўтказувчи шахс ходимлар, солиқ тўловчи ва унинг вакиллари солиқ аудитининг иштирокчиларидир.

53. Солиқ аудити ўтказилишида Солиқ кодексининг 149 — 153-моддаларида белгиланган тартибда гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ва ҳолислар жалб этилиши, шунингдек, агар юзага келадиган масалаларни тушунтириш учун илм-фан, санъат, техника ёки ҳунармандчилик соҳасидаги махсус билимлар талаб этилса, экспертиза тайинланиши мумкин.

54. Эксперт, мутахассис ва таржимонни жалб қилиш учун солиқ органи томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотига мурожаат қилинади. Мазкур шахсларни давлат органлари ва ташкилотларидан жалб қилишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса, мустақил эксперт, мутахассис ёки таржимонлар шартнома асосида жалб қилинади.

55. Солиқ аудитини амалга оширишда гувоҳлардан кўрсатмалар олишдан аввал солиқ аудитини ўтказувчи шахс гувоҳни кўрсатмалар беришни рад этганлик ёки бундан бош тортганлик ёхуд била туриб ёлғон кўрсатмалар берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради ва гувоҳнинг

* 5-6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

берган кўрсатмалари юзасидан ушбу Низомнинг 7-иловасига* мувофиқ шаклда баённома тузилади. Баённома солиқ аудитини ўтказувчи шахс ва гувоҳ томонидан имзоланади.

56. Экспертиза тайинлаш тўғрисида солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) солиқ аудитини ўтказувчи шахснинг илтимосномаси асосида ушбу Низомнинг 8-иловасига* мувофиқ қарор қабул қилади.

57. Солиқ аудитини ўтказувчи шахс солиқ тўловчини экспертиза тайинланганлиги тўғрисидаги қарор билан таништиради ва ҳуқуқларини тушунтириб, бу ҳақида ушбу Низомнинг 9-иловасига* мувофиқ баённома тузади.

58. Солиқ органлари ходимлари холислар сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

59. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва (ёки) бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари солиқ тўловчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қуйидаги ҳолларда солиқ аудити жараёнида иштирок этиши мумкин:

солиқ тўловчида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзоси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда;

вакилнинг хизмат гувоҳномаси ва текширишда қатнашиш учун ишончномаси бўлганда.

Вакил солиқ аудитини ўтказувчи шахс ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида улар қонуний фаолиятига аралашмаслиги лозим.

10-боб. Солиқ аудити натижаларини расмийлаштириш

60. Солиқ аудити натижасига кўра солиқ аудитини ўтказувчи шахс томонидан мазкур Низомнинг 10-иловасига* мувофиқ шаклда уч нусхада солиқ аудити далолатномаси тузилади.

61. Солиқ аудити далолатномасига текширув давомида аниқланган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари фактларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Агар солиқ аудити натижасида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари аниқланмаган бўлса, бу ҳақда солиқ аудити далолатномасида қайд этилади.

62. Солиқ аудити далолатномасининг барча нусхалари солиқ аудитини ўтказувчи шахс (шахслар) томонидан имзоланади. Солиқ аудити далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига солиқ аудити тугаганидан кейин уч кун ичида топширилади.

63. Солиқ тўловчининг солиқ аудити далолатномасидаги имзоси унинг солиқ аудити натижаларига розилигини билдирмайди.

64. Солиқ тўловчи солиқ аудити далолатномасини олишдан бош тортган тақдирда, солиқ аудитини ўтказувчи шахс бу ҳақда солиқ аудити далолатномасига тегишли ёзув киритади.

* 7 — 10-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бундай ҳолда солиқ аудити далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилади.

65. Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасида баён этилган фактларга ва (ёки) солиқ аудитини ўтказувчи шахснинг хулосалари ҳамда таклифларига рози бўлмаган тақдирда, солиқ аудити далолатномасини олган кундан эътиборан ўн иш куни ичида тегишли солиқ органига мазкур далолатнома бўйича умуман ёки унинг айрим ҳолатлари юзасидан ёзма эътирозларини тақдим этишга ҳақли.

66. Солиқ тўловчи ўз эътирозларининг асосланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини) ёзма эътирозларга илова қилишга ёки келишилган муддатда солиқ органига топширишга ҳақли.

67. Солиқ аудити материаллари солиқ тўловчи ҳисобда турган жойдаги солиқ органига юборилади ҳамда солиқ аудити тугаган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай рўйхатдан ўтказилади ва солиқ аудити натижаси бўйича маълумотлар солиқ текширувлари ҳисобини юритиш ахборот тизимига киритилади.

68. Солиқ аудити материалларини кўриб чиқиш ва натижаси бўйича қарор қабул қилиш Солиқ кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

11-боб. Яқуний қоидалар

69. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

70. Мазкур Низом талабларига риоя қилмасдан, солиқ аудитини тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона ўтказмаганлиги натижасида бюджетга ёки солиқ тўловчига етказилган зарар учун солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) ҳамда солиқ аудитини ўтказган текширувчилар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

71. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакили*

Д. КАСИМОВ

2020 йил 18 май

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2020 йил 18 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

311 Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3254

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
12/8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
25 майдаги 12/8-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ тижорат банкларида корпоратив бошқарувни ташкил этиш асосларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Корпоратив бошқарув деганда банк стратегик мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш устидан назорат қилиш учун зарур ташкилий тузилма-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

ни, шунингдек, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини таъминловчи, банк бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи, шу жумладан, бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарлигини тақсимлаш ҳамда бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини яратиш тушунилади.

2. Қуйидагилар самарали корпоратив бошқарувнинг асоси ҳисобланади: банкнинг ички ҳужжатларида белгиланадиган ваколат ва вазифаларнинг аниқ тарзда тақсимланиши;

етарли даражадаги ҳисобдорлик;

ўзаро назорат қилиш ҳамда банк учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилинишининг олдини олишни таъминловчи, банк бошқаруви органлари ва (ёки) таркибий тузилмалар ўртасидаги ваколатларнинг тақсимланиши;

ўзининг ваколатлари ва вазифаларини яхши билувчи, функционал вазифаларини бажаришда юқори даражадаги ишбилармонлик ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этувчи, банк кузатув кенгашининг (бундан буён матнда кенгаш деб юритилади) ва ижроия органининг (бундан буён матнда бошқарув деб юритилади) юқори малакали аъзолари мавжудлиги.

3. Кенгаш ва бошқарув аъзолари ўз фаолиятини амалга ошираётганда масъулиятни ҳис қилган ҳолда жавобгарликни ва жонкуярликни намоён қилиши ҳамда содиқлик билан хизмат қилиши лозим.

Кенгаш ва бошқарув аъзоларининг масъулият билан жавобгарликни ва жонкуярликни намоён қилишига қуйидагилар киради:

қарорларни онгли равишда қабул қилиши ва ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қилиш, шу жумладан, қарорларни ўз ваколатлари доирасида ва мавжуд маълумотларни ҳар томонлама баҳолаган ҳолда қабул қилиш;

хизмат вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашиш;

қонун ҳужжатлари, банк устави ва банкнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Кенгаш ва бошқарув аъзоларининг содиқлик билан хизмат қилишига қуйидагилар киради:

ўзлари билан боғлиқ барча мавжуд ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш;

ўз хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;

манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда ва банк манфаатлари йўлида ўз вазифаларини тўлақонли бажаришига тўсқинлик қилган тақдирда, қарор қабул қилишда қатнашмаслик.

2-боб. Кенгаш фаолияти

4. Кенгашнинг ваколатига Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларида белгиланган масалалар киради.

5. Кенгаш аъзоларидан ўз вазифаларини амалга оширишлари доирасида қуйидагилар талаб этилади:

фаолият юритаётган банк корпоратив бошқарувининг ташкилий тузилмасини, кенгашнинг функцияларини билиши, корпоратив бошқарувдаги ўзининг ўрнини англаши, банк фаолиятига хос бўлган таваккалчиликлар ҳақида тасаввурга эга бўлиши, шунингдек, банк-молия соҳасидаги, таваккалчиликларни бошқариш ва корпоратив бошқарувни ташкил этиш бора-сидаги билим ва малакасини доимий равишда ошириб бориши;

банк фаолиятида фаол қатнашиши, унинг фаолиятидаги ва ташқи ша-роитлардаги муҳим ўзгаришларни кузатиб бориши, шунингдек, узоқ муд-датли истиқболда банк манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чоралар-ни ўз вақтида кўриши;

банкнинг корпоратив маданияти ва кадриятлари шаклланишида етак-чи ўринни тутиши;

кўриб чиқиляётган масалалар юзасидан кенгашнинг бошқа аъзолари, бошқарув аъзолари ва банк ходимларининг қарашларидан қатъи назар ўзи-нинг асосланган фикрини билдириши;

масъулиятни ҳис қилган ҳолда жавобгарликни ва жонқуярликни намоён қилиши ва содиқлик билан хизмат қилиши, банк ва унинг барча акциядор-лари манфаатларини кўзлаб, юклатилган вазифа ва мажбуриятларни виж-донан ва оқилона амалга ошириши, ўзининг ёки айрим шахслар манфаат-лари йўлида ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслиги;

манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи ҳаракатлардан қочиши, шунинг-дек, манфаатлар тўқнашуви юзага келганлиги ҳақида дарҳол кенгашга ха-бар бериши ва уни бартараф этиш юзасидан чора кўриши;

кенгаш ва унинг қўмиталари мажлисларида ўз ваколатларини учинчи шахсга ўтказмаган ҳолда иштирок этиши;

кенгашга аъзолиги чоғида ўзига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълум-отларнинг махфийлигига риоя этиши.

6. Кенгаш раислигига, агар банк уставида ўзгача қоида назарда тутил-маган бўлса, қўпчилик овоз билан кенгаш аъзоларининг бири сайланади.

7. Кенгаш раиси унинг фаолиятини бошқариш ва самарадорлигини таъминлашга жавобгар, шунингдек, кенгаш аъзолари ўртасида ишончли муносабатларни шакллантиришга хизмат қилади. Кенгаш йиғилишларида раис тўлиқ ва кенг қамровли маълумотларни таҳлил қилган ҳолда муста-қил фикр алмашинувлари, танқидий қарашлар ва ижодий ёндашувлар асо-сида қарорлар қабул қилинишини таъминлаши лозим.

8. Кенгаш аъзолари сони ва унинг таркиби банк фаолиятининг микёси ва хусусияти, унинг ривожланиш мақсадлари ва стратегияларидан келиб чиқиб, шунингдек, қуйидагиларни таъминлашни назарда тутган ҳолда шакл-лантирилиши лозим:

кенгаш йиғишларини кворум борлигида қарорларни қабул қилиш им-конини берувчи даврийликда (чоракда камида бир марта) ўтказиш имко-нияти мавжудлиги;

самарали бошқаришни амалга ошириш ва қарорлар қабул қилиш учун керакли бўлган тажриба ва билимларга коллектив даражада эгаллиги;

кенгаш томонидан қўмиталар ташкил қилиниши ва уларнинг иш фаолияти йўлга қўйилиши.

9. Кенгаш ўз фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун даврий равишда (йилда камида бир марта) қуйидагиларни амалга ошириши зарур:

кенгашнинг ҳар бир аъзосини касбий масъулияти улар амалга оширган ишларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва натижалари асосида баҳоланиши;

ўзининг бошқарув усуллари ва сиёсатининг самарадорлигини кўриб чиқиши, улардаги муаммоли жиҳатларни аниқлаш ва тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиши.

10. Ўзининг вазифа ва мажбуриятларини бажаришда кенгаш ички назорат ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимларига таяниши ва уларнинг фаолияти устидан самарали назоратни амалга ошириши лозим.

11. Ўз ишининг самарадорлигини таъминлаш учун кенгаш махсус қўмиталар (бундан буён матнда қўмиталар деб юритилади), жумладан, аудит қўмитаси, таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси, мукофотлаш қўмитаси, шунингдек, бошқа қўмиталар ташкил этиши мумкин.

12. Кенгаш томонидан ташкил этилган қўмиталарнинг асосий вазифаси ваколат доирасида масалаларни чуқур ўрганиш ҳамда улар бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, кенгашнинг назоратга доир вазифаларини бажаришида унга кўмаклашиш ҳисобланади.

Қўмиталар кенгаш қарорларининг ижроси, банк стратегияси ва мақсадларининг бажарилиш жараёнини таҳлил қилади, банк фаолиятига оид мунтазам ҳисоботлар ва ўзларининг тавсияларини кенгашга кўриб чиқиш учун тақдим этади.

13. Ҳар бир қўмитанинг ишлаш тамойиллари, ваколатлари, мажбуриятлари, вазифалари, иш тартиби, йиғилишлар даврийлиги ҳамда кенгашга ҳисоботлар тақдим қилиш тартиби ва муддатлари, шунингдек, бошқа масалаларни қамраб олган қўмита тўғрисида низом кенгаш томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

14. Қўмиталар таркиби кенгашнинг учтадан кам бўлмаган аъзоларидан ташкил топиши зарур. Қўмита бошқа қўмита аъзолигида бўлган айнан бир шахслар таркибидан иборат бўлишига, шунингдек, кенгашнинг бир аъзоси бир вақтнинг ўзида турли қўмиталар раиси бўлишига йўл қўйилмайди.

15. Кенгаш қўмиталарга юклатилган вазифалар ва мажбуриятларнинг ижросини доимий равишда назорат қилиб бориши ва бунинг учун етарли вақт ажратиши ҳамда қўмиталарни тажрибали аъзолар билан бутланишини таъминлаши лозим.

3-боб. Махсус қўмиталар

1-§. Аудит қўмитаси

16. Ички назорат тизимини самарали ташкил этиш мақсадида кенгаш

аудит қўмитасини ташкил этиши зарур. Қўмитанинг кўпчилик аъзолари банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кенгашдаги аъзолиги мустасно. Аудит қўмитасининг раиси кенгаш раиси бўлмаслиги лозим.

17. Аудит қўмитасининг аъзолари олий маълумотга, аудит хизмати мақсадлари ва вазифаларига мос келувчи малака ва тажрибага эга бўлиши лозим. Аудит қўмитасининг камида битта аъзоси аудит, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот бўйича камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши керак.

18. Аудит қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: молиявий ҳисобот ва ички аудит сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараёнида иштирок этиш;

назоратга оид, молиявий ва бошқа ҳисоботларнинг тақдим этилишини, тўлиқлигини, ишончлилигини назорат қилиш;

ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан кенгаш йиғилишларига маълумотлар тайёрлаш ва кенгашга ҳисоботлар тақдим этиш;

банкнинг ички ва ташқи аудиторлар билан ўзаро алоқасини назорат қилиб бориш;

ички аудит хизмати раҳбарини тайинлаш (лавозимидан озод қилиш) масаласини кўриб чиқиб, кенгашга таклиф киритиш;

ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботларини ўрганиб чиқиш ва кенгашга тақдим этиш;

банкнинг ички назорат тизими ва ички аудити фаолияти самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш учун уларни баҳолаш, ички аудит текширувлари режаси ва уларнинг даврийлигини кўриб чиқиш, ички аудит хизмати раҳбари ўз вазифа ва мажбуриятларини қай даражада амалга ошираётганлигини баҳолашда иштирок этиш ва ўз фикрларини билдириш;

ҳар чоракда камида бир марта ички аудит хизмати раҳбари билан учрашув ўтказиб, ички аудит хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилиш;

ташқи аудитор таклифларини баҳолашда кенгашга амалий ёрдам бериш, ташқи аудиторни танлашда кенгашга тавсиялар тайёрлаш;

ташқи аудиторларнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузилиши (бекор қилиниши) тўғрисида кенгашга таклифлар киритиш;

ташқи аудиторлар учун техник вазифаларни ишлаб чиқишда кенгашга амалий ёрдам бериш;

ички ва ташқи аудит ҳисоботларини қабул қилиб олиш ҳамда уларда ва бошқа назоратни амалга оширувчи бўлинмалар томонидан аниқланган қонун ҳужжатлари, банкнинг сиёсатлари ва ички ҳужжатларига номувофиқликлар ва камчиликларни банк бошқаруви томонидан ўз вақтида бар-тараф этилишини назорат қилиш;

ташқи аудиторлик ҳисобот ва хулосаларни кўриб чиқиш ва уларни кенгашга тақдим этиш;

ташқи аудиторлар фаолияти қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда, уларни ўзгартириш юзасидан кенгашга тавсиялар бериш;

банк фаолиятининг шаффофлиги ва маълумотларнинг ошкор қилиниши етарли даражада ва аниқ эканлигини кўриб чиқиш;
ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрлаш;
кенгаш томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

2-§. Таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси

19. Банкда таваккалчиликни самарали бошқариш мақсадида кенгаш таваккалчиликларни бошқариш қўмитасини ташкил этиши мумкин. Қўмитанинг (агар ташкил этилган бўлса) кўпчилик аъзолари банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кенгашдаги аъзолиги мустасно. Таваккалчиликларни бошқариш қўмитасининг раиси кенгаш раиси бўлмаслиги лозим.

20. Таваккалчиликларни бошқариш қўмитасининг камида битта аъзоси банк-молия ташкилотларида таваккалчиликларни бошқариш соҳаси бўйича камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши керак.

21. Таваккалчиликларни бошқариш қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

таваккалчиликларни бошқариш масалалари ва ички назоратга доир ҳужжатлар, шу жумладан, таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси, таваккалчиликларни бошқариш стратегияси ва сиёсати, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш сиёсати ва одоб-ахлоқ қоидаларини кўриб чиқиш, кенгашга таваккалчиликларни бошқариш тизимига оид тавсияларни киритиш;

бошқарув ва таваккалчиликларни бошқариш бўйича таркибий тузилма томонидан таваккалчиликларни бошқариш тизими, шу жумладан, риск-аппетит ва таваккалчиликларни бошқариш сиёсатининг ишлаб чиқилиши, уларга риоя этилиши ва уларнинг ўз вақтида янгилаб борилиши устидан назорат қилиш;

банк томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган таваккалчиликларни баҳолаш, шу жумладан, стресс-тест қилиш услубларини даврий равишда кўриб чиқиш;

кенгашга тақдим этиладиган таваккалчиликларга оид маълумотларнинг (ҳисоботларнинг) тузилиши ва шакли ҳамда уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш;

банкнинг таваккалчиликлар соҳаси (риск-профили) тасдиқланган риск-аппетитга мос эмаслиги ёки меъёрдан чиқиб кетиши кутилаётган ҳолатларда, таваккалчиликларнинг камайтирилиши ва улар юзасидан ўз вақтида чоралар кўрилиши бўйича қарорлар қабул қилиш тўғрисида кенгашга таклифлар бериш;

банкнинг мукофотлаш тизими банкнинг риск-аппетитига мувофиқлигини ўрганиб бориш;

таваккалчиликларни бошқариш бўйича таркибий бўлинма томонидан тақдим этиладиган банкда юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар бўйича ҳисоботларни камида ҳар чоракда бир марта

қабул қилиб бориш ва таваккалчиликларни камайитириш бўйича ишларни амалга ошириш;

таваккалчиликларни бошқариш бўйича масъул бўлган ходимларнинг бошқарув ва таваккалчиликларни қабул қилувчи бошқа таркибий бўлинмалардан мустақиллигини баҳолаб бориш;

таваккалчиликларни бошқариш бўйича таркибий бўлинма раҳбарлари фаолиятини баҳолаш жараёнида қатнашиш ёки фикр билдириш;

ўз фаолияти тўғрисида чораклик ҳисоботларни тайёрлаш;

кенгаш томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

22. Банкда юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар бўйича маълумотларни ўзаро алмашиш, шунингдек, таваккалчиликларни бошқариш тизимига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш бўйича чораларни кўриш мақсадида таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси (агар ташкил этилган бўлса) ва аудит қўмитаси ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилиши зарур.

3-§. Мукофотлаш қўмитаси

23. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ички тизими банкнинг таваккалчиликларни қабул қилиш даражасига, узоқ муддатли стратегияни амалга оширишга, риск-аппетитига, молиявий натижаларга, ички назорат тизимига, қонун ҳужжатлари талабларига ва банк ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқлиги бўйича кенгашга ёрдам кўрсатиш ва тавсиялар киритиб бориш мақсадида мукофотлаш қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

24. Мукофотлаш қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

кенгаш ва бошқарув аъзолари ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимларни мукофотлаш бўйича сиёсатни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва уни камида бир йилда бир маротаба қайта кўриб чиқиш;

мукофотлаш сиёсати ҳамда турли хил рағбатлантириш дастурларининг жорий қилиниши ва амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

меҳнатга ҳақ тўлаш ва компенсация қилишга оид қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш;

кенгаш ва бошқарув аъзолари ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимларга мукофот тўловларини белгилашда уларнинг мажбуриятлари ва мос равишда таваккалчиликларни қабул қилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

агарда кенгаш томонидан ушбу вазифа юклатилган бўлса, мукофотлаш сиёсатида акс эттирилган мезонлар асосида кенгаш ва бошқарув аъзолари, шунингдек, муҳим аҳамиятга эга ходимларнинг йил якунлари бўйича фаолиятини дастлабки баҳолашдан ўтказиш, шунингдек, ушбу шахсларнинг узоқ муддатли белгиланган мақсад ва вазифаларга эришганини таҳлил қилиш;

меҳнатга ҳақ тўлаш ва компенсация тизими ички ҳужжатларга мувофиқлигини баҳолаб бориш;

кенгаш томонидан юклатилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

4-боб. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими

25. Банкнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тизими корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш ва таваккалчиликларни бошқариш маданиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

26. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими банкнинг бизнес-режаси, банкни ривожлантириш стратегияси, мақсади ва банк таваккалчиликларини бошқариш сиёсати ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чораларга мувофиқ бўлиши, шунингдек, юқори даражадаги таваккалчиликларни қабул қилишини чеклаши лозим.

27. Кенгаш ёки мукофотлаш қўмитаси (агар мавжуд бўлса) бошқарув томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига риоя қилиш даражасини назорат қилиб боради ва йилига камида бир марта меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг самарадорлигини қайта кўриб чиқади.

28. Бошқарув аъзолари, муҳим аҳамиятга эга ходимлар ва бошқа ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими кенгаш томонидан банк стратегияси, бизнес-режаси, молиявий кўрсаткичлар, пруденциал талаблар ҳамда таваккалчиликларни бошқариш ҳолатидан келиб чиқиб тасдиқланади, бундан тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорлари банк акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатида бўлган ҳоллар мустасно.

Кенгаш аъзоларига тўланадиган ҳақ акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

Таваккалчиликларнинг тегишли ҳисобини юритиш мақсадида таваккалчиликларни бошқариш бўйича таркибий тузилма ва комплаенс-назорат хизмати меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг ишлаб чиқилишида иштирок этади.

29. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими қуйидагиларни қамраб олиши зарур: банк ходимларига мукофот ва компенсация тўловлари миқдори ва тартибини белгилашда ходимларнинг иш фаолиятидаги натижаси, таваккалчиликларни қабул қилиш даражаси, банкнинг таваккалчиликлар соҳаси (риск-профили) ва фаолияти миқёсидан келиб чиқиб белгиланиши;

таваккалчиликларни бошқариш тизими ва ўрнатилган таваккалчилик меъёрлари ҳамда қонун ҳужжатлари талаблари бузилганда, банкнинг ходимлари ва (ёки) коллегиал органлари томонидан қабул қилинган таваккалчиликлар оқибатида йўқотишлар юзага келганда, шунингдек, банк самарасиз ва (ёки) зарар билан фаолият юритаётган ҳолларда компенсация ва рағбатлантириш хусусиятига эга тўловларни бекор қилиш ёки уларнинг миқдорини пасайтириш;

банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан ўрнатилган вазифалар ва кўрсаткичларга эришилмаганда кенгаш томонидан бошқарув ва муҳим аҳамиятга эга ходимларга белгиланган компенсация ва рағбатлантириш хусусиятига эга тўловларни бекор қилиш ёхуд умумий миқдорини камайтириш.

30. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими банкнинг ички сиёсатларида тегишли тарзда ҳужжатлаштирилган бўлиши ва камида қуйидагиларни қамраб олиши лозим:

доимий ва ўзгариб турувчи компенсация ва рағбатлантириш хусусиятига эга тўловларни;

компенсация ва рағбатлантириш хусусиятига эга тўловларнинг энг юқори миқдори;

кенгаш ва бошқарув аъзолари ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар фаолиятини баҳолаш мезонлари;

ўзгарувчан мукофотларни (байрам муносабати билан, ходимни тақдирлаш ва бошқалар) тўлаш тартиби ва муддати.

31. Кенгаш ва бошқарув аъзолари, муҳим аҳамиятга эга ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими акциядорлар учун аниқ, очиқ ва ошкора бўлиши керак.

5-боб. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга доир чоралар

32. Банк ва қуйидаги шахслар ўртасида ўзаро муносабатлар ва алоқалар натижасида манфаатлар тўқнашуви вужудга келиши мумкин:

банк мижозлари;

банк акциядорлари;

кенгаш ёки бошқарув аъзолари;

банк ходимлари;

банкка алоқадор шахслар;

бошқа манфаатдор томонлар (омонатчилар, кредиторлар ва банкдан манфаатдор бўлган бошқа шахслар), шу жумладан, охириги бенефициар мулкдорлар.

33. Кенгаш қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш сиёсатини ишлаб чиқиши, уни амалга ошириш тартибини ўрнатиши ҳамда унинг амалга оширилишини назорат қилиши лозим.

34. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш сиёсати ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи ҳолатлардан четланиш ёки у юзага келган ҳолларда бартараф этиш юзасидан кенгаш аъзоларининг мажбуриятлари;

кенгаш ва бошқарув аъзолари ҳамда бошқа ходимларнинг ўз хизмат вазифасини бажаришида юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини аниқлашда унинг тушунчаси ва шакллари (банкда юзага келадиган ҳолатлардан мисоллар билан);

манфаатлар тўқнашувига олиб келган ёки келтириб чиқариши мумкин бўлган масалаларни кўришда кенгаш ёки бошқарувнинг тегишли аъзолари ўз овозлари билан иштирок этишини чеклаш;

раҳбарлар ва бошқа ходимлар билан вужудга келган ёки келиши мум-

кин бўлган манфаатлар тўқнашувларини назорат қилиш ва олдини олиш механизмлари;

ноқонуний, адолатсиз ёки салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин бўлган махфий маълумотлардан тегишли бўлмаган шахсларнинг фойдаланишини чеклаш тартиби;

манфаатлар тўқнашуви юзага келган ҳолларда қўлланиладиган чоралар ва уни бартараф этиш тартиби;

раҳбарлар ва бошқа ходимлар билан манфаатлар тўқнашуви вужудга келганда ёки эҳтимолий пайдо бўлганда, улар томонидан белгиланган тартибда маълумот тақдим этилмаса, уларга нисбатан қўлланиладиган чоралар.

35. Кенгаш ва бошқарув аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходим лавозимига тайинланган (сайланган) ходимнинг яқин қариндошларининг рўйхати банкнинг электрон базасида шакллантирилиши ва электрон база мунтазам янгиланиб борилиши керак.

36. Банкда юзага келган ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳамда юзага келган салбий ҳолатлар ҳақида маълумотлар базаси шакллантирилиши ҳамда кенгаш ва бошқарувга ушбу маълумотлар базаси асосида даврий равишда ҳисоботлар топшириб борилиши керак.

6-боб. Банк ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари

37. Кенгаш банкда ягона корпоратив маданиятни яратиш мақсадида:

банк фаолияти қонуний ва одоб-ахлоқ қоидалари асосида юритилиши учун корпоратив қадриятлар ва стандартларини ўз ичига олган банкнинг одоб-ахлоқ кодексини қабул қилиши ва уларда белгиланган қоидаларга барча ходимлар, шу жумладан, банкнинг бошқарув органлари томонидан риоя этилишини таъминлаши;

корпоратив қадриятлар ва стандартлари, одоб-ахлоқ кодекси ҳамда банк томонидан ишлаб чиқилган тегишли сиёсатлар барча ходимларга тушунтирилиши ва ижро учун етказилиши устидан назорат қилиши;

номақбул хатти-ҳаракат ва (ёки) қоидабузарликни амалга оширган ходимлар, шу жумладан, банк бошқарувига нисбатан интизомий чоралар қўлланилиши устидан назоратни амалга ошириши лозим.

38. Одоб-ахлоқ кодекси корпоратив бошқарувнинг қуйидаги жиҳатларини ўз ичига олиши лозим:

кенгаш, бошқарув ва бошқа ходимлар учун мажбурий ҳисобланган одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда уларни бузганлик учун тегишли чоралар;

ноқонуний ва номақбул фаолият ёки хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, нотўғри молиявий ва статистик ҳисоботларни тақдим этиш, манипуляция қилиш ёки бунга уриниш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланилган чораларга риоя қилмаслик, шунингдек, инсофсиз рақобат ва коррупция ҳолатларининг тақиқланиши ва улар юзасидан қўрилладиган чоралар;

истеъмолчилар ҳуқуқларини бузиш, шу жумладан, банк хизматларини кўрсатишда мижозларни чалғитишга йўл қўймаслик бўйича талаблар;

кенгаш, бошқарув ва бошқа ходимлар томонидан банкнинг мулкига зарар етказилишининг олдини олиш тартиби;

кенгаш, бошқарув ва бошқа ходимларнинг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий устунликни қўлга киритиш ёки бундай устунликни учинчи шахсларга тақдим этиш учун фойдаланишларига тақиқлар;

коррупция ҳақида хабар бериш механизми;

конфиденциал ахборотни қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш тамойиллари;

ходимларнинг раҳбар ходимлар томонидан ноқонуний, номақбул ёки шубҳали хатти-ҳаракати юзасидан фикрларини етказиш имкониятини яратувчи ва бунда раҳбарларнинг мазкур ходимга нисбатан салбий таъсиридан ҳимоялаш механизми.

39. Одоб-ахлоқ кодексига банк ташкилий тузилмасининг барча поғоналаридаги ходимлари, шу жумладан, кенгаш ва бошқарув аъзолари риязатишлари зарур.

40. Одоб-ахлоқ кодексига кенгаш ва бошқарув аъзолари ҳамда бошқа барча ходимлар ўз фаолиятини одоб-ахлоқ нормалари асосида олиб бориши ҳамда масъулиятни ҳис қилган ҳолда жавобгарликни, жонкуярликни ва содиқликни намоён қилган ҳолда фаолиятини амалга ошириши белгилаб берилиши лозим.

7-боб. Ноўрин хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар қилиш тизими

41. Банкда қонун ҳужжатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракат содир бўлганда, тегишли чораларни ўз вақтида қўриш мақсадида ноўрин хатти-ҳаракатларни аниқлаш ва улар ҳақида хабар беришнинг самарали тизими ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилиши лозим.

Мазкур тизим ходимларга банкда содир бўлган ноўрин ва қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар тўғрисида махфийлик ва хавфсизлик таъминланган ҳолда кенгашни хабардор қилиш имконини яратиши керак.

Ноўрин хатти-ҳаракатлар ҳақида хабардор қилиш тизимининг мақсадлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

эҳтимолий ноўрин хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилишни рағбатлантириш;

ноўрин хатти-ҳаракатлар ҳақида махфий тартибда ва хавфсиз хабар қилиш учун восита (канал) билан таъминлаш;

ноўрин хатти-ҳаракатларга доир хабар юзасидан изчил ва ўз вақтида чора қўрилишини таъминлаш ҳамда хабардор қилувчи шахсларни ўз ҳуқуқлари тўғрисида бохабар қилиш;

кенгаш томонидан ходимлар ноўрин хатти-ҳаракатлар юзасидан махфий тарзда хабар қилишларини белгилувчи қоидаларга риязатилиши устидан тегишли назорат таъминланиши;

банк ва унинг акциядорлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

42. Ноўрин хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар қилиш тизими самарадорлигини таъминлаш мақсадида кенгаш қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

ўз аъзоларидан бирига ёки тегишли қўмитага ноўрин хатти-ҳаракатларга оид хабарларни қабул қилиш вазифасини юклайди;

ноўрин хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар қилиш механизмлари ва улар юзасидан кейинги амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилайди;

ноўрин хатти-ҳаракатларнинг аниқланиши ва ўрганиб чиқилишига оид чоралар кўрилиши устидан назоратни амалга оширади.

43. Хабар қилинаётган (маълум қилинаётган) ахборот эҳтимолий ноўрин хатти-ҳаракатлар содир бўлганлиги ёки содир бўлиши тўғрисида далолат берувчи, текшириш имкони мавжуд бўлган фактларга ёки шарт-шароитларга асосланган бўлиши лозим.

44. Ноўрин хатти-ҳаракатлар ҳақида хабардор қилиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

мансабни суиистеъмол қилиш ёки номақбул хатти-ҳаракат, шу жумладан, фирибгарлик ёки коррупция;

конун ҳужжатлари ва (ёки) банк ички ҳужжатларига риоя этмаслик; номақбул ёки одоб-ахлоқ қоидаларига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракат; ҳуқуқий мажбуриятларга амал қилмаслик;

банк уставига асосан бошқа ҳолатлар.

45. Башарти, маълумот ҳаққоний ва ишончли бўлса, банкнинг ҳар қандай ходими ёки манфаатдор шахс ноўрин хатти-ҳаракатлар юзасидан хабар қилиши лозим.

46. Хабар қилувчи ноўрин хатти-ҳаракатларга доир ўз кузатувлари юзасидан қўйидаги усуллардан бири орқали арз қилиши мумкин:

эҳтимолий ёки амалда содир бўлган қоидабузарлик юзасидан бевосита раҳбарни хабардор қилиш. Бунда, агар хабар қилувчи ўзининг бевосита раҳбарини хабардор қилишни истамаса, у банкда юқорида даражадаги раҳбар лавозимини эгаллаб турувчи шахсни, шу жумладан, кенгашнинг тегишли аъзосини ёки тегишли қўмитани бохабар қилиши мумкин;

кенгашни ёки тегишли қўмитани бевосита ёки билвосита (ички аудит ёки комплаенс-назорат хизмати орқали) ёзма тарзда бохабар қилиш;

ўрнатилган алоқа канали, шу жумладан, электрон почта орқали хабар бериш. Бунда хабар қилиш учун электрон почта манзили банкнинг веб-сайтида аниқ белгиланган бўлиши лозим.

8-боб. Бошқарув фаолияти

47. Бошқарув банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, у банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

48. Бошқарув раиси банк фаолиятини бошқариш ва банк ходимлари устидан назоратни амалга ошириш учун зарур билим, малака ва яхши хулқ-атворга эга бўлиши керак.

49. Бошқарув ўз вазифаларини амалга ошириш доирасида қуйидагилар талаб этилади:

банкнинг стратегик мақсадлари, бизнес-режаси ва корпоратив бошқарувга оид сиёсатда белгиланган вазифаларни амалга ошириши;

ташкилий тузилманинг барча даражаларида кенгаш томонидан тасдиқланган сиёсатларга, тартиб ва лавозим йўриқномасига риоя этиши юзасидан самарали мониторинг тизимини ўрнатиш ва даврий равишда ушбу тизим самарадорлигини текшириши;

бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим ахборотнинг тегишли тарзда тайёрланиши ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминловчи ишончли ахборот тизимларини ўрнатиши;

бизнес-режа кўрсаткичлари ва банк стратегияси бажарилишини баҳолаш имконини берувчи, ўз ичида молиявий ва бошқа фаолиятнинг амалдаги натижаларини акс эттирган ҳисоботларнинг ўз вақтида кенгашга тақдим этилишини таъминлаш;

банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашуви ёки бундай ҳолат юз бериши хавфи ҳамда бизнес-режа, стратегик мақсадлар, таваккалчиликларни бошқариш стратегияси ва риск-аппетитдаги ўзгаришлар, таваккалчилик чегаралари (лимити) ва пруденциал талаблар бузилиши, ички назоратдаги хатоликлар, ҳуқуқий ёки тартибга солиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан кечиктирилмаган тарзда кенгашга хабар бериш;

банкни бошқаришнинг тегишли ва очиқ ташкилий тузилмасини, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида банк ходимлари ўртасида ваколатлар ва мажбуриятлар тақсимланишини таъминлаш;

банк ходимлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

ходимларни, жумладан, бошқарув аъзолари, агар банк уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, муҳим аҳамиятга эга ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш, уларнинг ўзгартирилиши (ротацияси) ва лавозим бўйича кўтарилиш, малакасини ошириш, малакали ходимларни сақлаб қолиш тартибини ишлаб чиқиш, шунингдек, ходимлар ўз мажбуриятлари, одоб-ахлоқ қоидаларини бузган ҳолларда уларга нисбатан чоралар кўриш;

банк устави ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажариши лозим.

50. Бошқарув аъзолари банк манфаатлари йўлида виждонан ва оқилона ҳаракат қилишга мажбур бўлиб, улар қуйидаги фидуциар мажбуриятларга риоя этишлари лозим:

қонун ҳужжатлари, банк устави ҳамда банк акциядорлари умумий йиғилиши ҳамда кенгаш томонидан қабул қилинган стратегия ва сиёсатларни амалга оширишга доир қарорларга риоя этган ҳолда мажбуриятларини ўз ваколатлари доирасида бажариш;

ўзларининг вазифа ва функцияларини амалга ошириши учун ўз ваколатлари доирасида фаолият юритиш;

зарур ва ошкора маълумотни белгиланган муддатларда олиш, улар билан боғлиқ тегишли чора-тадбирларни кўриш ҳамда шахсий малака ва тажрибага таянган ҳолда қарорлар қабул қилиш;

манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармасликка оид талабларга риоя этиш;

банк бошқаруви органлари, шу жумладан, банк акциядорлари умумий йиғилиши ва кенгашга нисбатан тенглик тамойилига риоя этиш;

бенуқсон ишчанлик обрўсига эга бўлиш.

9-боб. Маълумотлар ошкоралиги ва очиқлик

51. Банкни корпоратив бошқариш жараёни унинг манфаатдор томонлари ва бозор иштирокчилари учун шаффоф, очиқ ва ошкора бўлиши керак.

Корпоратив бошқарувнинг очиқлиги ва ошкоралиги деганда манфаатдор томонларга кенгаш ва бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш ва етказиш тушунилади.

Корпоратив бошқарувнинг очиқлигини таъминлаш мақсадида банк ушбу Низом ва қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўзининг расмий веб-сайти ва бошқа ахборот воситаларида жойлаштириб боради.

52. Банклар ва (ёки) банк гуруҳларининг асосий банк томонидан манфаатдор томонларга ошкор этиладиган маълумотлар ва уларни жойлаштириш қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

ишончлилиқ ва аниқлик — банк ёки банк гуруҳи ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумот долзарб, ҳақиқий, таққосланувчи ва ўзгартирилмаган ҳолда ўқиш учун қулай шаклда бўлиши, банк фаолияти ва унинг молиявий ҳолати билан боғлиқ жараёнлар ва фактларнинг амалдаги иқтисодий мазмунини баҳолаш имконини яратиши;

тўлиқлилиқ — манфаатдор томонлар томонидан қарорларни қабул қилиш учун етарли ҳажмда ва аҳамиятга эга бўлиши;

маълумотни олиш эркинлиги — маълумот банк ва (ёки) банк гуруҳи бош ташкилотига тегишли биносиди, расмий веб-сайтида жойлаштирилиши, оммавий ахборот воситаларида чоп этилиши ҳамда манфаатдор томонларнинг мурожаатига кўра тақдим қилиниши орқали ошкор этилаётган маълумотларни эркин, содда ва қулай тарзда етказиш имконининг яратилиши;

ўз вақтида ва даврий равишда тақдим этиш — маълумотлар ўз вақтида ва даврий равишда чоп этилиши;

тезкорлик — банк фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар, ходисалар ва жараёнлар тўғрисидаги муҳим ахборот қисқа муддатларда ошкора этилиши;

банк сири ва маълумот махфийлигини таъминлаш — банк сири, тижорат сири ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа сир сақланиши зарур бўлган маълумотлар ошкора этилмаслиги.

53. Банк маълумотларини очиқ ва ошкор бўлишини таъминлаш мақсадида қуйидаги маълумотларни ўзининг веб-сайтида жойлаштириб бориши зарур:

банкнинг стратегик мақсадлари ва корпоратив кадриятлари;

банк фаолияти тарихи, жумладан, банкни ташкил этиш, қайта ташкил

этиш, қайта номлаш, фаолияти, ўзига хос хусусиятлари ёки йўналиши ўзгарганлигини акс эттирувчи маълумотлар;

банкнинг давлат рўйхатига олинганлиги, банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тўғрисида маълумот (тартиб рақами, берилган санаси, банк операциялари рўйхати), шунингдек, фаолиятини тўхта-тиб туриши, уни тиклаш ҳамда банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томони-дан чақириб олиниши ҳақида (агар бундай ҳолатлар юзага келган бўлса); банк уставининг тўлиқ матни;

банк бош офиси иш тартиби, жойлашган жойи ва контакт маълумотла-ри, шунингдек, банкнинг ҳудудлар (вилоят ва шаҳар) кесимида ташкилий тузилмаси — банк инфратузилмаси (филиал, офис) номи, жойлашган ери, иш тартиби ва маълумот учун телефонлари. Филиал (ёки бошқа инфрату-зилма) фаолияти вақтинчалик тўхтатилиши ёки тугатилиши ҳолатларида, банк веб-сайтининг бош варағида бу ҳақда хабар, яъни ушбу филиал (ёки бошқа инфратузилма) номи ва жойлашган ери, фаолияти вақтинчалик тўхтатили-ши ёки тугатилиши тўғрисидаги тегишли қарор санаси, ушбу ҳодиса юзаси-дан тўлиқ маълумот олиш учун алоқа воситалари ҳамда мижоз бошқа фи-лиалга ёки инфратузилмага мурожаат қилиши ҳақида маълумот;

банк фаолияти, ташкилий ва мулкӣ тузилмаси ҳамда ҳолатига доир ўзгаришларга оид пресс-релизлар ва хабарлар;

банкнинг мулкӣ тузилмаси;

банкка тегишли бўлган банк гуруҳи таркиби ва унинг тузилиши: юри-дик шахслар номи, банк гуруҳи тузилмаси, устав капиталидаги иштироки, номи, жойлашган ери ва бош ташкилотнинг расмий веб-сайти;

банкнинг ички ташкилий тузилмаси;

кенгаш қошида ташкил қилинган барча қўмиталар таркиби, шу жум-ладан, қисқа шаклда маълумот, қўмита аъзоларининг бошқа ташкилотлар-да эгаллаб турган лавозими, малакаси ва иш тажрибаси ҳамда ушбу қўми-таларнинг асосий вазифалари;

кенгаш ва бошқарув аъзолари ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар-нинг таркиби, қисқа шаклдаги шахсий маълумот, эгаллаб турган лавозими, малакаси ва иш тажрибаси;

корпоратив бошқарувга оид ички меъёрий ҳужжатлари: одоб-ахлоқ қоида-лари (стандартлари, кодекси ва бошқалар), маълумотларни ошкор қилиш бўйича банк сиёсати, банкнинг дивидендлар тўлаш сиёсати ва бошқалар;

банкка рейтинг агентликлари томонидан рейтинг тақдим қилинган бўлса, ушбу рейтинг агентликларининг рўйхати, охириги 3 йил ичида олинган рей-тинглари ва улар бўйича рейтинг агентликларининг ҳисоботлари (тушун-тиришлар);

қонун ҳужжатларига мувофиқ расмий веб-сайтида жойлаштирилиши керак бўлган бошқа маълумотлар.

Банкнинг мулкӣ тузилмаси тўғрисидаги ошкор қилинадиган маълумот-лар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

банк устав капиталининг камида беш фоизига бевосита эгалик қилув-

чи акциядорлар ҳақида маълумот, уларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши миқдори, акцияси тури (оддий, имтиёзли), жойлашган жойи (яшаш жойи), фаолият тури (юридик шахслар учун);

банк устав капиталининг камида беш фоизига билвосита эгалик қилувчи акциядорлар ҳақида маълумот, жойлашган жойи (яшаш жойи), фаолият тури (юридик шахслар учун) ва банк акцияларига эгалик қилишига сабаб бўлган бошқа маълумотлар;

охирги бенефициар мулкдор (агар мавжуд бўлса) фамилияси, исми ва шарифи.

10-боб. Яқуний қоида

54. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

312 Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомни, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 943-б

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирази.

Марказий банк раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
12/9-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
25 майдаги 12/9-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2000 йил 24 июнда 472-сон билан тасдиқланган Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 943, 2000 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 27 декабрдаги 30/3-сон «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 943-1, 2009 йил 28 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 5-сон, 50-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 9 апрелдаги 10/4-сон «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 943-2, 2011 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 17-сон, 174-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 14 апрелдаги 11/1-сон «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 943-3, 2012 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 196-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/10-сон «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 943-4, 2015 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 438-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/12-сон «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 943-5, 2019 йил 26 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.02.2019 й., 10/19/943-5/2670-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**313** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузури-
даги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга
ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 майдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 21 декабрдаги 304-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2166, 2010 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 499-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июнь,
157-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 30 июндаги
157-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадан «(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 й., 2-сон, 42-модда) 31-моддасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Олий малака комиссияси давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, нотариус қасамёдини қабул қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларининг (бундан кейинги ўринларда малака комиссиялари деб юритилади) қарорлари устидан берилган апелляцияларни кўриб чиқиш, шунингдек, малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.».

3. 2-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказишда ҳамда нотариус қасамёдини қабул қилишда Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3114, 2019 йил 4 январь) тартибга солинмаган қисми бўйича мазкур Низом қоидалари қўлланилади.».

4. 6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Олий малака комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари, Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси вакиллари, нотариуслар ҳамда адлия органларининг бошқа ходимлари, шунингдек, адвокатлар кирази. Олий малака комиссиясининг таркиби Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланади.».

5. 9-банднинг иккинчи хатбошисидан «шахсий» деган сўз чиқариб ташлансин.

6. 10-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танловда» деган сўзлар «давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 14-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«малака комиссияси қарорини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидаги «фаолиятини тугатиш ва қайта тузиш тўғрисида» деган сўзлар «таркибини ўзгартириш ёки қайта тасдиқлаш бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Нотариус малака комиссиясининг қароридан норози бўлган тақдирда, у йиғилиш баённомаси нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида Олий малака комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

Адлия бошқармаси ёки Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси раҳбари малака комиссиясининг қарори қонунчилик талаблари бузилган ҳолда қабул қилинганлиги ҳақида етарли асосларга эга бўлган ҳолларда Олий малака комиссиясига апелляция киритиши мумкин.».

9. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Апелляция Олий малака комиссиясига нотариус томонидан бевожуба ёки адлия бошқармаси ёхуд Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси орқали юборилади.

Апелляция адлия бошқармаси ёки Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси орқали берилганда, адлия бошқармаси ёки Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси уч кунлик муддат ичида апелляцияни у билан боғлиқ барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда Олий малака комиссиясига юборади.».

10. 19-банддаги «манфаатдор шахсга» деган сўзлар «нотариусга» деган сўз билан алмаштирилсин.

11. 20-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

12. 22-банддаги «ҳамда манфаатдор шахсга» деган сўзлар «нотариусга ҳамда Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 23 ва 28-бандлардаги «манфаатдор шахс» деган сўзлар «нотариус» деган сўз билан алмаштирилсин.

14. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Олий малака комиссиясининг қарорига биноан маълумотномалар тегишли адлия бошқармалари, малака комиссияларига ҳамда Нотариал палатага маълумот учун юборилади.».

15. 27-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**314 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молия-лаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3255*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидаги бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари ҳамда таснифи тасдиқлансин:

мактабгача таълим ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 1-иловага** мувофиқ;

умумий ўрта таълим ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 2-иловага** мувофиқ;

болалар мусиқа ва санъат мактаблари, мактабдан ташқари ташкилотлар бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 3-иловага** мувофиқ;

босқичларга бўлинмаган таълим муассасалари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 4-иловага** мувофиқ;

барча турдаги спорт мактаблари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 5-иловага** мувофиқ;

академик лицейлар, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 6-иловага** мувофиқ;

олий таълим муассасалари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 7-иловага** мувофиқ;

кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 8-иловага** мувофиқ;

илмий-тадқиқот ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 9-иловага** мувофиқ;

таълим соҳасидаги бошқа ташкилотлар бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 10-иловага** мувофиқ;

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

** 1 — 10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

амбулатория хизматлари ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 11-иловага* мувофиқ;

касалхона хизматлари ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 12-иловага* мувофиқ;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 13-иловага* мувофиқ;

бошқа соғлиқни сақлаш ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 14-иловага* мувофиқ;

агросаноат мажмуи, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 15-иловага* мувофиқ;

агросаноат мажмуи, сув хўжалиги ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 16-иловага* мувофиқ;

ветеринария ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 17-иловага* мувофиқ;

вазирлик ва идоралар, бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши (бюджет маблағлари бўйича) тўғрисида ҳисобот 18-иловага* мувофиқ;

вазирлик ва идоралар, бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши (бюджетдан ташқари маблағлар бўйича) тўғрисида ҳисобот 19-иловага* мувофиқ;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 20-иловага* мувофиқ;

ижтимоий кўникма ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот 21-иловага* мувофиқ;

тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши бўйича тоифа кўрсаткичлари таснифи 22-иловага* мувофиқ;

бюджет ташкилотларининг соҳа йўналишлари бўйича типлар таснифи 23-иловага* мувофиқ.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 24-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ 2021 йил 1 январдан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 июнь,
26-сон

* 11 — 23-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2020 йил 12 июндаги
26-сон буйруғига
24-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 14 октябрдаги 79-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2837, 2016 йил 8 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 45-сон, 526-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 17 ноябрдаги 156-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2837-1, 2017 йил 23 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2837-1/0312-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 72-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг 28-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2837-2, 2019 йил 24 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.06.2019 й., 10/19/2837-2/3321-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 22 июлдаги 85-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2837-3, 2019 йил 30 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.07.2019 й., 10/19/2837-3/3489-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

315 Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3256

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 96-моддасига асосан Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор 2020 йил 1 сентябрдан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 1 июнь,
2020-22-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил
1 июндаги 2020-22-сон қарорига
ИЛОВА

**Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ
қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади), Фуқаролик кодекси ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом талаблари бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари ва нотижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.
2. Солиқ қарзи солиқ органи томонидан қабул қилинган қарорга асосан ундирилиши умидсиз деб эътироф этилади ва ҳисобдан чиқарилади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзининг ҳисоби уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган солиқ органи томонидан юритилади.

3. Субсидиар тартибда қўрилган чоралар натижасида солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилгандан кейин ундирилган солиқ қарзи айнан ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзи учун ҳисобга олинади.

2-боб. Ундирилиши умидсиз деб эътироф этиладиган солиқ қарзи

4. Солиқ қарзи қуйидаги ҳолларда ундирилиши умидсиз деб эътироф этилади:

юридик шахс тугатилганда — юридик шахснинг мол-мулки етарли эмаслиги ва (ёки) шу юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда унинг солиқ қарзини узишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли унинг Солиқ кодексининг 91-моддасида назарда тутилган тартибда узилмай қолганда;

якка тартибдаги тадбиркор банкрот деб эътироф этилганда — қарздорнинг мол-мулки етарли эмаслиги сабабли солиқ қарзи (унинг қисми) узилмай қолганда;

жисмоний шахс вафот этганда ёки жисмоний шахс вафот этган деб эълон қилинганда — унинг мол-мулки етарли эмаслиги сабабли, шу жумладан, мерос давлат мулкига ўтган тақдирда, унинг солиқ қарзи Солиқ кодексининг 94-моддасида назарда тутилган тартибда узилмай қолганда;

вафот этган жисмоний шахснинг меросхўри бўлмаганда ёки меросхўр (меросхўрлар) мерос олиш ҳуқуқидан воз кечганда;

солиқ органи солиқ қарзини ундиришнинг белгиланган муддати ўтиши муносабати билан уни ундириш имкониятини йўқотганлиги тўғрисида суд томонидан қарор қабул қилинганда, шу жумладан, суд томонидан солиқ қарзини ундириш тўғрисида ариза беришнинг ўтказиб юборилган муддати-ни тиклашни рад этиш ҳақида ажрим чиқарилганда;

чет эллик юридик шахс солиқ органидан ҳисобдан чиқарилганда, доимий муассасанинг мол-мулки етарли эмаслиги ва Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахс томонидан тўлаш имконсизлиги сабабли солиқ қарзи тўланмаганда.

Мазкур банднинг еттинчи хатбошисига асосан солиқ қарзи ундирилиши умидсиз деб эътироф этилганидан сўнг чет эллик юридик шахслар солиқ органида қайтадан ҳисобга қўйилганда ёки фаолияти тикланганда солиқ қарзи ҳам қайта тикланади.

5. Қуйидагилар солиқ қарзининг ундирилишини умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга:

мазкур Низомнинг 4-банди иккинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатларда, юридик шахс жойлашган ҳудуддаги ёки жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича солиқ органи;

мазкур Низомнинг 4-банди олтинчи ва еттинчи хатбошиларида назар-

да тутилган ҳолатларда солиқ тўловчи ёки солиқ агенти ҳисобда турган жойдаги солиқ органи.

6. Солиқ тўловчи жойлашган жойдаги солиқ органининг солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарори солиқ тўловчининг бошқа ҳудудларда солиқ мажбурияти юзага келган солиқ органлари ёки йирик солиқ тўловчилари бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси (агар қарздор йирик солиқ тўловчи бўлса) томонидан ижро этилиши шарт.

7. Солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор юқори турувчи солиқ органи томонидан нотўғри ҳисобланган солиқ қарзи аниқланган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

3-боб. Солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш

8. Солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор ушбу Низомнинг 9-бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда солиқ органи раҳбари (ўринбосари) томонидан қабул қилинади.

9. Қўйидаги ҳужжатлар солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш учун асос бўлади:

қарздор юридик шахс, чет эллик юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлик таомилларига кўра тугатишга доир иш юритуви тамомланганлиги тўғрисидаги суд ажрими асосида солиқ тўловчини ягона давлат реестридан чиқарилганлиги тўғрисида Давлат хизматлари марказининг маълумотномаси;

чет эллик юридик шахсни солиқ органидан ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқловчи маълумотнома ва тўланмаган солиқ қарзи бўйича мол-мулк етарли эмаслиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига асосан давлат ижросининг қўрилган чоралар натижасиз бўлганлиги ва солиқ қарзини ундириш имконсизлиги ҳақидаги қарори;

қарздор жисмоний шахснинг вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки вафот этган деб эълон қилинганлиги тўғрисидаги суд ажрими, меросхўрларнинг меросдан воз кечганлиги ёки меросхўрларнинг йўқлиги сабабли, меросни эгасиз деб топиш тўғрисида суд қарори;

солиқ органи солиқ қарзини ундиришнинг белгиланган муддати ўтиши муносабати билан уни ундириш имкониятини йўқотганлиги ёки солиқ қарзини ундириш тўғрисида ариза беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклашни рад этганлиги тўғрисида суд қарори.

10. Жисмоний шахснинг вафот этганлиги ҳақида маълумотлар солиқ органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги

Давлат хизматлари агентлиги билан келишилган ҳолда махсус электрон ҳужжат алмашиш тизими орқали ёки солиқ органининг сўрови асосида Давлат хизматлари марказидан олинади.

Вафот этган жисмоний шахснинг яшаш жойидаги солиқ органи ушбу шахснинг меросхўри (меросхўрлари) тўғрисида ахборот олинган пайдан эътиборан бир ой ичида уни (уларни) солиқ қарзи мавжудлиги тўғрисида хабардор қилади.

4-боб. Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш ва ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзларининг ҳисобини юритиш

11. Солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан кейинги иш кунидан кечиктирмай солиқ органи солиқ тўловчининг шахсий карточкасига тегишли ёзув киритади.

Бунда, ушбу ёзувни шахсий карточкага киритиш алоҳида модул орқали амалга оширилади ҳамда солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисида солиқ органи қарорисиз солиқ тўловчининг шахсий карточкасига ёзув киритилиши тақиқланади.

12. Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқаришда ортиқча тўлов юзага келишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг умидсиз деб топилган ёки ундируви меросхўр(лар)-га қаратилган солиқ қарзига ҳисобланган пеня ва жарималар суммаси ундирилиши умидсиз деб эътироф этилади ва ҳисобдан чиқарилади.

13. Ҳисобдан чиқарилган ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзи ҳисоби солиқ органи томонидан махсус электрон дастур орқали олиб борилади ва асос бўлган ҳужжатлар ушбу дастурга электрон кўринишида сақлаб (бириктириб) қўйилади.

14. Ҳисобдан чиқарилган ундирилиши умидсиз солиқ қарзи бўйича ҳужжатлар солиқ органининг қарори қабул қилинган санадан бошлаб беш йил давомида солиқ қарзини ҳисобдан чиқарган солиқ органида алоҳида иш жилдида сақланади.

15. Солиқ органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳамда Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобдан чиқарилган ундирилиши умидсиз солиқ қарзлари тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5 санасига қадар киритиб борилади.

5-боб. Якуний қоида

16. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Умидсиз деб эътироф этилган солиқ
қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ
қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисида
ҚАРОР**

20__ йил «__» _____ -сон _____ шаҳар (туман)

2020 йил _____ ойининг _____ куни _____ шаҳар (туман)
давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (ўринбосари) _____ солиқ
тўловчи _____ (СТИР _____) нинг ун-
дирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш
тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ (ҳужжат тақдим этган ваколатли орган
номи) томонидан тақдим этилган _____ (20__ йил «__»
_____даги ХХ-сон _____ ҳужжат номи) ҳужжат-
лар ўрганиб чиқилганда, солиқ тўловчи _____
(СТИР _____) нинг ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган ____ сўм
_____ тийин солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш учун асослар мавжудлиги
ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ жавоб бериши маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 96-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. _____ (юрidik шахснинг номи, СТИР,
жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР)нинг (СТИР
_____) ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган _____ сўм _____
тийин солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилсин.

2. _____ бўлими (Ф.И.О.) 3 иш куни ичида ҳисобдан
чиқарилган ундирилиши умидсиз солиқ қарзи солиқ тўловчининг шахсий
карточкасида белгиланган тартибда акс эттирилсин.

3. Солиқ қарзини ҳисобдан чиқаришда ортиқча тўлов юзага келишига
йўл қўйилмасин.

4. Мазкур қарор ва унга илова қилинган ҳужжатлар алоҳида очилган
иш жилдида беш йил давомида сақланиши таъминлансин.

_____ давлат солиқ
инспекцияси бошлиғи
(ўринбосари)

М.Ў.

_____ (Ф.И.О.)

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИ ЭКСПОРТ
САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ
БЎЙИЧА ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ
РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

316 Маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

[Кўчирма]

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3257*

Кун тартибидаги масала муҳокама қилинди ва муҳокама яқунларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон қарорида берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида Республика комиссияси **қарор қилди:**

1. Маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Республика
комиссияси раиси**

С. УМУРЗАКОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
24/1-1111-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 июнда эълон қилинган.

Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт
салоҳиятини ривожлантириш масалалари
бўйича доимий фаолият юритувчи республика
комиссиясининг 2020 йил 25 майдаги
24/1-1111-сон қарорига
ИЛОВА

**Маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва
темир йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман
компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ экспорт қилувчи маҳаллий тадбиркорлик субъектларига (уларнинг ваколатли вакилларига) маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш бўйича транспорт харажатларининг 50 фоизгача қисмини Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобидан компенсация қилиб бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги;

воситачилик шартномаси — бир тараф (воситачи) иккинчи тараф (комитент)нинг топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан экспорт шартномалари тузиш орқали комитент маҳсулотларини маълум бир ҳақ эвазига экспорт қилиш бўйича тузилган шартнома;

компенсация — маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизгача қисмини қоплаб бериш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда ҳисобланган, ваколатли орган томонидан экспорт қилувчига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобидан тўлаб бериладиган маблағ;

маҳсулотлар — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон қарори билан тасдиқланган Экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиган маҳсулотлар рўйхатида кўрсатилган маҳсулотлар. Бунда, мазкур рўйхатга Республика ҳудудлари ва тармоқлари

экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссияси қарорлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилиши мумкин;

маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати — маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

субсидия — маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмини экспорт қилувчига компенсация қилиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ваколатли органга ажратиладиган маблағ.

транспорт-экспедиторлик компанияси — экспорт қилувчининг маҳсулотларини автомобиль, темир йўл ёки ҳаво транспорти орқали экспорт қилишда транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатувчи хўжалик субъекти;

транспорт компанияси — экспорт қилувчининг маҳсулотларини автомобиль, темир йўл ёки ҳаво транспортида экспортга ташиш хизматларини кўрсатувчи хўжалик субъекти;

транспорт харажати — экспорт қилувчи томонидан маҳсулотларни автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида (аралаш ёки алоҳида транспортда) экспортга ташиш билан боғлиқ хизматлар учун тегишли шартнома (инвойс)ларга мувофиқ транспорт компанияси ва (ёки) транспорт-экспедиторлик компаниясига тўланган маблағ ёки экспорт қилувчининг ўз балансидаги автомобиль транспортида маҳсулотларни экспортга етказиб бериш бўйича амалга оширган молиявий харажати, бундан денгиз транспортида ташиш харажатлари мустасно;

экспорт қилувчи — Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатига олинган, маҳсулотларни хорижий мамлакатлардаги харидорларга экспорт шартномалари (инвойс)га мувофиқ сотувчи, шунингдек, экспорт ва (ёки) воситачилик шартномаларига биноан юк жўнатувчи тадбиркорлик субъекти, шу жумладан, унинг ваколатли вакили;

2-боб. Компенсация тақдим этиш учун асосий шартлар

3. Ваколатли орган томонидан экспорт қилувчига компенсация тақдим этилиши учун:

экспорт қилувчи Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатига олинган; маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган;

Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош бўлмаган (Афғонистон Ислом Республикасидан ташқари) давлатларга экспорт қилинган маҳсулотлар, бундан тухум ҳамда парранда ғўшти ва маҳсулотлари (ТИФ ТН коди 0407210000, 0207) мустасно;

маҳсулотлар белгиланган тартибда экспорт режимига жойлаштирилган;

экспорт шартномаси (воситачилик шартномаси, инвойс)да Инкотермс шартлари асосида маҳсулотларни етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари экспорт қилувчи зиммасига юкланган ва ушбу харажатлар учун тўловлар экспорт қилувчи томонидан амалга оширилган бўлиши керак.

**3-боб. Компенсация қилиб бериш учун талаб этиладиган
хужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби**

4. Ваколатли орган томонидан транспорт харажатларининг 50 фоизгача қисмига компенсация қилиб бериш бўйича экспорт қилувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш мазкур Низомнинг 1-илоvasида* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Транспорт харажатлари бўйича компенсация олиш учун экспорт қилувчи томонидан ваколатли органга мазкур Низомнинг 2-илоvasида* келтирилган шаклда ариза бериледи. Бунда аризага қуйидаги хужжатлар илова қилиниши лозим:

экспорт шартномаси (инвойс) ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси;

божхона юк декларацияси нусхаси;

маҳсулотларни экспорт қилиш юкхатлари нусхаси;

маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати нусхаси;

экспорт қилувчи билан транспорт компанияси ва (ёки) транспорт-экспедиторлик компанияси ўртасида тузилган маҳсулотларни автомобиль, темир йўл ва (ёки) ҳаво транспортида ташиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома ва у бўйича амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи хужжатлар нусхаси. Экспорт қилувчи маҳсулотларни ўз балансидаги автомобиль транспортида экспортга ташиганда транспорт харажатларини тасдиқловчи ҳисобкитоблар тегишли хужжатлар нусхалари билан тақдим этилади;

маҳсулотлар автомобиль ва (ёки) темир йўл транспортида ташилганда маҳсулотлар экспортга ортилган жойдан экспорт шартномасида кўрсатилган етказиб бериш жойигача бўлган автомобиль йўли ва (ёки) темир йўл масофаси тўғрисидаги маълумотлар.

6. Экспорт қилувчидан ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган хужжатлардан бошқа хужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

7. Экспорт қилувчи томонидан компенсация олиш учун ариза ва тегишли хужжатлар ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилади.

Бунда, экспорт қилувчилар 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида экспорт қилган маҳсулотлари бўйича амалга оширган транспорт харажатларининг 50 фоизгача қисмига компенсация олиш учун ваколатли органга аризалар тақдим этишга ҳақли.

Аризада экспорт қилувчининг электрон манзили кўрсатилганлиги унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилиги ҳисобланади.

8. Компенсация олиш учун ариза ваколатли органга экспорт қилувчи томонидан бевосита тақдим этилаётганда ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган хужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳолатларда ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

* 1-2-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Компенсация олиш учун ариза ваколатли органга экспорт қилувчи томонидан почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, ваколатли орган уч иш куни мобайнида экспорт қилувчига ҳужжатларни тегишли жавоб хати билан ёзма ёки электрон шаклда қайтаради.

10. Ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган аризалар ваколатли орган томонидан етти иш куни давомида кўриб чиқилади.

11. Ваколатли орган экспорт қилувчи ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низомнинг 3-бандидаги шартларга мувофиқлиги нуктаи назаридан ўрганиб чиқади.

12. Ваколатли орган экспорт қилувчи ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ахборот тизимлари, шу жумладан, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ва тегишли органларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги маълумотлар базалари ёрдамида ҳамда сўрономалар юбориб, жавоблар олиш орқали ўрганиб чиқиши мумкин.

13. Экспорт қилувчи аризаси бўйича компенсация бериш юзасидан қарор (хулоса) ваколатли орган томонидан қабул қилинади. Бунда экспорт қилувчининг аризасини кўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

4-боб. Компенсация беришни рад этишнинг асослари

14. Экспорт қилувчига компенсация беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

экспорт қилувчи ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган шартларга ёки уларнинг бирига номувофиқлиги;

экспорт қилувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ушбу Низомда белгиланган тартибда ўрганишлар натижасида ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланган тақдирда.

15. Ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилмаган асосларга кўра экспорт қилувчига компенсация беришнинг рад этилишига йўл қўйилмайди.

16. Экспорт қилувчи компенсация берилишини рад этиш тўғрисида қарор (хулоса) олганда рад этиш асосларини бартараф этган ҳолда компенсация олиш учун ваколатли органга ариза билан қайта мурожаат қилишга ҳақли.

17. Экспорт қилувчи компенсация берилишини рад этиш тўғрисидаги қарордан (хулосадан) норози бўлган тақдирда, шунингдек, ваколатли органнинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**5-боб. Компенсация микдори аниқлаш ва тўловни
амалга ошириш тартиби**

18. Компенсация микдори мазкур Низомнинг 3 — 5-иловаларида* келтирилган субсидияларнинг қатъий белгиланган микдорлари жадвалига мувофиқ маҳсулот тури, ҳажми ва экспорт йўналишидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Мазкур Низомнинг 3 — 5-иловаларига мувофиқ ҳисобланган компенсация микдори экспорт қилувчи амалга оширган ҳақиқий транспорт харажатларининг 50 фоизидан ошиб кетган ҳолатларда компенсация микдори экспорт қилувчи транспорт харажатларининг 50 фоизига тенг бўлади.

Бирок, юқоридаги тартибда ҳисобланган компенсация микдори маҳсулотлар экспорт қийматининг (транспорт харажатисиз):

автомобиль транспортида ташишда 5 фоизидан;

темир йўл транспортида ташишда 7 фоизидан;

ҳаво транспортида ташишда ТИФ ТН коди 07,08, 0904 ва 1202 билан бошланувчи мева-сабзавот маҳсулотларига 12 фоизидан, бошқа маҳсулотларга 6 фоизидан ортиб кетган ҳолатларда компенсация микдори маҳсулот экспорт қийматига (транспорт харажатисиз) нисбатан ушбу белгиланган фоизлардан келиб чиқиб ҳисобланади.

*Мисол учун: Узум маҳсулоти ҳажми 18500 кг, экспорт қиймати — 157 250 000 сўм (8500 сўм/кг), импорт қилувчи давлат — Россия Федерацияси, транспорт харажати — 25 000 000 сўм унинг 50 фоизи 12 500 000 сўм, қатъий белгиланган субсидия микдори 480 сўм/кг Компенсация микдори: қатъий белгиланган субсидия микдори бўйича — $18500 * 480 = 8\,880\,000$ сўм, маҳсулот экспорт қийматига нисбатан (5 фоизи) — $7\,862\,500$ сўм. Демак, тўлаб бериладиган компенсация микдори $7\,862\,500$ сўмга тенг.*

19. Чет эл валютасида тўлов амалга оширилган транспорт харажатлари учун компенсация миллий валютада амалга оширилади. Чет эл валютасида тўлов амалга оширилган транспорт харажатининг миллий валютадаги қиймати экспорт қилувчи томонидан транспорт харажатлари учун тўлов амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тегишли валюта курсига асосан ҳисобланади.

20. Экспорт қилувчилар транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмини компенсация қилиш ваколатли орган томонидан, унинг буюртма-номаларига мувофиқ 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инкирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилган субсидия маблағлари доирасида амалга оширилади.

21. Ваколатли орган ҳар ҳафта якуни бўйича кейинги ҳафтанинг би-

* 3 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ринчи иш кунда экспорт қилувчилар томонидан тақдим этилган аризаларни кўриб чиқиш якунларига мувофиқ экспорт қилувчиларга компенсациялар бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар ажратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига буюртманома тақдим этади.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколатли орган томонидан тақдим этилган буюртманомани олган кундан бошлаб уч иш кунни мобайнида буюртманомада кўрсатилган субсидия маблағларини ваколатли органнинг махсус шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб беради.

Бунда, молия йили якуни бўйича ушбу шахсий ғазна ҳисобварағида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

23. Ваколатли орган махсус ғазна ҳисобварағига тушган субсидия маблағларини икки иш кунни мобайнида ваколатли орган томонидан компенсация берилиши белгиланган тегишли экспорт қилувчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисоб рақамларига ўтказиб беради.

24. Маҳсулотлар консигнация шартномалари асосида экспортга чиқарилганда мазкур Низомга мувофиқ экспорт қилувчига тақдим этилган компенсация тўловлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қарздорлик сифатида эътироф этилади агар:

маҳсулотлар учун тўловлар шартнома ва қонунчиликда белгиланган муддатларда экспорт қилувчига келиб тушмаса;

маҳсулотлар сотилмасдан Ўзбекистон Республикасига қайтариб келинса.

Бунда, экспорт қилувчи шундай ҳолат юз бергандан бошлаб бир ой муддатда тегишли компенсация тўловларини ваколатли органга қайтариши талаб этилади. Ушбу муддатда қайтарилмаган компенсация тўлови қонунчиликда ўрнатилган тартибда ундурувга қаратилади.

25. Компенсация берилган экспорт қилувчиларнинг реестри ваколатли орган томонидан ушбу Низомнинг 6-иловасига* мувофиқ шаклда юритилади.

6-боб. Якуний қоидалар

26. Ваколатли орган томонидан экспорт қилувчига маҳсулотларни экспорт қилишдаги транспорт харажатларини компенсация қилиш учун субсидия маблағлари ажратилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

27. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

317 Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3258*

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 22 майдаги 76-сон «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3164, 2019 йил 7 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2019 й., 10/19/3164/3255-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 8 июнь,
122-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**318 Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг
миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий
захиралар»ни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3259*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 май,
24-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2020 йил 28 майдаги
24-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий
стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар»**

Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ юридик шахсларга (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) мулк ҳуқуқида тегишли бўлган товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Стандарт молиявий инструментлар ҳисобини юритишга нисбатан татбиқ этилмайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

2. Қуйидагилар товар-моддий захиралар ҳисобининг асосий қоидалари ҳисобланади:

тан олиш пайтини аниқлаш, таснифлаш, баланс қийматини баҳолаш;
товар-моддий захиралар таннархига киритиладиган харажатларни аниқлаш, келгусида харажатларни, шу жумладан, товар-моддий захиралар қийматини харажат сифатида тан олиш;

товар-моддий захиралар қийматини реализация қилишнинг соф қийматига қадар камайтириш (баҳолаш);

товар-моддий захираларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш ҳамда молиявий ҳисоботда улар бўйича ахборотни ёритиб бериш тартиби.

3. Мазкур Стандартда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

товар-моддий захиралар — фаолият юритиш жараёнида кейинчалик сотиш мақсадида сақлаб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар;

реализация қилишнинг соф қиймати — товар-моддий захираларни мақсадига кўра ишлатиладиган ҳолатга келтириш ва реализация қилиш бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолда жорий қиймати;

жорий қиймат — маълум бир санада амалда бўлган бозор нархлари бўйича товар-моддий захираларнинг қиймати ёки бир-биридан мустақил, хабардор ва бундай битимни амалга оширишни хоҳловчи тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма;

бевосита харажатлар — алоҳида турдаги товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш) жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда уларнинг бирлиги таннархига тўғридан-тўғри киритиладиган ишлаб чиқариш харажатлари;

билвосита харажатлар — бир неча турдаги товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш) жараёни билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатлари бўлиб, уларни муайян товар-моддий захиралар бирликлари таннархига бевосита киритиб бўлмайди, бунинг оқибатида улар харажатлар объектлари ва уларнинг бирликлари таннархи ўртасида ҳисоб-китоб йўли билан тақсимланади;

бўлиниш нуқтаси — биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда алоҳида турдаги маҳсулотлар аниқ идентификация қилинадиган ишлаб чиқариш жараёнининг муайян пайти;

тара — маҳсулотларни (товарларни) сақлаш, ўраш ва транспортда ташиш учун ишлатиладиган буюмни ифода этувчи моддий объект.

4. Товар-моддий захиралар ташкилотларда:

маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, маъмурий эҳтиёжлар ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар, харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, тара ва тарабоп материал-

лар, эҳтиёт қисмлар, инвентарь ва хўжалик жиҳозлари, бошқа материаллар захиралари;

боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, паррандалар, асалари оилалари, сотиш учун асосий подадан яроқсизга чиқарилган катта ёшдаги чорва моллари, сотиш учун четдан қабул қилинган чорва моллари;

механизм қисмлари, қурилмалар, буюмларга тугалланмаган ишлов берилиши ва уларнинг йиғилиши ҳамда тугалланмаган технологик жараёнлар кўринишида тугалланмаган ишлаб чиқариш. Хизматлар кўрсатувчи ва ишлар бажарувчи ташкилотларда тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қиймати сифатида қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари расмийлаштирилмаган ва ташкилот томонидан тегишли даромад сифатида тан олинмаган тугалланмаган хизматлар (ишлар) бўйича харажатлардан ташкил топади;

ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулот (реализация қилиш учун мўлжалланган ва шартномада ёки қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда бошқа ҳужжатларнинг талабларида назарда тутилган техник ва сифат тавсифларига мувофиқ келадиган ишлов берилиши (бутланиши) тугалланган актив);

бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан харид қилинган (олинган) ва ташкилотнинг одатий фаолияти давомида қўшимча ишлов беришсиз сотиш ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар. Бунда узоқ муддатли активлар объектлари (бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, мулкӣ (мутлак) ҳуқуқлар ва бошқалар) ҳам кейинчалик сотиш ёки қайта сотиш мақсадида харид қилинган ҳолларда товар бўлиб ҳисобланиши мумкин.

5. Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таркибига қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган активлар киритилади:

хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган;

хизмат муддатидан қатъи назар харид қилиш пайтида қиймати бир бирлик (комплект) учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда бўлган активлар. Ташкилот раҳбари ҳисоб сиёсатида активларни инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таркибида ҳисобга олиш учун қийматининг бундан паст чегарасини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

6. Хизмат муддати ҳамда қийматидан қатъи назар инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таркибига қуйидагилар киритилади:

маҳсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни серияли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки яқка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли асбоблар ва мосламалар). Бунда маҳсус асбоблар ва мосламалар таркибига асбоб-ускуналар, штамплар, пресс-шакллар, прокат ўтказувчи валлар, мослама ускуналари моделлари, опоклар, андозалар ва бошқа турли маҳсус асбоблар ва мосламалар киради;

маҳсус ва санитария кийимлари, маҳсус пойабзал. Маҳсус ва санитария кийимлари, маҳсус пойабзал таркибига сақловчи мосламалар, комбинезонлар, костюмлар, курткалар, шимлар, халатлар, жун пўстинлар, ҳар хил пойабзаллар, қўлқоплар, кўзойнақлар, респираторлар, бошқа турли маҳсус ва санитария кийимлари ҳамда маҳсус пойабзал киради;

кўрпа-тўшаклар;
канцелярия ашёлари (калькуляторлар, стол жиҳозлари ва ҳоказо);
ошхона инвентари, шунингдек, ошхона чойшаблари;
барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтинчалик (нотитул) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;

фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;

овлаш қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, тўрлар, жиҳозлар ва ҳоказо).

7. Товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобининг бирлиги захиралар тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш ҳамда уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати устидан лозим даражада назоратни таъминлаш мақсадида ташкилот томонидан мустақил равишда белгиланади. Товар-моддий захираларнинг хусусиятлари, уларни харид қилиш ва улардан фойдаланиш тартибидан келиб чиқиб товар-моддий захираларнинг бирлиги номенклатура рақами, партия, бир турдаги гуруҳ ва ҳоказо бўлиши мумкин.

2-боб. Товар-моддий захираларни тан олиш

8. Товар-моддий захиралар актив сифатида тан олинади, агар:
ташкилотга актив билан боғлиқ келгусидаги иқтисодий наф келишига ишонч мавжуд бўлса;

актив қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса;

уларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтса.

9. Товар-моддий захираларга бўлган мулк ҳуқуқи, улар билан боғлиқ таваккалчилик ва мукофотларнинг ўтиш пайти маҳсулот етказиб бериш (олди-сотди) шартлари келишиладиган маҳсулот етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси асосида белгиланади.

10. Мулк ҳуқуқи ташкилотга тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартларига мувофиқ унинг ихтиёрида бўлган товар-моддий захиралар балансдан ташқари счетларда шартномада назарда тутилган баҳо бўйича акс эттирилади.

11. Товар-моддий захиралар ташкилотнинг бухгалтерия балансига қўйидагилар натижасида киритилиши лозим:

маҳсулот етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш;

таъсисчилардан ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида келиб тушиши;

таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда ташкилотнинг илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушиши;

бепул келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);

айирбошлаш;

узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказиш;

ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни аниқлаш;

илгари берилган товар қарзининг қайтарилиши ёки товар қарзини олиш;
ташкilotнинг ўзида тайёрланиши;

ҳисобот даври охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ҳисобга олинadиган ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

товар-моддий заҳираларга бўлган мулк ҳуқуқи олинishiга олиб келадиган бошқа операциялар ва ҳодисалар.

12. Товар-моддий заҳираларни баҳолаш қўйидаги иккита қийматлардан энг пасти бўйича амалга оширилади:

баланс тузилаётган санадаги таннарх (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи);

баланс тузилаётган санадаги реализация қилишнинг соф қиймати.

13. Бухгалтерия ҳисобида товар-моддий заҳираларнинг тегишли тарзда тан олинган таннархи қонун ҳужжатлари ва мазкур Стандарт билан белгиланган ҳоллардан бошқа ҳолатларда ўзгартирилмайди.

3-боб. Харид қилинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи

14. Товар-моддий заҳиралар ташкilotнинг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади ҳамда улар харид қийматини (етказиб берувчига тўланадиган сумма) ва харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

15. Товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритилadиган харажатларга қўйидагилар киритилади:

божхона божлари ва йиғимлари;

товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқ ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса (ҳисобга олишга қабул қилинмаса));

товар-моддий заҳиралар таъминотчи ва воситачи ташкilotлар орқали харид қилинганда уларга тўланадиган тўловлар (воситачилик ҳақи);

товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган товар-моддий заҳираларни сертификатлаш ва уларни техник шартларга мувофиқ синаш бўйича харажатлар;

товар-моддий заҳираларни тайёрлаш ва уларни айни пайтдаги жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари. Улар тайёрлаш, юклаш-тушириш ишлари ва товар-моддий заҳираларни барча турдаги транспорт билан уларни айни пайтдаги жойлашиш ёки фойдаланиш жойига транспортда ташиш учун (фрахт) тўловларни амалга ошириш бўйича харажатлар, шу жумладан, товар-моддий заҳираларни транспортда ташишда хатарларни суғурталаш бўйича харажатлардан ташкил топади.

Товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига бошқа харажатлар ҳам киритилиши мумкин.

16. Шартномага мувофиқ товар-моддий заҳиралар чегирма билан харид

қилинганда, улар мазкур бандда назарда тутилган тартибда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Харидор томонидан товар-моддий заҳираларни қабул қилиш санасида фойдаланилган чегирмалар, агар тасдиқловчи бирламчи ҳисоб ҳужжатлари мавжуд бўлганда, улар харид қилинган товар-моддий заҳиралари қийматини камайтиришга олиб борилади (сотиб олиш харажатлари таркибига киритилмайди).

Товар-моддий заҳиралари қабул қилинган санадан сўнг уларни харид қилиш бўйича шартнома шартларини бажариш натижасида юзага келган (олинган) чегирмалар, ташкилотнинг молиявий натижаларига олиб борилади ва сотиб олинган товар-моддий заҳиралар қийматини камайтирмайди.

Қўшимча товар-моддий заҳиралар бепул олинганда, агар тасдиқловчи бирламчи ҳисоб ҳужжатлари мавжуд бўлганда, сотиб олинган товар-моддий заҳиралар қиймати барча олинган товар-моддий заҳиралар миқдорига (бепул олинган товар-моддий заҳираларини ҳам ҳисобга олган ҳолда) тақсимлаш орқали уларнинг таннари аниқланади.

Аввал етказиб берилган товар-моддий заҳиралар ҳисобидан қўшимча товар-моддий заҳиралар бепул олинганда, мазкур бандда белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган қўшимча олинган товар-моддий заҳиралар таннари ҳисобот даврининг молиявий натижаларига олиб борилади.

Агарда товар-моддий заҳираларини сотиб олиш пайтида аввалги харид қилинган товар-моддий заҳираларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча товар-моддий заҳиралари бепул олинганда, аввал харид қилинган ва охириги харид қилинган товар-моддий заҳираларига тўғри келадиган қўшимча бепул олинган товар-моддий заҳиралари улушлари аниқланади. Бунда охириги харид қилинган товар-моддий заҳиралари қиймати уларга тўғри келадиган қўшимча бепул олинган товар-моддий заҳиралари улушини ҳисобга олган ҳолда кирим қилинади.

17. Харид қилинган товар-моддий заҳиралар учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш харажатлари, ўтказмалар учун банк комиссияси, товар-моддий заҳираларни чет эл валютасига харид қилишда уни айирбошлаш бўйича комиссия ва бошқа банк хизматлари), товар-моддий заҳираларни харид қилиш бўйича шартномаларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва ёпиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар товар-моддий заҳираларнинг таннарига киритилмайди ҳамда улар юзага келган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинади.

18. Товар-моддий заҳиралар қарз маблағлари ҳисобига харид қилинганда ёки ишлаб чиқилганда қарздан фойдаланганлик учун фоизлар кўринишидаги харажатлар қарз маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман сотиб олинган товар-моддий заҳираларнинг таннарига киритилмайди.

19. Товар-моддий заҳираларни харид қилиш бўйича харажатлар уларнинг юзага келишини тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар асосида белгиланади.

20. Агар шартнома шартларида харид қилинадиган товар-моддий заҳи-

ралар учун тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, улар бухгалтерия ҳисобига тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилмасдан сотиладиган қиймат бўйича кирим қилинади.

Бунда товар-моддий захираларнинг тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилмасдан сотиладиган қиймати билан сотиб олинаётган товар-моддий захиралар бўйича умумий тўлов суммаси ўртасидаги фарқ тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даври мобайнида жорий тўловнинг кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича тўловларнинг умумий суммасидаги салмоқидан келиб чиқиб молиявий харажатлар (фоизлар бўйича харажатлар) сифатида тан олинади.

21. Товар-моддий захираларга қўшимча ишлов бериш ва уларни фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш бўйича ишлар билан боғлиқ харажатлар ташкилотнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган навларга ажратиш, ўраб-жойлаш ва уларни товар кўринишига келтириш бўйича харажатларини ўз ичига олади. Яроқли ҳолга келтириш бўйича ишлар билан боғлиқ бўлган харажатлар товар-моддий захираларнинг таннархига киритилади.

22. Ташкилотнинг транспорт-тайёрлов харажатлари қуйидаги усуллардан бири бўйича ҳисобга олинади ёки харид қилинган товар-моддий захиралар қийматига киритилади:

а) транспорт-тайёрлов харажатларини товар-моддий захиралар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш (шартнома нархига қўшиш, устав капиталига киритилган улушнинг пул баҳосига қўшиш, текинга олинганларнинг жорий қийматига қўшиш ва бошқалар).

Транспорт-тайёрлов харажатларини товар-моддий захиралар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш усули номенклатураси кўп бўлмаган товар-моддий захираларга эга бўлган ташкилотларда, шунингдек, товар-моддий захираларнинг алоҳида турлари ва гуруҳларининг қиймати муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолларда қўлланилиши мумкин;

б) етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатларига биноан транспорт-тайёрлов харажатларини «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» синтетик ҳисобида акс эттириш ва кейинчалик уларни материаллар тури бўйича товар-моддий захиралар таннархига ёки ишлатилишига қараб ишлаб чиқариш харажатларига ёхуд давр харажатларига киритиш.

Транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси алоҳида йиғилади ва товар-моддий захираларнинг тегишли номлари (ушбу транспорт-тайёрлов харажатлари олиб бориладиган партиялар, гуруҳлар) ўртасида тақсимланади.

Алоҳида йиғиладиган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида белгиланган даврга боғлиқ ҳолда давр охиридаги товар-моддий захиралар қолдиғи суммаси ва ушбу даврда чиқиб кетган (ишлатилган, сотилган, бепул берилган ва бошқалар) товар-моддий захиралар суммаси ўртасида тақсимланади.

Чиқиб кетаётган товар-моддий захираларга тегишли бўлган транспорт-тайёрлов харажатлар суммаси чиқиб кетган товар-моддий захиралар қий-

матидан транспорт-тайёрлов харажатларининг ўртача фоизини ҳисоблаш орқали аниқланиб, ушбу товар-моддий захираларнинг чиқиб кетиши акс эттирилган бухгалтерия ҳисоби счетлари билан боғланган счетларида акс эттирилади. Транспорт-тайёрлов харажатларининг ўртача фоизи давр бошидаги транспорт-тайёрлов харажатлари қолдиғи ва давр ичида қилинган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаларини давр бошидаги товар-моддий захиралар қолдиғи ва давр ичида келиб тушган товар-моддий захиралар суммасига бўлиш билан аниқланади.

Транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олишнинг қўлланиладиган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

23. Харид қилинган товар-моддий захираларнинг таннархи қопланадиган (ҳисобга олишга қабул қилинадиган) солиқларни чегирган ҳолда шартномага ёки уларнинг харид қилинганлиги, ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқ етказиб берувчига (сотувчига) тўланадиган сумма ҳамда унга мазкур Стандартнинг 15-бандида назарда тутилган товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қўшган ҳолда аниқланади.

24. Чет эл валютасида харид қилинган товар-моддий захираларнинг таннархи мазкур Стандартнинг 15-бандида назарда тутилган товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган тегишли харажатларни қўшган ҳолда, уларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатларида (товарнинг кузатув ҳужжатлари ёки божхона юк декларациясида) кўрсатилган қийматидан келиб чиқиб, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасидаги Марказий банк курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан сўмда белгиланади.

25. Ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида олинган товар-моддий захираларнинг таннархи, агар қонун ҳужжатларида бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, ташкилот таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан келишилган қиймат асосида аниқланади.

Агар ташкилот томонидан товар-моддий захиралар устав капиталига улуш сифатида олинаётганда мазкур Стандартнинг 15-бандида назарда тутилган харажатлар мавжуд бўлса, товар-моддий захираларнинг таннархи ушбу харажатлар суммасига оширилади.

26. Таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда ташкилотнинг илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушган товар-моддий захираларнинг таннархи, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, ташкилот таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулда ифодаланган баҳосида аниқланади.

Агар ташкилот томонидан товар-моддий захиралар таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланишида ташкилотнинг илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган таъсис улуши қайтарилишида олинаётганда мазкур Стандартнинг 15-бандида назарда тутилган харажатлар мав-

жуд бўлса, товар-моддий заҳираларнинг таннархи ушбу харажатлар суммасига оширилади.

Олинаётган товар-моддий заҳираларнинг қиймати бошқа ташкилотнинг устав капиталидаги таъсис улуши бўйича қарз суммасидан юқори бўлган ҳолларда, фарқ таъсисчилар таркибидан чиқиб кетаётган таъсисчи томонидан қопланади.

Бошқа ташкилотнинг устав капиталидаги таъсис улуши бўйича қарз суммаси олинаётган товар-моддий заҳираларнинг қиймати юқори бўлган ҳолларда, фарқ бераётган ташкилот томонидан қопланади.

27. Ташкилот томонидан бепул (ҳада шартномаси бўйича) олинган ҳамда асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетиши натижасида олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Агар ташкилот томонидан товар-моддий заҳиралар бепул (ҳада шартномаси бўйича) ёки асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетиши натижасида олинаётганда мазкур Стандартнинг 15-бандида назарда тутилган харажатлар амалга оширилса, товар-моддий заҳираларнинг таннархи ушбу харажатлар суммасига оширилади.

28. Товар-моддий заҳиралар худди шундай товар-моддий заҳираларга айирбошлаш йўли билан олинган ҳолларда, уларнинг таннархи берилган товар-моддий заҳираларнинг баланс қийматига тенг бўлади.

Товар-моддий заҳиралар худди шундай бўлмаган товар-моддий заҳираларга айирбошлаш йўли билан олинган ҳолларда, уларнинг таннархи берилган товар-моддий заҳираларнинг жорий қийматига тенг бўлади.

Товар-моддий заҳиралар қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи берилган товар-моддий заҳираларнинг айирбошланишда ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) жорий қийматига тенг бўлади.

29. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутилган шартномалар бўйича олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи деб ташкилот томонидан берилган ёки берилиши лозим бўлган активларнинг жорий қиймати ёки бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг жорий қиймати бўйича тан олинади.

Ташкилот томонидан берилган ёки бериладиган активларнинг қийматини белгилаш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажаришни назарда тутадиган шартномалар бўйича ташкилот томонидан олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи худди шундай товар-моддий заҳиралар харид қилинадиган жорий қийматдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Агар ташкилот томонидан товар-моддий заҳиралар айирбошлаш йўли билан олинаётганда мазкур Стандартнинг 15-бандида назарда тутилган харажатлар амалга оширилса, уларнинг таннархи ушбу харажатлар суммасига оширилади.

30. Ташкилот томонидан бошқа шахслардан қайта сотиш учун харид қилинган товарлар харид қиймати бўйича ҳисобга олиниши мумкин. Бунда мазкур Стандартнинг 15-бандида назарда тутилган товарларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар улар юзага келган ҳисобот даврида ташкилотнинг давр харажатларига (сотиш бўйича) киритилади.

Моддий жавобгар шахсларнинг фаолияти устидан тегишлича назорат ўрнатиш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш билан шуғулланувчи ташкилотларга устамаларни (чегирмаларни) бухгалтерия ҳисоби счетларида алоҳида ҳисобга олган ҳолда, харид қилинган товар-моддий заҳираларни ҳисобда сотиш қиймати бўйича акс эттирилишига рухсат берилади.

Товар-моддий заҳираларни ҳисобга олишнинг қўлланиладиган тартиби ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилади.

31. Узоқ муддатли активлар таркибидан товар-моддий заҳиралар таркибига ўтказилган активларнинг таннархи ушбу узоқ муддатли активларнинг баланс (қолдиқ) қиймати бўйича белгиланади.

32. Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий заҳираларининг таннархи улар аниқланган санадаги жорий қийматдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

33. Битта умумий суммага харид қилинган барча товар-моддий заҳиралардан ҳар бирининг таннархи ушбу суммани алоҳида товар-моддий заҳиранинг жорий қийматига мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан аниқланади.

4-боб. Ташкилотда ишлаб чиқарилган товар-моддий заҳираларнинг таннархи

34. Ташкилотнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган (тайёрланадиган) товар-моддий заҳираларнинг таннархи сифатида уларнинг ишлаб чиқариш таннархи тан олинади.

Товар-моддий заҳираларнинг ишлаб чиқариш таннархига уларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш сифатидаги харажатлар киритилади. Бунда ушбу харажатларга қуйидагилар кирилади:

бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

35. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар бўйича гуруҳларга ажратилади:

ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

ишлаб чиқаришга мўлжалланган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

36. Реализация харажатлари, ташкилотни бошқариш бўйича умумий харажатлар (маъмурий харажатлар), бошқа операцион харажатлар, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда зарарлар маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди.

5-боб. Товар-моддий захираларнинг таннархини аниқлаш усуллари

37. Товар-моддий захиралар (маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархини аниқлаш усуллари уларнинг тури, ишлаб чиқариш тури, унинг мураккаблиги, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги, ишлаб чиқаришнинг давомийлиги, товар-моддий захиралар номенклатурасига боғлиқдир. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархини аниқлашнинг асосий усуллари бўлиб оддий, меъёрий, буюртмали, босқичли усуллар ҳисобланади, савдо ташкилотларида эса харажатларни инвентарь баҳолаш усули қўлланилиши мумкин.

38. Таннархни аниқлашнинг оддий усули бир турдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарадиган ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришга эга бўлмаган ташкилотларда қўлланилади.

Ушбу усул қўлланилганда ҳисобот давридаги барча ишлаб чиқариш харажатлари барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархи ишлаб чиқариш харажатлари суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бирликларининг умумий миқдорига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

39. Таннархни аниқлашнинг меъёрий усули хом ашё, материаллар, меҳнат ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишнинг белгиланган меъёrlари бўйича харажатларни ҳисобга олишга асосланган.

Меъёрлар вақти-вақти билан таҳлил қилиниб турилади ва зарур ҳолларда жорий шарт-шароитларга мувофиқ қайтадан кўриб чиқилади.

40. Таннархни аниқлашнинг буюртмали усули якка тартибдаги ва кўп серияли бўлмаган ишлаб чиқаришга эга бўлган ташкилотларда қўлланади, бунда ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулотга (ишга, хизматга) (бир хилдаги маҳсулотлар гуруҳига) доир алоҳида буюртмалар бўйича идентификацияланади ва ҳисобга олинади. Буюртманинг объекти бўлиб маҳсулот (иш, хизмат), бир хилдаги маҳсулот (иш, хизмат)нинг майда туркумлари ёки таъмирлаш, монтаж ва экспериментал ишлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёни узоқ давом этадиган йирик маҳсулотларни тайёрлашда буюртмалар яхлит маҳсулотга эмас, балки унинг тугалланган конструкцияларга эга бўлган алоҳида агрегатлари, узелларига берилиши мумкин.

Таннархни аниқлашнинг ушбу усулида барча харажатлар буюртманинг яқунланишига қадар тўлалигича тугалланмаган ишлаб чиқариш деб ҳисобланади.

Буюртма бирлигининг таннархи унинг бажарилиши (маҳсулот ишлаб

чиқарилиши, ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилиши) тугаллангандан кейин аниқланади.

Буюртма бўйича харажатларнинг бутун суммаси унинг таннархини ташкил қилади.

Агар ушбу буюртма бир хилдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) туркумидан иборат бўлса, маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархи мазкур буюртма бўйича харажатлар суммасини маҳсулот бирликлари миқдорига бўлиш орқали аниқланади.

Буюртмалар қисман бажарилиб, улар буюртмачиларга топширилганда қисман ишлаб чиқариш таннархи уларнинг конструкциялари, технологиялари, ишлаб чиқариш шарт-шароитларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда илгари бажарилган буюртмаларнинг таннархи бўйича баҳоланади.

41. Таннархни аниқлашнинг босқичли усули бошланғич хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор босқич, фаза, поғоналардан ўтадиган ташкилотларда қўлланади. Ушбу усулда аввал барча маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи, сўнгра унинг бирлиги таннархи аниқланади.

Босқичли усул ташкилотнинг тармоққа мансублигига боғлиқ ҳолда ярим тайёр маҳсулотли ва ярим тайёр маҳсулотсиз турларда амалга оширилиши мумкин.

Ярим тайёр маҳсулотли турда ҳар бир босқич бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоблаб чиқарилади ҳамда у аввалги босқичлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар) таннархи ва мазкур босқич бўйича харажатлардан иборат бўлади. Охирги босқич маҳсулотининг таннархи барча тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисобланади.

Ярим тайёр маҳсулотсиз турда фақат охирги босқич бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоблаб чиқарилади. Бунда харажатлар аввалги босқичлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар) таннархини ҳисобга олмасдан, ҳар бир босқич бўйича алоҳида ҳисобга олинади. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига барча алоҳида босқичлар бўйича уни ишлаб чиқариш харажатлари киритилади.

42. Бир технологик жараёнда битта хом ашё ва материаллардан турли хилдаги, улардан ҳар бири ўзининг сотиш нархига эга бўлган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилганда ушбу турдаги маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) деб ҳисобланади.

Асосий маҳсулотни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган ва сотиш қиймати асосий маҳсулотга (ишларга, хизматларга) қараганда ўта паст бўлган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) деб ҳисобланади.

Биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни (ишларнинг, хизматларнинг) тақсимлаш нуқтасига етгунга қадар турли хилдаги маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сифатида идентификация қилиш мумкин эмаслиги уларнинг қўшимча маҳсулотдан (ишлардан, хизматлардан) фарқи ҳисобланади.

43. Биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишларнинг, хиз-

матларнинг) сотиш қийматини бўлиниш нуқтасида аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини бўлиниш нуқтасида тақсимлаш қуйидаги усуллардан бири орқали амалга оширилади:

натура кўрсаткичларидан фойдаланиш усули;

бўлиниш нуқтасидаги реализация қилиш қиймати асосидаги усул.

44. Натура кўрсаткичларидан фойдаланиш усулида бўлиниш нуқтасига қадар қилинган харажатлар асосий маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳар бир турига унинг натура кўрсаткичларида фойдаланган ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

Бўлиниш нуқтасидаги реализация қилиш қиймати асосидаги усулда бўлиниш нуқтасига қадар қилинган харажатлар асосий маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳар бир турига уни реализация қилишдан қутилаётган тушум умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

45. Биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) алоҳида турлари кейинги қайта ишлов беришга ўтказилган ҳамда бўлиниш нуқтасида уларни сотишнинг жорий қийматини (реализация қилиш қийматини) аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ишлаб чиқариш харажатларини бўлиниш нуқтасида биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари ўртасида тақсимлаш қуйидаги усуллардан бири орқали амалга оширилади:

реализация қилишнинг соф қиймати усули. Ушбу усулда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари бўйича харажатлар уларни реализация қилишнинг соф қийматига мутаносиб равишда тақсимланади;

реализация қилишдан ялпи фойданинг доимий улуши усули. Ушбу усулдан фойдаланилганда харажатлар ҳар бир алоҳида маҳсулот (ишлар, хизматлар) учун умумий ялпи фойданинг фоиз улуши бир хил бўлиши ҳамда умумий ялпи фойда кўрсаткичига тенг бўлиши керак. Ялпи фойданинг фоиз улуши биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турларининг умумий таннархини ушбу маҳсулот турларини сотишдан тахмин қилинган умумий тушумдан чиқариб ташлаб, сўнгра фойда миқдорини сотишдан тахмин қилинган умумий тушумдан фоиз кўринишида акс эттириш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

46. Агар ишлаб чиқаришнинг бир технологик жараёнида бир вақтнинг ўзида бир қанча турдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) чиқиб, маҳсулотлардан (ишлар, хизматлар) бири ёки бир қанча тури асосий (мақсадли) турга тегишли бўлса, унда қолган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари қўшимча маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сифатида қаралиши мумкин.

Асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини аниқлашда қўшимча маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) жорий қиймати ёки реализация қилишнинг соф қиймати ишлаб чиқариш жараёнларининг умумий харажат-

ларидан чегирилади, харажатларнинг қолган қисми эса асосий маҳсулотга (ишларга, хизматларга) тегишли бўлади.

47. Маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшимча турларини ҳисобга олиш қуйидаги усуллардан бири бўйича амалга оширилади:

қўшимча маҳсулотни (ишларни, хизматларни) ҳақиқатда реализация қилиш;

қўшимча маҳсулотни (ишларни, хизматларни) ҳақиқатда ишлаб чиқариш.

Қўшимча маҳсулотни (ишларни, хизматларни) ҳақиқатда реализация қилиш усулида жорий даврда сотилган асосий маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи қўшимча маҳсулотни (ишларни, хизматларни) ҳақиқатда реализация қилиш (реализация қилишнинг соф) суммасига камайтиради.

Қўшимча маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сотилмаган захиралари қолдиги бўлиниш нуқтасидан кейин қўшимча маҳсулотларни кейинги қайта ишланишига қилинган харажатлар суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинади. Қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) қолдигини ҳақиқатда реализация қилиш (реализация қилишнинг соф) суммаси қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинганда тан олинади;

Қўшимча маҳсулотни (ишларни, хизматларни) ҳақиқатда ишлаб чиқариш усулидан фойдаланилганда асосий маҳсулотни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқаришда сарфланган харажатлар ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) барча миқдорининг реализация қилишнинг соф суммасига дарҳол камайтиради. Сотилмаган қўшимча маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қолдиги реализация қилишнинг соф қиймати бўйича ҳисобга олинади.

48. Ишлаб чиқариш тармоғининг хусусиятларидан келиб чиқиб, товар-моддий захиралар, шу жумладан, қўшимча маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг қўлланадиган усуллари ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

6-боб. Реализация қилишнинг соф қиймати

49. Товар-моддий захиралар, агар реализация қилишнинг соф қиймати уларнинг таннархидан паст бўлса, реализация қилишнинг соф қиймати бўйича акс эттирилади. Реализация қилишнинг соф қиймати товар-моддий захираларнинг ҳар бир бирлиги (тури) бўйича аниқланади.

50. Реализация қилишнинг соф қийматини аниқлаш мақсадида даврий равишда товар-моддий захиралари қайта баҳоланади ва уларнинг қиймати жорий қийматга мувофиқлаштирилади.

51. Товар-моддий захиралар уларнинг алоҳида birlikлари таннархини қайта баҳолашни ўтказиш санасида шаклланган ўхшаш баҳоланадиган товар-моддий захираларнинг ҳужжат билан тасдиқланган жорий қийматлари бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан қайта баҳоланади.

Қайта баҳолаш ташкилот томонидан мустақил равишда ёки қонун ҳуж-

жатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилотни жалб этиш орқали амалга оширилади.

52. Товар-моддий захиралар бирлигининг жорий қийматини ҳужжатли тасдиқлаш учун ташкилотнинг ихтиёрига кўра қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржаларидан ёзма шаклда олинган товар-моддий захиралар ўхшаш бирлигининг жорий қиймати (нархи) тўғрисида маълумотлар;

харид қилиш санасида (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганида) чет эл валютасида товар-моддий захиралар бирлигининг таннархи тўғрисида маълумотлар, бунда чет эл валюталари курсларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайта баҳолашни ўтказиш санаси ва товар-моддий захираларнинг тегишли бирлигини харид қилиш санасида белгиланган миллий валютага (сўмга) нисбати сифатида аниқланадиган ҳисоб-китоб коэффиценти қўлланилади;

тегишли давлат органларидаги мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда чоп этилган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

баҳоловчининг товар-моддий захиралар тегишли бирлигининг жорий қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.

53. Товар-моддий захиралар, агар улар шикастланган, тўлиқ ёки қисман эскирган ёки уларни реализация қилишнинг соф қиймати пасайган бўлса, шунингдек, тан олинган бутлаш харажатлари, захираларни товар кўринишига келтириш бўйича ишлар ёки мўлжалланган сотиш харажатлари ошган бўлса товар-моддий захираларнинг қиймати арзонлаштирилади.

Товар-моддий захираларни реализация қилишнинг соф қийматига қадар таннархдан паст арзонлаштириш уларнинг ҳаддан ташқари тўпланиши ва секин айланувчанлиги ҳолларида товар-моддий захиралар молиявий ҳисоботда уларни реализация қилиш ёки ишлатишдан кутиладиган суммадан юқори акс этирилмаслиги учун қўлланилади.

54. Товар-моддий захиралар одатда моддалар бўйича усул асосида реализация қилишнинг соф қийматига қадар арзонлаштирилади.

Бунда бир турдаги ёки ўзаро боғланган товар-моддий захираларни гуруҳлашдан, хусусан, маҳсулотнинг биргина ассортиментида тааллуқли бўлган, бир хил вазифа ёки пировардда бир хил ишлатишга эга бўлган, биргина географик ҳудудда ишлаб чиқариладиган ёки биргина географик ҳудуддаги бозорга чиқариладиган, маҳсулотнинг ушбу ассортиментида бошқа материаллардан амалда алоҳида баҳоланиши мумкин бўлмаган товар-моддий захиралардан фойдаланиш мумкин.

Товар-моддий захираларни муайян тармоқ ёки биргина географик ҳудуддаги тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки товар-моддий захираларга таснифлашга асосланиб арзонлаштирилмайди.

55. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган

хом ашё ва бошқа материаллар, агар улардан тайёрланган маҳсулот жорий қийматда сотилса, таннархдан паст қилиб арзонлаштирилмайди.

Агар материаллар нархининг тушиши муносабати билан тайёр маҳсулот нархи пасайтирилса, яъни ушбу материаллардан тайёрланган тайёр маҳсулотнинг таннархи мазкур тайёр маҳсулотни реализация қилишнинг соф қийматидан ошса, материаллар қиймати камайтиради.

Бунда, реализация қилишнинг соф қийматини баҳолашнинг энг ишончлиси бўлиб уларга ўхшаш материалларни сотиб олиш харажатлари ҳисобланади.

56. Товар-моддий захиралар таннархининг ушбу товар-моддий захираларни реализация қилишнинг соф қиймати суммасидан ошадиган суммаси, яъни қайта баҳолаш натижасида товар-моддий захираларнинг арзонлашиш суммаси у юзага келган ҳисобот даврининг харажатларига киритилади.

57. Ҳар бир кейинги даврда реализация қилишнинг соф қийматини янгидан қайта баҳолаш ўтказилиши мумкин.

Иқтисодий ҳолатнинг ўзгарганлиги сабабли ташкилотга тегишли бўлган илгари қиймати пасайтирилган товар-моддий захиранинг реализация қилишнинг соф қиймати ошган ҳолда тегишли ҳисобдан чиқариш суммаси янги баланс қийматини мазкур Стандартнинг 55-бандида назарда тутилган тартибда қуйидаги икки қийматнинг энг камига қадар келтириш орқали тикланади (тиклаш дастлабки ҳисобдан чиқариш миқдорлари билан чекланган):

таннарх;

қайта кўриб чиқилган реализация қилишнинг соф қиймати.

7-боб. Товар-моддий захираларнинг чиқиб кетиши

58. Чиқиб кетаётган товар-моддий захираларнинг қиймати чиқиб кетиш факти аниқланган пайтда балансдан ҳисобдан чиқарилади. Товар-моддий захиралар ташкилотнинг балансидан:

реализация қилиш;

бошқа ташкилотнинг устав капиталига таъсис улуши кўринишида бериш;

таъсисчининг таъсисчилар таркибидан чиқишида ёки тугатилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкани унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаётганда илгари ташкилотнинг устав капиталига киритилган улушни таъсисчига қайтариш;

бепул бериш;

айирбошлаш;

сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш (йўқ қилиш);

камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) аниқланиши;

товар қарзи кўринишида тақдим этиш ёки илгари олинган товар қарзини қайтариш;

бошқа операциялар ва ҳодисалар натижасида ҳисобдан чиқарилади.

59. Товар-моддий захираларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа

(фойда ёки зарар) уларнинг чиқиб кетишидан олинган даромаддан уларнинг баланс қиймати ва чиқиб кетиши билан боғлиқ билвосита солиқларни чегириш орқали аниқланади.

60. Чиқиб кетаётган товар-моддий заҳираларнинг таннархи харажат сифатида улар билан боғлиқ даромад олинган ҳисобот даврида тан олинади.

Чиқиб кетиш муносабати билан товар-моддий заҳираларни исталган ҳисобдан чиқариш суммаси ва уларга доир барча зарарлар ҳисобдан чиқариш юз берган ёки зарар етказилган ҳисобот даври мобайнида харажат сифатида ҳисобга олиниши керак. Реализация қилишнинг соф қийматини ошириш натижасида юзага келадиган, илгари ҳисобдан чиқарилган товар-моддий заҳираларнинг қийматини тиклаш суммаси ошиш юз берган ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинган, чиқиб кетган (шу жумладан, реализация қилинган) товар-моддий заҳиралар таннархининг пасайиши сифатида тан олинади.

61. Савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари томонидан товар-моддий заҳиралар ҳисоби сотиш қиймати бўйича юритилганда сотилган товар-моддий заҳиралар таннархи сотилган товар-моддий заҳираларнинг сотиш қиймати билан уларга тўғри келувчи савдо устамаси суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Сотилган товар-моддий заҳираларга тўғри келувчи савдо устамасининг суммаси сотилган товар-моддий заҳираларнинг сотиш қиймати (товар айланмаси) ва савдо устамасининг ўртача фоизи кўпайтмаси сифатида аниқланади.

Савдо устамасининг ўртача фоизи ҳисобот даври бошидаги савдо устамаларининг қолдиғи ва ҳисобот даврида келиб тушган товар-моддий заҳиралар бўйича савдо устамалари суммасини ҳисобот даври бошида товар-моддий заҳиралар қолдиғининг сотиш қиймати ва ҳисобот даврида олинган товар-моддий заҳираларнинг сотиш қиймати суммасига бўлиш йўли билан аниқланади.

62. Товар-моддий заҳиралар қолдиқлари ва чиқиб кетаётган (ишлаб чиқаришга берилган) товар-моддий заҳиралар қийматини аниқлаш қўйидаги усуллардан бири орқали амалга оширилади:

тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи бўйича;

ўртача тортилган қиймат бўйича (AVECO);

товар-моддий заҳиралар харид қилинган вақт бўйича дастлабки заҳиралар таннархи бўйича (ФИФО).

63. Товар-моддий заҳираларнинг ҳар бир гуруҳи (тури) бўйича ҳисобот йили мобайнида қийматни аниқлашнинг фақат бир усули қўлланади. Товар-моддий заҳираларнинг гуруҳи (тури) бўйича қийматни аниқлаш усулларида бирини қўллаш, ҳисоб сиёсатини қўллашда йўл қўйилган изчилликдан келиб чиқиб амалга оширилади.

64. Ташкилот томонидан алоҳида тартибда фойдаланиладиган (қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ва ҳоказо) ва бир-бирининг ўрнини босмайдиган (алмаштирилмайдиган), шунингдек, махсус лойиҳалар учун

ишлаб чиқарилган ва мўлжалланган (ишлатиладиган) товар-моддий заҳиралар тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи усули бўйича баҳоланади.

Мазкур усулда ўзига хос харажатлар муайян товар-моддий заҳираларга олиб борилади ҳамда товар-моддий заҳиралар сотиб олинганлиги ёки ишлаб чиқарилганлигидан қатъи назар махсус лойиҳалар учун мўлжалланган маҳсулотлар учун қўлланилади.

65. Ўртача тортилган қиймат (AVECO) усули бўйича товар-моддий заҳиралар ҳар бир бирлигининг қиймати давр бошида айнан бир хил бирликларнинг ўртача тортилган қиймати ва давр мобайнида харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган айнан бир хил бирликларнинг қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

Товар-моддий заҳиралар ҳар бир бирлиги қийматини ўртача тортилган қиймат (AVECO) усули бўйича аниқлаш давр бошидаги товар-моддий заҳиралар қолдигининг таннархи ва миқдори ҳамда ушбу давр мобайнида келиб тушган товар-моддий заҳираларнинг таннархи ва миқдоридан шаклланадиган, айнан бир хил бирликларнинг умумий таннархини уларнинг умумий миқдорига бўлиш йўли билан амалга оширилади. Ўртача қиймат ташкилот томонидан танланган усулга қараб даврий ёки товар-моддий заҳираларнинг ҳар бир янги партияси келиб тушишига кўра ҳисоблаб чиқарилиши мумкин.

66. Товар-моддий заҳиралар харид қилинган вақт бўйича дастлабки заҳиралар таннархи (ФИФО) усули бўйича товар-моддий заҳираларнинг чиқиб кетаётган бирликлари таннархига биринчи навбатда харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган заҳираларнинг қиймати киради, давр охиридаги товар-моддий заҳиралар қиймати эса охириги бўлиб харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган заҳиралар бирликларининг умумий қийматидан ташкил топади.

67. Ҳисобот даври охирида товар-моддий заҳиралар қийматини аниқлаш уларнинг чиқиб кетишида товар-моддий заҳиралар қийматини аниқлашнинг қабул қилинган усулига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Товар-моддий заҳираларнинг чиқиб кетишида уларнинг қийматини аниқлашнинг қўлланиладиган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

8-боб. Инвентарь ва хўжалик жиҳозларини ҳисобга олиш хусусиятлари

68. Инвентарь ва хўжалик жиҳозларини фойдаланишга топширишда уларнинг қиймати вазифасига қараб ишлаб чиқариш харажатларига ёки давр харажатларига тўлиқ ҳисобдан чиқарилиб, кейин ташкилот томонидан оддий шакл бўйича (бир томонлама тартибда), таннархи бўйича номлар (номенклатура рақамлари) ёки гуруҳлар (йириклаштирилган комплектлар) кесимида тезкор миқдорий ҳисоб юритилади, бунда фойдаланишга келиб тушиш санаси (ой, йил), фойдаланиш жойи (бўлинмалар бўйича)

ва улардан фойдаланиш муддати мобайнида моддий жавобгар шахслар кўрсатилади.

69. Агар инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг қиймати бир бирлик (комплект) учун харид қилиш пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, ташкилот уларни фойдаланишга беришда ушбу инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг қийматини муддати кечиктирилган харажатларга киритиши мумкин. Бунда кечиктирилган харажатларни камайтириш, яъни уларни харажатларга ҳисобдан чиқариш қуйидаги усуллардан бирини қўллаш орқали амалга оширилади:

қийматни ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш;

тенг меъёрга.

70. Қийматни ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш усулида кечиктирилган харажатлар суммасини ҳисобдан чиқариш ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг натурал кўрсаткичидан ва инвентарь ҳамда хўжалик жиҳозлари таннархининг кўрсатилган инвентарь ва хўжалик жиҳозларини фойдали ишлатишнинг бутун кутилаётган муддатида маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришнинг тахмин қилинаётган ҳажмига нисбатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Қийматни тенг меъёрий усулда ҳисобдан чиқариш инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг таннархидан ҳамда ушбу инвентарь ва хўжалик жиҳозларини фойдали хизмат муддатини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

71. Инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг қийматини харажатларга ҳисобдан чиқариш усулларида бирини қўллаш инвентарь ва хўжалик жиҳозларидан фойдали ишлатишнинг бутун муддати мобайнида амалга оширилади.

72. Агар маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш муддатидан аввал тўхтатилган ва уни тиклаш кутилмаётган бўлса, кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинadиган инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг қолдиқ қиймати (инвентарь ва хўжалик жиҳозлари қийматининг ҳисобдан чиқарилмаган миқдори қолдиғи) ташкилотнинг молиявий натижаларига бошқа операцион харажатлар сифатида ҳисобдан чиқарилади.

73. Ташкилотнинг инвентарь ва хўжалик жиҳозларини таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлари (масалан, махсус асбобни чархлаш, алоҳида узел ва деталларни алмаштириш ва ҳоказолар) инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг вазифасидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш харажатлари ёки давр харажатларига киритилади.

74. Фойдаланиш жараёнида инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таннархини уларнинг алоҳида қисмларини алмаштириш орқали ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг айрим қисмларини алмаштириш ва таъмирлаш харажатлари мазкур тўпламни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари сифатида белгиланади.

75. Фойдаланишда бўлган, бироқ кейинчалик ўз вазифаси бўйича фойдаланилмаётган инвентарь ва хўжалик жиҳозлари бошқа операцион даромад сифатида реализация қилишнинг соф қиймати бўйича кирим қилиниши мумкин.

Бунда, ушбу инвентарь ва хўжалик жиҳозлари бўйича кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётларда сумма қолдиғи бўлса, улар ҳам ҳисобот даврининг харажатлари сифатида молиявий натижаларга киритилади.

76. Инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг қийматини уларни фойдаланишга бериш пайтида тўлиқ ишлаб чиқариш харажатларига ёки давр харажатларига ҳисобдан чиқаришда, фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг кейинчалик сақланишини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳисобини цех омборчилари ва алоҳида фойдаланувчилар бўйича балансдан ташқари счётларда юритиш лозим.

77. Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари қийматининг уларни фойдаланишга беришда ҳисобдан чиқариш тартиби, шунингдек, уларнинг қийматини харажатларга киритишнинг фойдаланилаётган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

78. Инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг қийматини балансдан ташқари ҳисобварақлардан чиқариш у ҳақиқатда ҳисобдан чиқарилганда ва бирламчи ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланган тақдирдагина амалга оширилади.

9-боб. Тараларни ҳисобга олиш хусусиятлари

79. Таралар ўз вазифасига кўра қуйидагиларга бўлинади:

товар-моддий захираларни омборларда сақлаш ёки маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш технологик жараёнини амалга ошириш учун мўлжалланган тара (сақлаш учун тара);

товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш жараёнида, омборларда ёки савдо жойларида ўраш учун мўлжалланган тара (ўраш учун тара);

товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига қадар ҳаракати жараёнида ташиш ва сақлаш учун мўлжалланган тара (ташиш учун тара).

80. Етказиш шароитлари ва фойдаланиш сонига (маротабасига) кўра кўп маротаба ва бир марта ишлатиладиган тараларга ажратилади.

Кўп маротаба ишлатиладиган таралар етказиб берувчидан (ишлаб чиқарувчидан) истеъмолчига кўп маротаба айланади ва товар-моддий захиралардан бўшатиладиган сўнг етказиб берувчи ташкилотга қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда қайтарилади.

Бир марта ишлатиладиган таралар ишлаб чиқаришга берилганда ёки товар-моддий захиралар чиқиб кетганда ташкилот томонидан харажатларга ҳисобдан чиқарилади ва қайтарилмайди.

81. Ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотларни ўраш учун мўлжалланган бир марта ишлатиладиган таралар қиймати таннарх таркибига, савдо

жойлари ва омборларда товарларни ўраш учун ишлатиладиган таралар эса сотиш харажатларига киритилади.

82. Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган таралар ҳисобварақ-фактура ва (ёки) бошқа ҳужжатларда (товарларни кузатиб боровчи) тегишли шартномаларда кўрсатилган гаров суммаси бўйича алоҳида қаторда, унда қадоқланган маҳсулотларнинг (товарларнинг) сотиш баҳосига қўшилмаган ҳолда кўрсатилади. Етказиб берувчилар томонидан кўп маротаба ишлатиладиган таралар қайтарилганда улар баланс қиймати бўйича кирим қилинади.

Харидор томонидан таралар қайта ишлатиш учун етказиб берувчига ишга яроқли (бузилмаган) ҳолатда қайтарилганда, унга (тарани топширувчига) ушбу таралар учун тўланган суммалар қайтарилади.

Бунда тараларнинг харидор томонидан қайтарилиши ва ушбу таралардаги товар-моддий захираларни сотиб олган етказиб берувчи томонидан тараларнинг олиниши даромад келтирувчи операция сифатида қаралмайди. Қайтариладиган таралар бошқа етказиб берувчига ёки тара тайёрловчи ташкилотга сотилган тақдирда, ушбу операция бухгалтерия ҳисобида даромад келтирувчи битим сифатида тан олинади.

83. Агар гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган таралар белгиланган муддатда ва сонда қайтарилмаса, бухгалтерия ҳисобида уларни бериш асосий фаолиятдан даромад ва харажатлар сифатида улар юзага келган ҳисобот даврида акс эттирилади, яъни харидор томонидан етказиб берувчига гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган таралар қайтарилмаган ҳолларда мазкур таралар учун гаров суммаси қайтарилмайди ва мол етказиб берувчи мазкур гаров суммасини молиявий натижаларига олиб боради.

84. Таралар таркибида, шунингдек, тараларни тайёрлаш ва таъмирлаш учун махсус мўлжалланган материаллар ва деталлар ҳисобланувчи тарабон материаллар ҳам ҳисобга олинади.

Юкланадиган маҳсулотларнинг (товарларнинг) сақланишини таъминлаш мақсадида вагонлар, кемалар, транспорт воситаларини кўшимча жиҳозлаш учун мўлжалланган буюмлар тарага киритилмайди.

85. Кўп маротаба ишлатиладиган тараларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар (айрим деталлар, қисмларни тозалаш, алмаштириш ва бошқалар) давр харажатларига киритилади.

Олинган кўп маротаба ишлатиладиган тараларни харидорлар қайтариб берганда уларни ишчи ҳолатга келтириш учун амалга оширилган таъмирлар ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар (тозалаш, айрим деталлар, қисмларни алмаштириш ва бошқалар) шартномада назарда тутилган тартибда харидорлар томонидан қопланиши мумкин.

86. Табiiй эскириши, синиши (шикастланиши) ёки бузилиши натижа-сида яроқсиз ҳолга келган ва ташкилот томонидан ишлатилмайдиган таралар тегишли далолатнома расмийлаштирилган ҳолда харажатларнинг тегишли моддаларига ҳисобдан чиқарилади.

10-боб. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш хусусиятлари

87. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш объектлари бўлиб насл, ортган вазн ва ўсиш, ёш ҳайвонларнинг катта ёшдаги гуруҳларга ва асосий подага ўтказилиши, асосий подадан яроқсизга чиқарилган чорва молларнинг боқувга қўйилиши ҳисобланади.

88. Асосий поданинг яроқсизга чиқарилган ва боқувга қўйилган чорва моллари яроқсизга чиқарилган маҳсулдор ҳайвонларнинг баланс қиймати ва яроқсизга чиқарилган катта ёшдаги ишчи ҳайвонларнинг сотилишидан кутилаётган сумма бўйича ким қилинади.

Келиб тушган ҳайвонларнинг ўстиришга ва боқувга ким қилиниши мазкур Стандартнинг 3-бобида белгиланган тартибда ўтказиладиган баҳолаш бўйича амалга оширилади.

89. Боқувдаги ҳайвонларнинг тирик вазни ўстириш ва боқиш натижасида ошади ва ҳайвонлар тирик вазнининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда қўшимча баҳоланади.

Тирик вазнининг ўсиши ҳайвонлар бириктирилган моддий жавобгар шахслар бўйича турлари ва ҳисоб-ишлаб чиқариш гуруҳлари бўйича аниқланади. Бунинг учун мазкур гуруҳ ҳайвонларининг ҳисобот даври охирида белгиланган тирик вазнига мазкур ёшдаги гуруҳдан ҳисобот даври мобайнида чиқиб кетган ҳайвонларнинг тирик вазни қўшилади ва мазкур гуруҳга тегишли ҳисобот даврида келиб тушган ҳайвонларнинг тирик вазни ҳамда ҳисобот даври бошида мавжуд бўлган ҳайвонларнинг тирик вазни айирилади. Олинган натижа ҳисобот даври мобайнида ўстиришда ёки боқувда ва яйловда бўлган ҳайвонларнинг ёш гуруҳи бўйича тирик вазнининг ўсишини акс эттиради.

11-боб. Товар-моддий захираларни инвентаризация қилиш

90. Товар-моддий захираларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, уларнинг реализация қилиш соф қийматини тасдиқлаш ва уларнинг бут сақланишини назорат қилиш мақсадида ташкилотлар томонидан йилида камида бир маротаба товар-моддий захиралар инвентаризация қилинади.

91. Товар-моддий захираларни инвентаризация қилиш Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандарти (19-сонли БҲМС) (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) белгиланган тартибда ўтказилади.

Товар-моддий захиралар инвентаризацияси натижасида аниқланган камомадлар уларнинг (баланс) қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган товар-моддий захиралар камомати суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда табиий йўқолиш меъёрлари чегарасида, шунингдек, камомаднинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти бўлмаган ҳол-

ларда уни бошқа операцион харажатларга ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳисобот давридаги молия натижаларига киритилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган товар-моддий захиралар камомоди аниқ айбдор шахслар аниқланмаганда ёки моддий жавобгар шахслардан ундиришнинг имкони бўлмаганда камомад суммаси молиявий натижаларга олиб борилади.

92. Инвентаризацияда аниқланган ортиқча товар-моддий захираларнинг қийматини кирим қилиш бошқа операцион даромадлар сифатида акс эттирилади. Камомоди инвентаризация вақтида аниқланган етишмайдиган товар-моддий захираларнинг баланс қиймати айбдор шахслар аниқланишига қадар камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишларни ҳисобга олувчи счётада акс эттирилади.

12-боб. Товар-моддий захираларни олишга ишончнома

93. Ташкилот томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчилардан товар-моддий захиралар олиш учун ишончли шахсга ёзма ишончнома беради. Ишончли шахс унга ишончнома бўйича берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади.

94. Товар-моддий захираларни олишга ишончномалар ташкилот ихтиёрига кўра мазкур Стандартнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда (берилган ишончномалар ишончномалар дафтарида ҳисобга олинган ҳолларда) ёки мазкур Стандартнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда (берилган ишончномалар ишончномалар журналида ҳисобга олинган ҳолларда) расмийлаштирилади.

Ишончномалар ташкилот раҳбари ёки бошқа масъул бўлган ваколатли шахслар томонидан имзоланади.

95. Тегишли техник воситалар мавжуд бўлганда, ишончнома ахборот тизимлари ва ахборот технологияларини қўллаган ҳолда электрон шаклда расмийлаштирилиши мумкин.

Техник воситалар ҳамда ахборот тизимлари ва ахборот технологияларини қўллаган ҳолда электрон ишончномалар мазкур Стандартнинг иловаларига мувофиқ шаклда тузилади. Электрон ишончномаларни сақлашда уларни олиш ва қоғоз шаклидаги нусхаларини тақдим этиш имконияти таъминланган бўлиши шарт.

Электрон ишончномалар жавобгар шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши лозим.

96. Ишончномани беришда ташкилот танлаган шаклга боғлиқ ҳолда ишончнома ишончномалар дафтарида ёки берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журналида рўйхатдан ўтказилади.

Ишончномалар дафтари рақамланади ва ип билан тикилади. Дафтарнинг сўнгги варағида ташкилот раҳбари ёки у томонидан белгиланган шахсларнинг имзосидан кейин «Мазкур дафтарда ... варақ рақамланди» деган ёзув қайд этилади. Варақлар сони ёзув билан кўрсатилади.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш мазкур Стандартнинг 3-ило-
васига* мувофиқ шаклда рақамланган ва ип билан тикилган журналда олиб
борилади. Журналнинг сўнгги varaғида ташкилот раҳбари ёки у томонидан
белгиланган шахсларнинг имзосидан кейин «Мазкур журналда ... варақ
рақамланди» деган ёзув қайд этилади. Варақлар сони ёзув билан кўрсати-
лади.

«Ишончномалар дафтари» ва «Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш
журнали» ишончномаларни рўйхатдан ўтказиш учун масъул бўлган шахс-
да сақланиши лозим.

Тўлиқ ёки қисман тўлдирилмаган ишончномаларни бериш тақиқланади.

Ишончнома электрон шаклда расмийлаштирилганда ишонч билдириляёт-
ган шахснинг имзо намунаси реквизити тўлдирилиши талаб этилмайди.

97. Ишончноманинг амал қилиш муддати товар-моддий захираларни
олиш ва олиб чиқиб кетиш имкониятига боғлиқ равишда белгиланади, бироқ
қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан ошмаслиги керак.

98. Ишончли шахс унга берилган амал қилиш муддати ҳали тугама-
ган ишончномалар бўйича товар-моддий захираларни олиш ҳуқуқидан мах-
рум қилишда уларни олувчи дарҳол тегишли ишончномаларнинг бекор
қилинганлиги ҳақида етказиб берувчини хабардор қилади. Бундай хабар-
нома олинган пайтдан бошлаб бекор қилинган ишончнома бўйича товар-
моддий захираларни бериш тўхтатилади.

99. Ишончли шахс товар-моддий захираларни олгандан сўнг топшириқ-
лар бажарилганлиги ва у олган товар-моддий захиралар омборга (омбор-
хонага) топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ташкилот бухгалтерия-
сига ёки тегишли моддий жавобгар шахсга тақдим этади.

Фойдаланилмаган ишончномалар амал қилиш муддати тугаган кундан
кейинги санада уни берган ташкилотга қайтарилиши керак.

Фойдаланилмаган ишончноманинг қайтарилганлиги тўғрисида ишонч-
номалар дафтарида («Топшириқ бажарилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат-
нинг рақами ва санаси» устунда) ёки берилган ишончномаларни ҳисобга
олиш журналида («Ишончнома бўйича топшириқлар бажарилганлиги тўғри-
сидаги қайдлар» устунда) қайд этилади.

Қайтарилган фойдаланилмаган ишончномалар «фойдаланилмаган» ёзуви
билан сўндирилади ва уларни рўйхатдан ўтказиш учун жавобгар бўлган
шахс томонидан ҳисобот йили охирига қадар сақланади.

Ҳисобот йили тугагач фойдаланилмаган ишончномалар йўқ қилинади
ва бу ҳақда тегишли далолатнома тузилади.

Амал қилиш муддати тугаган ишончномалардан фойдаланиш тўғриси-
да ҳисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар берилмайди.

100. Ишончномалар амал қилиш муддатидан қатъи назар товар-моддий
захираларнинг дастлабки берилишида етказиб берувчида қолдирилади. То-
вар-моддий захираларни қисмларга бўлиб беришда ҳар бир берилган қисмга
юкхат (қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки бошқа тегишли ҳужжат)
тузилади, унда ишончнома рақами ва у берилган сана кўрсатилади.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бундай ҳолларда юкхатнинг (қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки бошқа тегишли ҳужжатнинг) бир нусхаси товар-моддий захираларни олувчига берилади, бошқаси етказиб берувчида қолади ҳамда ишончномага кўра бойликларни бериш устидан кузатув ва назорат учун қўлланилади.

Товар-моддий захиралар берилганидан кейин ишончнома ишончномалар бўйича топширилаётган бойликларнинг охирги туркумини бериш учун ҳужжат билан бирга бухгалтерияга топширилади.

101. Ташкилот ишончномалари бўйича товар-моддий захиралар қуйидаги ҳолларда берилмайди:

тўлдириш тартибини бузган ҳолда ёки тўлдирилмаган реквизитлар билан берилган ишончномалар тақдим этилганда;

тузатилган ва бўялган жойлари мавжуд бўлган ишончномалар тақдим этилганда;

ишончномада кўрсатилган шахснинг паспорти тақдим этилмаганда;

ишончнома берилган муддат тугаганда;

қабул қилиб олувчидан ишончнома бекор қилинганлиги тўғрисида хабар олинганда;

унинг номидан ишончнома берилган юридик шахснинг фаолияти тўхта-тилганда.

102. Ишончномалар беришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши ҳамда товар-моддий захираларни ишончномалар бўйича бериш устидан назорат қилиш ташкилот раҳбари томонидан белгиланган масъул шахс зиммасига юкланади.

13-боб. Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тизимлари

103. Маҳсулот ишлаб чиқариш, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнининг характери ва хусусиятларидан келиб чиқиб, товар-моддий захиралар ҳисоби узлуксиз (доимий) ёки даврий ҳисобга олиш тизимларидан бири бўйича амалга оширилиши мумкин.

104. Товар-моддий захираларнинг узлуксиз (доимий) ҳисобга олиш тизимидан фойдаланилганда товар-моддий захираларни ҳисобга олиш счё-тларида уларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетиши бўйича операциялар батафсил акс эттириб борилади.

Товар-моддий захираларни узлуксиз (доимий) ҳисобга олиш тизимида бутун ҳисобот даври мобайнида товар-моддий захираларнинг қолдиги сум-малари ва сотилган (чиқиб кетган) захираларнинг таннархи тўғрисидаги маълумотлар олиниши мумкин. Сотилган товар-моддий захираларнинг тан-нархи, улар сотиб борилишига қараб сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннаrxини ҳисобга олиш счё-тларида акс эттирилади.

105. Даврий ҳисобга олиш тизими қўлланилганида ҳисобот даври мо-байнида товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи счё-тларда уларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетишининг батафсил ҳисоби юритилмайди.

Товар-моддий захираларнинг ҳақиқатдаги мавжудлиги уларни инвентаризация қилиш натижалари бўйича аниқланади. Сотилган (чиқиб кетган) товар-моддий захираларнинг таннархи уларни инвентаризация қилиш якунланишига қадар аниқланиши мумкин эмас.

Сотилган (чиқиб кетган) товар-моддий захираларнинг таннархи давр бошидаги қолдиқ суммаси ва давр мобайнида тушумларни қўшиш ҳамда давр охиридаги қолдиқ суммасини айириш йўли билан аниқланади.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг қўлланиладиган тизими ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

14-боб. Ахборотларни ёритиб бериш

106. Молиявий ҳисоботда қуйидагилар ёритиб берилиши лозим:

товар-моддий захиралар қийматини аниқлашда қабул қилинган ҳисоб сиёсати, шу жумладан, товар-моддий захиралар қийматини баҳолашнинг қўлланиладиган усуллари;

товар-моддий захираларнинг якуний баланс суммаси ва баланс суммаси ташкилотга мувофиқ келадиган таснифда;

сабабларини баён этган ҳолда, товар-моддий захираларни реализация қилишнинг соф қийматига қадар жиддий ҳисобдан чиқариш;

ҳар қандай қисман ҳисобдан чиқарилган суммани тиклаш суммаси;

хўжалик фаолиятининг ҳисобдан чиқарилган товар-моддий захираларни тиклашга олиб келган ҳолатлари ёки воқеалари;

мажбуриятлар учун кафолат сифатида гаровга қўйилган товар-моддий захираларнинг баланс қиймати;

ҳисобот даврида чиқиб кетадиган товар-моддий захиралар таннархи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**319 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3278

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 май,
23-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2020 йил 28 майдаги
23-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 7 майдаги 62-сон «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1245, 2003 йил 27 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 28 октябрдаги 121-сон «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1245-1,

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 июлда эълон қилинган.

2003 йил 24 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 24-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 63-сон «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1245-2, 2016 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 36-сон, 419-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 27 июндаги 88-сон «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1245-3, 2017 йил 3 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27-сон, 626-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 28-сон «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1245-4, 2019 йил 11 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2019 й., 10/19/1245-4/2752-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 15 июндаги 52-сон «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (4-сонли БХМС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1595, 2006 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 282-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 67-сон «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БХМС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1595-1, 2016 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 36-сон, 423-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 2 июндаги 63-сон «Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (4-сон БХМС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1595-2, 2017 йил 8 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 23-сон, 484-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

320 Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида тинч-
лик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни
ташқил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом-
га ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3147-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 14 мартдаги 11, 8, 5, 6, 23 ққ, 37-сон қарори (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.04.2019 й., 10/19/3147/2889-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташқил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 1 июнь,
32-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 июлда эълон қилинган.

Миллий гвардия қўмондони**Р. ДЖУРАЕВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 1 июнь,
33-сон

**Фавқулодда
вазиятлар вазири в.б.****Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 1 июнь,
21-сон

**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси****А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 1 июнь,
16-сон

Ички ишлар вазири**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 1 июнь,
50-сон

Соғлиқни сақлаш вазири**А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 1 июнь,
10-5/1517-сон

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси,
Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги, Давлат
хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги
ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил
1 июндаги 32-сон, 33-сон, 21-сон, 16-сон,
50-сон, 10-5/1517-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва
уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
қиритилаётган ўзгартиришлар**

1. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. МИБ ва МИББ ҳузуридаги тиббий комиссияларнинг тузилиш тартиби, комиссия аъзолари таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ–4630-сон қарори билан тасдиқланган Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом асосида белгилади.».

2. 3-илованинг 9-банди биринчи хатбошисидаги «руҳий касалликлар мавжудлиги» деган сўзлар «руҳий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 5-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**321 Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларнинг 3-илоvasига ўзгартириш киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 26 декабрдаги 182-сон буйруғи (рўйхат рақами 2971, 2018 йил 15 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 7-сон, 128-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларнинг 3-илоvasи иловага* мувофиқ тахрирда баён этилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 июнь,
25-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 июлда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

322 Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқноманинг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1268-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2003 йил 24 июлдаги 83, 7/12-сон қарори (рўйхат рақами 1268, 2003 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идорларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 11-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқноманинг 1-иловаси изоҳи қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари учун муҳр билан тасдиқлаш талаб этилмайди.».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 19 июнь,
27-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 июлда эълон қилинган.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 19 июнь,
23-2020 қ/қ-сон

Келишилган:

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси**

К. РАФИКОВ

2020 йил 19 июнь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 2020-17-сон «Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3251.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/8-сон «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3254.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/9-сон «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомни, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 943-6.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 30 июндаги 157-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-7.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 12 июндаги 26-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилادиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари-ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3255.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2020 йил 1 июндаги 2020-22-сон «Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ

қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3256.

7. Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи Республика комиссиясининг 2020 йил 25 майдаги 24/1-1111-сон «Маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори [Кўчирма].

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3257.

8. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 8 июндаги 122-сон «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3258.

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 28 майдаги 24-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БХМС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3259.

10. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 28 майдаги 23-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3278.

11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 32, 33, 21, 16, 50, 10-5/1517-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3147-1.

12. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 12 июндаги 25-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг дав-

рий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларнинг 3-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-3.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 27, 23-2020 қ/қ-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқ-номанинг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1268-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг «Кам учрай-диган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3164, 2019 йил 7 июнь).

Адлия вазирининг 2020 йил 30 июндаги 161-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Товар моддий бойлик-ларини олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1245, 2003 йил 27 май), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1245-1, 2003 йил 24 декабрь), (рўйхат рақами 1245-2, 2016 йил 9 сентябрь), (рўйхат рақами 1245-3, 2017 йил 3 июль), (рўйхат рақами 1245-4, 2019 йил 11 март).

2020 йил 1 июлда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (4-сонли БХМС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш тўғрисида (рўйхат рақами 1595, 2006 йил 17 июль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1595-1, 2016 йил 9 сентябрь), (рўйхат рақами 1595-2, 2017 йил 5 июнь).

2020 йил 1 июлда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

